

САИДВАФО БОБОЕВ

АРМОНЛИ ДУНЁ

Қиссалар, ҳикоялар

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2007

84(5У)6-44
Б 79

Ўзб. әдаб. ҳсарлари

Бобоев, Сайдвафо.
Б 79 Армонли Дунё: Қиссалар, ҳикоялар/
Сайдвафо Бобоев.—Т.: Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашириёти, 2007. — 192 б.

ББК 84(5У)6

32827
H 29,

Йилдирим йиллар, тезоб кунлар ўтаверади. Инсоннинг ганимат
умри, ёшлиги, бебошлиги, орзу-армонлари эса ана шу йиллар аро
талошдир. ВАҚТ ана шу тақлид қаршисида ҳар неки бор маглуб
этади. Ибтидо-ю интиҳонинг згаси вақтдир. Бироқ бу даҳри дунда
вақтни-да маглуб этадиган бир куч бор: бу — эзгулик! Эзгулик ва
яхшиликни енгиг бўлмайди!

Хурматли китобхон! Қўлингиздаги мўъжаз китобнинг
саҳифаларига диққат қилинг: унда сиз эзгулик ва разолат ўртасидаги
курашнинг ҳаётий аксини кўрасиз. Бу "акс"да турли хил
инсонларнинг тақдирли ва ҳаёт йўли мужассамланган.

Ўйлаймики, бу тақдирлар кечмиши сизни бефарқ қолдирмайди.

ISBN - 978-9943-06-028-9

№ 99-2007 Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

20 01
A 60
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

©Сайдвафо БОБОЕВ.
© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

НОМУС ТУТҚУНИ

Табиат бизни киришда ҳам, чиқишида ҳам тинтүв қилади. Ялонғоч келгандик, ялонғоч кетамиз. У ердан олиб келгандан ортиқ нарсани олиб кетолмайсан.

СЕНЕКА.

Роппа-роса икки йил аввал бир түп ёш-яланг билан мардикорчилик қилиш илинжида пойтахтга кетган Ҳайдар ниҳоят қишлоғига қайтди. Устида нархи хийла чақиб оладиган күйлак-шым, оёғида тоза чарм туфли. Ишқилиб, күрган киши бу йигирма уч яшар бўзболанинг икки йил бирорвлар эшигида ишлаб ийиги чиқмаганини дарров пайқайди. Сафар олдидан тоза шампун билан обдон ювилган жингилтоб соchlари кўпириб, қорамагиз юзлари йилтилаб турибди.

Ҳайдар автобусдан катта йўл ёқасида тушиб қолди. Беш-олти соат тиқилинч, ҳар хил ачимсиқ ҳидларга тўла салонда ўтириб, туйқус тоза ҳавога чиққаниданми бирқур боши айланиб, кўзлари тиниб кетди.

Май ойи адоқлааб қолганига қарамай, ҳали бу ерлардан баҳорнинг сўлим таровати кетмаган эди. Қирлар, ялангликлар кўм-кўк. Қийғоч, қуюқ баргларга бурканган дарахтлар енгил эпкиндан оҳиста чайқалади. Одатда, бу теварак саврнинг ўрталаридаёқ сап-сариқ, тақир далаштга айланиб қолар эди. Йўқ, бу йилги кўклам хийла

серёгин келгани учунми ҳарнечук бу сафар баҳор ҳали авжида, сержилва сепини йигиштириб олгани йўқ.

Ҳайдар совға-саломга тўла сафар тўрвасини елкасига олифталарча осиб қадрдан қишлоғи Чангак томон кўз ташлади. Қишлоқ ўсиқ – дов-дараҳтлар, кенг пайкаллар ортидан гира-шира кўзга ташланиб турар эди. Катта йўлдан хийла узоқ, ҳечқурса, беш-олти чақирим келади. Шаҳарнинг тайёр кўликларига ўрганиб қолган Ҳайдар эриниб йўл бўйида пича туриб қолди. Шояд бирор улов Чангак томон бурилса-ю, шаҳар кўрган йигит бир амаллаб унга илашиб олса! Аммо атроф жим-жит, олис-олисларда зўр бериб ишлаётган тракторнинг кучаниб тариллашигина қулоққа чалинади. Аҳён-аҳён катта йўлдан “Нексия”, “Опел”, “Лада” каби узоқни кўзлаган машиналар ўқдай учиб ўтиб, ҳаш-паш дегунча кўздан йўқолиб кетади. Ҳайдар бу сержозиба, бежирим автолар ортидан тамшаниб-тамшаниб, орзуманд-орзуманд тикилиб қолади. “Бирорта шунақасидан қачон менга ҳам насиб этаркан?” – хаёлидан ўтади унинг. Йигитнинг қўллари мушт бўлиб тугилиб, юз пайлари асабий ўйноқлади. Одатда, у ич-ичидан ишонч, қатъият қайнаб чиққандан шундай аҳволга тушади.

Ҳа, Ҳайдар ўз-ўзига ишонадиган, сергайрат, тадбиркор йигит. Бўлар бола бошидан билинади деганлариdek, бу хислат ўспиринлик чоғларидаёқ ниш кўрсатган. Ҳайдар мактабда ҳартутгул аъло ўқимаган бўлса-да, тиришқоқ, зийрак, ўзига етарли мутомбира-пишиқ эди. У синфдошлари билан туман марказига кинога, ё шунчаки томошага чиқишиганда, усталик билан ўз харажатларини ўртоқлари бўйнига қўйиб қўярди. Устига-устак иззат-икромга, ташаккуру олқишлиарга кўмилиб юрарди. Чунки у барча тадбирларнинг кайвониси, тўп-тўп анқайган мишиқиларга йўлчи-йўлбошли бўларди-да. Бироқ афсуски Ҳайдар бирор бир

олий ўқув юртининг тупрогини ялай олмади. Бу масалада шундай учар йигитчанинг омади чопмади, Ҳайдар кетма-кет икки йил уннаса-да, олий мақом ўқишиларга илаша олмади. Сўнг ҳарбийга кетди. Аскарликдан баттар устомон, баттар айёр бўлиб қайтди. Ундаги бундай қувлик, тадбиркорлик мардикорчилик пайида пойтахтга боришганда хўб қўл келди. У қора ишда қора терга ботиш ўзининг қисмати эмаслигини шаҳар бўсағасидаёқ пайқади. Ҳамқишлоқларидан ажралиб ўзига алоҳида ҳужра топди. Аввалига ул бозордан бул бозорга нарса келтириб, сотиш билан кун кечирди. Ўшанда ҳам ҳар нечук ёмон топмади, бироқ Ҳайдар янада кўпроқ даромад қилиш пайида эди. Пул топишининг бошқа йўл-йўригларини излай бошлади. Шундай серташвиш кунлардан бирида Гулом номли "валютчик" билан танишди. Гулом шаҳарнинг қоқ марказидаги бозор ёнида туриб эртадан кечгача «доллар олавуз, доллар сотовуз» дея гоҳ бўкириб, гоҳ мингирилаб турар эди. Лекин топиши тутиши тузуккина экани афтидан шундоққина билинарди. Ҳайдар янги акахонига шогирдликка тушди. Аввал бошида анча қийналди, ҳатто, бир-икки "валютчик"ларни овлаб юрган орган ходимларининг қўлига тушиб, бор-будидан ажралиб, аранг қутилиб чиқди. Аммо Ҳайдар бўш келмади. Шу соҳада ошиги олчи тушишини негадир ич-ичидан сезарди. Тишини тишига қўйиб ишлади. Ҳатто, йўлини қилиб ўша орган ходимлари билан кейинчалик ош-қатиқ бўлиб кетди. Адашмаган экан, Ҳайдар олти ой ичида бозорнинг энг учар, энг дугумли "валютчик"ларидан бирига айланди. Ҳаш-паш дегунча хийла пул жамгарди. Ҳар эрталаб ҳужрасидан чиқиб, киракаш ёллаб қадрдан бозорига йўл оларкан, йўл бўйларида уймалашиб, бирор бир мижозни саргайиб кутаётган кир-чир, иприски мардикорлар ичида аҳён-аҳён ҳамқишлоқларига кўзи тушиб ўз-ўзича мағрур

иљайиб құядиган бұлди.

Чангаклик “валютчик” күп үтмай тиллафурушилкка үтди. Бу соҳа ҳам доллар, рубл олди-сотисидан үтса үтардикі, асло қолишмасди. Ҳайдар ҳаш-паш дегунча ҳар қаңдай тилла буюмни құлида бир зум тутиб туриб, унинг салмоғиу сифатини адашмай айта оладиган авлиёга айланди. Үнда-мунда учраб турадиган ишқалликларни айтмаганда, деярли унинг ошиги олчи эди. Аммо Ҳайдар пойтахтта келгандан бери бирор марта ҳам Чангакка бормади. Ахён-аҳён у-бу ҳамқишлоқлари орқали чолу кампирга оз-моз пул жұнатыб турди. У бозорни бир кунга бұлса-да, ташлаб кетишга күзи қиймасди. Құлдан-құлға үтиб, сотилаёттан тилла буюмларнинг жилvasи буткул күз үнгини згаллаб олган эди.

Шундай сержилва, сержозиба кунлардан бирида ҳужра эшиги устма-уст тақиллаб қолди. Ұша куни бозордан андак әртачи қайттан Ҳайдар эндигина ювиниб-чайиниб бұлғанди.

- Ким? – сұранди у эшикка юzlаниб.
- Бу мен, Хушбоқман.

Хушбоқ Ҳайдарнинг синфдоши, йўл бўйида мижоз пойлаб, ризқини териб юрадиган қавмдан эди. Ҳайдар ҳамқишлоғини хушнуд кутиб олди. Умуман, шу кун тиллафурушнинг хийла димоги чоғ, вақти хуш эди. Чунки тушдан кейинги бир олди-сотдида у мўмайгина ўлжа орттириди. Шу сабаб ҳам бугун яхши бир дам олиш учун ижара уйига эртароқ қайттан эди.

Қора ишдан баттар қорайиб, озиб-тўзиб кетган Хушбоқ дўстининг икки хонали уйига кириб оғзи очилди қолди.

– Вой-бўй, шишкa бўп кетибсан-ку, Ҳайдар? Манави мебеллар, телевизор ўзингникими?

Ҳайдар нописанд илжайған куйи бош иргади.

– Кимники бўларди эсам? Уй эгаси қип-ялангоч

квартирасини қолдирған, холос. Ҳаммаси ўзимники. Манови чүгдай гиламларни күрятсанми, туркларники, шунинг ўзидан беш-олтита оп қўйдим.

Ҳайдар беихтиёр мақтанишга тушиди. Одатда у сир бой бермай, писмиқланиб юришни ёқтирадар эди. Йўқ, негадир ҳозир Хушбоқни тўкин дастурхон ёнига ўтқазар экан ўз-ўзидан мақтанишга тушиб кетди.

— Қойил, — дея олди зўрга Хушбоқ, ҳануз теварагига анграяр экан. — Шунча пулинг кўп бўлса, бирорта уй сотиб ол-да.

Ҳайдар совиттичдан ароқ олиб пиёлаларга қўйди.

— Уй дейсанми? Савил пропискам йўғ-да. Уйни қандай расмийлаштираман. Шошилмайлик-чи. Бўп қолар. Қани... буни ол, Хушбоқ, овқатнинг тагида қолсин.

Хушбоқ бироз қаршилик кўрсатиб турган бўлдию, бироқ оппоқ ароқ қалқиб турган пиёлани қўлига олди, сўнг бир "куҳ" деб ичидагини сипқориб юборди.

— Ўзингнинг ишларинг қалай? — ҳол-аҳвол сўраган бўлди Ҳайдар, бир бўлак помидорни оғзига тиқиб газак қиласкан, — қайлардан сўраймиз энди.

— Э, жўра, журиппиз-да мардикорчилик қилиб. Лекин тўгрисини айтсам силлам қуриган. Шу қишлоқقا буткул кетиб, бир-икки ҳафта донг қотиб ухласамми, деб юрибман.

Синфдошлар ҳиринглаб кулишди.

— Ухлаганинг билан сени бирор боқармиди? — дея ўзича донолик қилди Ҳайдар, иккинчи бор пиёлаларни тўлғазиб ароқ қуяркан. — Чидайсан-да энди, илож қанча. Масалан, менга ҳам осон эмас. Нима топган бўлсам, катта машаққат эвазига топганман. Лекин нолисам ношукурчилик бўлади, жўра. Қани, ол, бош омон бўлсин.

Икковлон яна пиёлаларни бўшатиб, газакка ташланишди. Кўп ўтмай Ҳайдар қозондаги димламани сузиб келтирди.

– Икки кун аввал қишлоқдан келдим, – деди Хушбоқ овқатдан бош күттармай. – Уйингдагилар салом айтиб юборишиди.

– Саломат бўлишсин.

– Нега ҳеч келмайди, ишқилиб, тинч-омонми, деб кўп сўрашди.

– Иш кўп-да.

– Лекин энди бормасанг бўлмайди.

– Нега? – сўради Ҳайдар сергакланиб.

Хушбоқ илжайди.

– Хушхабар. Умар аканг уйланяпти. Бир ҳафтадан кейин, келаси якшанба тўй.

– Тўй?! Дарров-а?!

Хушбоқ жавоб бермай, бу сафар пишиллаган кўйи пиёлаларга ўзи ароқ қўйди.

– Борасанми?

– Албатта-да. Эртагаёқ жўнайман. Тўй олди хизматларига қарашай-да.

Ҳайдар чин айтганди. Ростданам, у бугун эрталаб кўнгилдагидай бозор-учар қилиб, совға-салом тайёrlагач, автобусга ўтиридию, қайдасан Чангак, дея жўнаб юборди.

Ҳайдар шуларни хаёлидан ўтказаркан, қишлоқ томон юрадиган бошқа уловдан умид қилмай, ўйдим-чуқур, тупроқ йўл бўйлаб яёв жўнади.

Кун пешиндан оқсан. Ҳавонинг тафти баланд. Нақ тепада тўргай муаллақ қотганича, бетиним чугурлайди. Олис-олисда Чангакнинг лойсувоқ уйлари писта пўчоғидек сочилиб ётибди.

Ҳайдарлар оиласда уч қиз, уч ўғил. Барчалари иноқ-иттифоқ. Айниқса, Умар ва Ҳайдарнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ўзаро сирдошлиги жуда галати эди. Улар aka-уқадан кўра бир-бирига суюнч-таянч, қиёматлиғ дўстларга ўхшашарди. Шу сабабдан ҳам Ҳайдар акасининг уйланаётганини, тўй яқинлигини эшитиб

чида б туролмади. Бусиз ҳам икки йилдан бери соғинчдан, интиқлиқдан ҳилвираб турған юраги ортиқ тоқат қилолмай зудлик билан йұлға чорлади.

Бир умр колхознинг кетмөнини чопган Давлатқул ака ва хотини Бибитош янгалар болаларининг қобиљина, бир-бирига мәхрибонгина эканидан бошлари осмонга етарди. «Камбагаллигимиз звязига худо бизга шундай яхши фарзандлар ато қылды» деге шукроналар айтишарди. Тұгри, Ҳайдарнинг кичик опаси Ойгул әрга чиқищдан андак аввал хийла машмаша күтарди. У ҳақда қишлоқдаги ҳар хил сассиқ мишишлар пайдо бўлди. Бунинг ҳаммасига аслида Ойгулнинг гўзал, қувноқ ва очиқ кўнгил эканлиги сабаб бўлган. Ойгул вилоят марказидаги педколледжда ўқир эди ўшанда. Кимдир бирор уни аллақандай пўрим йигит билан қўлтиқлашиб юрганини кўрибди.

Кейинчалик аллаким Ойгулнинг туман раҳбарларидан бири билан шакаргуфторлик қилиб турганига гувоҳ бўлганмиш. Тагин бир нусха бу сулув қизни колхоз ферма мудири – Карим пачоқнинг машинасида ял-ял яшнаб дала кезиб юрганини гапириб хийла сасиди. Оилада бесаранжомлик бошланди. Айниқса, Карим пачоқ билан боғлиқ шивир-шивир Давлатқул аканинг жонжонидан ўтиб кетди. Чунки Карим пачоқ ферма мудири, бой-бойвачча киши бўлса-да, Чангакда уни ҳамма ёмон кўради. Тиканак соч, юzlари ялпоқ, бурни танқай бу нусханинг дум-думалоқ, митти кўзлари одамларда аллақандай жирканч ҳис уйғотарди. Айниқса, Карим пачоқнинг насл-насаби, уруг-аймоги ҳақида шундай нафратли гаплар юрардики, тузуккина амалига қарамай ҳамма ундан ўзини олиб қочишга уринарди. Охири мишишлардан сўнг аввал Давлатқул ака, сўнг Умар ва Ҳайдар Ойгулни қийин-қистовга олиб сўроқ қилишди, тергағашди. Аммо бу шўх-шаддод, қувноқ қиз одатдаги

ҳазил-хузуллари билан сўров-терговдан осонгина қутилиб кетди. Ўшанда Ҳайдар опасининг тозалигига ич-ичидан ишонган эди. Шунинг учун ҳам уни ортиқча қистамади, отаси ва акасини ҳам юпатиб, кўндириди. Аммо – шундай кунлардан бирида яқин қариндошлиаридан Ойгулга совчи келди. Давлатқул ва Бибитош бир-бирига маъноли термулиши, афтангиларидан мамнунликлари, совчиларга розичилик беришга тайёр эканликлари сезилиб туради. Бироқ одатта кўра, номигагина бўлса-да, “бизлар би-ир ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрайлик”, дейишиб, қариндошлиаридан муҳлат олишди. Афсуски, ҳамма машмаша ўша куни бошланди. Совчилар ҳақида эшиттан Ойгул ҳанг манг қотиб, маъюс-маъюс ўйларга чўмди, одатдаги қувноқлигу ўқтамликдан асар ҳам қолмади. Сўнг туйқус вилоят марказига қочиб кетди. Онаси соч юлиб қарғанди, отаси уҳ тортиб, сўкинди. Ойгул ўша кеттанидан уч-тўрт кун ўтгач, тагин ҳеч нарса кўрмагандай уйга қайтди. Болаларини ҳеч калтаклаб ўрганмаган Давлатқул aka қўлига узун бир таёқни олди. Бироқ дарровгина шашти сусайиб, қизига уч-тўрт оғиз ўшқиришдан нарига ўтмади, қўлидаги таёқни жаҳл билан бир чеккага улоқтириди.

“Мен қариндошимизга тегмайман”, деганди ўшандада Ойгул, эшитилар-эшитилмас товушда.

“Нега?!” – ўшқирди отаси. – “Ё, топганинг борми, ярамас?” Гапир! Миш-мишлар чин экан-да!”

Ойгул индамай онасига қаради. Отаси тушунди, шекилли индамай чиқиб кетди. Ўша кеча Ойгул онасига ёрилди. Чиндан ҳам топгани бор экан. Ойгул фақаттинга ўшанга тегаркан. Ҳатто... ҳатто қорнида ўшандан бир ойлик ҳомиласи бор экан. Давлатқул бу хабарни хотинидан эшитгач дами чиқмай қолди. “Наҳотки... миш-мишлар чин экан-да” – изтироб билан ўйланди у кўкрагини чанглаб.

Йўқ, барибир Ойгул вилоят марказига қочиб бориб,

дангалига гаплашиб келган бўлса-да, муштипар қиз умид қилганидек, ўша суюкли йигитидан совчи келмади. Ойгул қаттиқ ўксинди. Зор-зор йиглади. Охири... қариндошига тегишига кўнди. Тўй ўтди. Аммо тўй ўтиб, ҳаммаси кўнгилдагидек жойлашгунча Давлатқул ака хонадони безовталаниб, юрак ҳовучлаб турди.

Ҳайдар шундай хаёллар билан тепалиқдан ошиб ўтганини ҳам сезмай қолди. Тагин ўттиз-қирқ дақиқа қичаб юрса уйига етади қўяди.

Шу пайт тупроқ йўлдан анчагина наридаги зовур ёнида гира-шира кўзга ташланиб турган машина Ҳайдарнинг диққатини тортди. Машина атай буталар орасига яширинтириб қўйилганини Ҳайдар зийраклик билан пайқади:

“Қизиқ, кимники экан? “Жигули”га ўхшайди».

Ҳайдар бир ажабсениб, бир қизиқсиниб ўша ёқса юрди. Теваракда зог учрамайди. Фақат осмону фалакда аллақандай бўзтўргай зор-зор бўзламоқда эди.

* * *

Ҳайдар эҳтиёткорлик билан зовурга яқин борди. Секин буталар панасидан машина томон мўралади. “Ия, Карим пачоқнинг “Жигули”си-ку?! Нега яшириб қўйибди?” хаёлидан лип этиб ўтди йигитнинг.

Кўз ўнгига колхоз фермасини хусусийлаштириб олиб, баттар бойигандан бойиб, тараллабедод қилиб юрган юзлари тобоқдай, бурни япасқи, қалин лаблари осилган нусха жонланди. Жонландию ҳалигина йўл-йўлакай худди шу Карим пачоқни эслагани, у билан боғлиқ нохуш хотираларни ўйлагани ёдига тушди.

“Тавба, бўрини йўқласанг қулоги кўринади. Қизиқ, келиб-келиб шу тасқарани учратадиганга ўхшайман-а... Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да...” – хаёлидан ўтди Ҳайдарнинг.

Панаңдаги машинанинг икки ён эшиги очиқ зди. Аммо теварагида жон нүкси күрингмайды. Ҳайдар оҳиста, ҳушёр қадамлар билан "Жигули"га яқинлашды. Теваракка қўрқа-пуса аланглади. "Карим ака-а!" дея товуш чиқармоқчи бўлдию бироқ ҳам чанқовдан, ҳам ваҳимадан қуруқшаб қолган томогидан ҳеч бир овоз чиқмади. Ёнверидаги буталар барги енгил эпкиндан шитирлаб кетди. Шу чоғ зовур томондан Ҳайдарнинг қулогига ҳиринг-ҳиринг кулгу, нозу қийқириқ саслари чалинди. Йигит шоша-пиша тоғдек тупроқ уюмига тирмашиб, зовур томон мўралади. Мўраладиу тагин ўзини панага урди. Юз-кўзлари мисдай қизиб, юраги гурс-гурс ура кетди.

"Наҳотки..." уйлади у кўрган манзарасини тагин бир бор хаёлида жонлантириб. Сўнг яна қўрқа-пуса ўша ёққа мўралади. Қамишу юлгуналар қуюқ ўсган зовурнинг бир четида ярим ялангоч бир эркагу бир аёл бир-бирига бақадек ёпишиб, ялашиб-юлқашиб ўтиришарди.. Бу сафар Ҳайдар аёлнинг юз-кўзини қоплаган тўзгин соchlарини, оппоқ сонларини гира-шира кўрди. Унинг ёнидаги эркак Карим пачоқ эканлигига шубҳа йўқ зди. Уларнинг теварагида кийимлари тўзгин сочилиб ётибди.

Ҳайдар яна ўзини панага олди. Сўнг андак гандираклаган кўйи қишлоқ томон йўргалади.

— Об-бо, укам-е, роса согинтириб юбординг-ку, — дея нақ ўнинчи бор такрорлади Умар, Ҳайдарга илжайиб тикилган кўйи.

— Ўзиям икки йил қорасини кўрсатмади-я, — ўпкалаган бўлди Давлатқул ака. — Илгари армияга кетган шунча пайт кетарди. Ҳозирги мардикорлар аскарлардан қолишмайдиган бўп кетишган.

Улар қанд-қурс, нон бўлаклари сочилиган дастурхон теграсида ўтиришарди. Давлатқул ака, Бибитош янга гарчанд ўғилларидан ўпка-гина қилаётган бўлишса-да,

бироқ юз-күзларида мамнуният, қувонч балқиб турарди. Ахир, ёнгиналарида шаңар нуқси урган, тұлишиб, үктамлашған үгли соғ-омон үтиради-да. Устига-устак анча-мунча топармон-тутармон бўлиб кетгани, үзига пухталиги кўриниб турибди.

Умар озгин, қоп-қора юзларини бетиним силар, илжаяр, укасини кўпроқ гапга солишга тиришар эди. Бироқ Ҳайдар негадир паришон кўринади. Чойдан хўрхўр ҳўплаганича узоқ-узоқ хаёлга чўмиб қолар эди.

– Шундай қилиб Умарбойни ҳам унаштириб қўйдик. Бу ёғига тўй ҳам тезлашиб кетди, – деб салмоқ билан гап ташлади Давлатқул aka ёстиқни бағрига тортиб, оёқларини узатиб юбораркан.

Умар хохолаб кулди.

– Отам алдаяпти, ҳаммасини ўзим тезлаштирдим, Ҳайдар, сенга яхшиликча йўл бўшатай дедим-да.

– Раҳмат, раҳмат, – деб артистларча қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди ука. – Бундай ҳимматингни ҳеч унумтмагаймен.

Ҳайдар акасини ёшлигидан “сен”сираб ўрганганд. Умарга ҳам шунақаси ёқади. Гоҳ-гоҳо “сиз-сиз”лаб қолса, хафа бўлади, “мени бегона қиляпсанми?” дейди.

– Сал мундай қудалар ҳақида суриштирмайсан-а, – деб гина қилган бўлди Бибитош янга.

– Энди-да, эна, энди, – деб илжайди Ҳайдар. – Ҳаммасини бирдан билиб олсан тиқилиб ўламан.

Умар хохолаб кулди. Давлатқул aka ҳиринглади.

– Зўр янгалик бўляпсан, галварс, – дея Ҳайдарнинг тиззасига қувноқ шапатилади Умар, – гўзаллигини қўявер, кимлардан эканлигини эшитсанг, оғзинг очилиб қолади.

Ҳайдар чинданам қизиқсиниб акасига тикилди.

– Кимлардан экан?

– Қизилсойлик Хотам аканинг қизи, ҳув, Хуррам чавандознинг синглиси.

— Ўх-ү-ү, — деди Ҳайдар ҳайратланиб, бир акасига, бир отасига кўз ташларкан, — юлдузни бенарвон урибсизлар-ку?

Давлатқул ака магрур бош иргаб, такаббуона илжайиб қўйди.

Қизилсойлик Ҳотам, гарчанд Умар эҳтиром билан "ака" деёттан эса-да, одамлар орасида "ўпқон" лақаби билан машҳур эди. Ҳотам ўпқон бир пайтлар вилоятнинг кўзга кўринган амалдорларидан бўлган. Кейинчалик имижимида отамакон — Қизилсой қишлоғига кучиб келиб, тарқаб кетган совхознинг серсув, ҳосилдор еридан анчагинасини згаллаб олган, катта, серқатнов йўл ёқасига ёқилги қўйиш шахобчасини қурдирган, хуллас, янги замон бойларидан саналади. Ҳотам ўпқон катта амалларнинг, юқори доираларнинг ҳавосидан нафас олиб ўрганганиданми, унча-мунча одам билан очилиб-сочилиб гаплашмас, анчайин тўнг ва баджаҳл киши эди. Унинг тўнгич ўғли Хуррам чавандоз ҳам ўзининг урушқоқлиги, зўравонлиги билан хийла машҳур. Айтишларича, вилоятнинг машҳур бир жиноий тўдасига Хуррам ҳам аъзо эмиш. Шундай бой-бадавлат, димогдор хонадоннинг Давлатқулдек эски чориг, фақир-пасткаш одам билан қудаандачилик қилаётгани ҳам қизилсойлик, ҳам чангаклик аҳолини роса ажаблантирди. Ҳатто баъзи бир оғзига кучи етмаган гийбатчилар, куракда турмайдиган ажойибу гаройиб миш-мишларни тўқиб-бичиб чиқаришди. Аммо ҳаммаси бекор. Ҳотам ва Давлатқул хонадони қудаачиликда событ. Худо хоҳласа, яқинда тўй.

— Э-э, укам, ҳали гаплар кўп, — дея кўз қисди Умар, тагин Ҳайдарнинг тиззасига шапатилаб, — ҳали гаплашамиз.

Шу пайт кўча дарвозаси енгил-енгил тақиллади. Дастурхон теварагида ўтирганлар сергакланиб, кўз уриштириб олишди.

— Ким бұлдайкан, шом пайти, — деб мингирилади
Давлатқул ака, ёстиқдан бағрини ростлаб.

— Ҳозир.

Умар чаққонлик билан үрнидан туриб ташқарига
отилди. Ланг очилиб қолган эшиқдан гира-шира шом
қоронгулигига бурканадаёттап ҳовли чала-ярим күриниб
туарди.

Күп үтмай дарвоза ёқдан аёл кишининг қувноқ, шұх-
шодон кулгуси эшитилди.

— Ия, Ойгул-ку?!

Бибитош янга ҳам қувониб, ҳам ажабсинаң үрнидан
құзғолди-да, қизнинг истиқболига ошиқди. Давлатқул ака
бир-икки томоқ қириб, эшик томон күз ташлаб
тураверди.

Ҳайдар донг қотиб қолган эди. Негадир лоп этиб унинг
күз үнгіда яна ұша зовур лабидаги манзара жонланыл.
Жонландию үз хаёлидан үзи уялиб, ижирғанда. Сұнг
үрнидан оғир құзғалиб, опаси билан күришишга
ҳозирланды.

Ойгул одатдагидек шұх-шаддод, бир гапириб үн кулар
эди. Эрга теккандан бери андак тұлишиб, чиройига чирой
құшилған. Таниозларча бошига құндириған дуррачаси,
енги калта, кенг-мұл тикилған қизгиш күйләгі үзиге
хұб ярашиб турибди. Бармоқларида құша-құша узук,
бүйнида тилла занжир.

Ойгул Ҳайдар билан қуюқ күришди. Ҳатто соғинчдан,
қувончдан күзларига ёш қалқиб, тили бир зум калимага
айланмай қолди. Аммо бир оздан сұнг суҳбат тағин үз
үзанига тушиб қизиб кетди.

— Қандай шамол учирди, бундай бемақалда? — деб
сұради отаси унга саволомуз тикилиб. Онасининг андак
мен, андак ташвиш билан термулиб турған нигоҳларида
ҳам худди шу савол кезиниб юрарди.

— Ўлси-ин, — дея тантигланди Ойгул, Умар қуйиб узатган чойдан бир-икки ҳұплаб. — Күёвингиз билан марказға молға кетаёттандик, құргур, мошинамиз йўлда бузилиб қолди. Чангак яқин бұлғани учун у киши мени бир йўловчи машинасига солиб юборди, бир амаллаб етиб келдим. Ўзлари ҳали бузық араваси билан овора здилар. Ким билади.

Давлатқул aka ва Бибитош янга күнгиллари жойига тушиб, ўзаро маъноли кўз уриштириб олдилар: "Хайрият".

— Вой, Ҳайдарбек, қачон келдинг? — Ойгул энди укасини устма-уст саволга тута кетди. — Вуй, роса ўзгариб, нақ шаҳарликларга үхшаб қолибсан. Тошкент қалай? Бозорлар ободми? Ўлсин, биз ҳам энди ўшаёқдан товар ташисакми, деб ўйлаб юрибмиз.

Ойгул эри билан Ургутдан майда-чуйда келтириб, ўзларининг у-бу күчма бозорчаларида сотиб, тирикчилик қилишарди. Эру хотин құш ҳұқиз деганлари чин-да, мана, икковлашиб рўзгорга чопганларидан топиш тутишлари чакки эмас: рўзгор бут, уй-жой, машина бор.

— Кичкинтойингни кимга қолдирдинг? — сўради Бибитош янга.

— Қайнонамга. Нурбек шу момосига жуда ўрганиб қолган, мен керак эмас унга.

Дастурхон атрофида енгил кулгу күтарили.

Опасини бош-оёқ кузатиб ўтирган Умар ярим ҳазил, ярим ҳавас билан гап қотди.

— Жуда бойиб кетяпсан-а, Ойгул. Бўйнингдаги анови занжирни қачон олдинг.

— Фу-у, — менсимагандай лаб жийириб, қўл силтади Ойгул, — буни олганимга олти ойдан ошди-ю, сен мана буни кўр, ўтган ҳафта Ургутдан олдим.

Ойгул гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилиб, таманно билан

қулогидаги қизғиши зиракни күз-күз қилди.

- Вой-бў-ўй!
- Кўз тегмасин, туф-туф, – деди Бибитош янга.
Давлатқул ака ҳам бош иргади.
- Ўзингта буюрсинг, бундан ҳам зиёда бўл.
- Эй, сен, – Умар Ҳайдарга юзланди, – тилланинг
пириман деб мақтанасан қани буни бир баҳолаб бер-
чи?

Ойгулнинг қулогидан зирак унчалик қимматбаҳо
эмасди. Ҳайдар уни аллақачон пайқаган. Бироқ
опасининг кўнглига қараб, ўзича мақтаб қўйди.

- Зўр-ку?! Бунақаси Тошкентда осонликча
топилмайди.

Ойгул гул-гул яшнаб, укасига ҳавоий ўпич юборди.

- Дидингга балли, ука!

* * *

Йўл юриб чарчаган бўлишига қарамай ўша тун
Ҳайдар ухлаёлмай, тўлгониб чиқди. Кўз ўнгида ўша зовур
чеккасида манзара, гоҳ, тилла тақинчоқларга кўмилган
опаси бот-бот жонланар, минг бир хаёл исканжасида
кўнгли алгов-далгов бўлар эди. Худди шу ўй, ҳислар сира
тинчлик бермаганидан, Ҳайдар дастурхон ёнида ҳам
хийла бесаранжом, паришон ўтирди. Оила аъзолари
ундаги бу аҳволни йўл азобидан толиққанлигига
йўйишли, шекилли, ортиқ қийин-қистовга олиб сўроқقا
тутишмади.

Умарнинг эса оғзи қулогида. У бўлажак тўй, висол
ҳавосидан маст, димоги чог, вақти хуш эди. Устига-устак
жигарбандининг, энг яқин, энг сирдош қадрдонининг
пойтахтдан етиб келганини айтмайсизми?

Умар мактабда аъло баҳоларга ўқиган эди. Шу боис
вилоят марказидаги инженерлар институтига осонгина
кириб олди. Институтни битирдию бироқ ўзига муносиб

иш тополмади. Аввалига ўша Қизилсой совхозида мираблик қилди, сұнг, совхозлар тугатилғач, анча гарантисиб не бир иш машгул бұлишини билмай довдиради. Кейин үз қишлоқлари ёнидаги подстанцияга қоровул бұлиб ишга жойлашды. Иши тинч, уч сменали Умар навбатчиликдан бұш пайтлари эски, шалоқ "Москвич" ида киракашлик қиласы.

Хайдар турли-туман палаклар осилган, аллақандай үт-үланлар ҳидига бүккән мәхмөнхонага кириб, тайёр үрин-түшакка кириб ёттач Умар ёнига кириб келди.

— Ётдингми?

— Ҳа.

— Шошилмасанг-чи, бироз гаплашайлик. Ичим тұлиб кеттган.

Умар қаллиги, Хайдарнинг бұлажак янгаси-Гулбиби билан қандай танишиб, қандай севишгандарни, қандай саргузаштлар кечиргандар ҳақида тұлиб-тошиб ҳикоя бошлади. Хайдар ора-чора, истар-истамас саволлар беріб, изохлар талаб қилиб үзича суҳбатлашган бұлды. Бироқ тез-тез чалғиб, үз хәёллари оғушида ҳомуш тортиб қоларди.

— Ҳа, майли, — деди ниҳоят Умар узун бир ҳомузда тортиб, — қарасам, ҳеч чиройинг очилмаяпты. Қани, ётиб дам ол-чи. Эртага гурунг қиласыз.

Хайдар ҳайқотдай мәхмөнхонада ёлғиз қолди. Деразадан айвондаги электр лампа чирогининг ёруги ичкарини гира-шира ёритиб турарди.

Хайдар нохуш хәёллардан чалғиб, тезроқ ухлаб қолиш илинжида мәхмөнхона васса жуфтларини санаган бұлды, девордаги палак ~~кашталари~~дан үзича ҳар хил тасвиirlар ясади. Бироқ уни барыбир оғир, шишимшиқ хәёллар тарк этмади. Күз үнгіда тағин ўша зовур, ўша үсиқ қамишзор, юлғунзор, ялаб-юлқашаёттан үйнашлар...

Хайдар ич-ичидан илондай ғимирлаб турған аччиқ

ҳақиқатни тан олишга мажбур бұлди. У Ойгулдан шубхаланмоқда зди! Бу шубха негадир ұша манзарага гувоқ бұлған лаҳзадаёқ туғилғанды. Ким билсин, үшанда йұл-йұлакай Ойгулнинг маш-машалари, Карим пачоқ ва Ойгул ҳақидағи гийбатлар ҳақида үйлагани ва ногоҳ Карим пачоқни күриб қолгани учун туйқус шундай шубхага борғандир? Устига-устак, опасининг тұсатдан, бемаңал ота уйида пайдо бұлиши-чи?! Худди шу ҳол Ҳайдарнинг гумонларини баттар алангалатди. Назаридә опаси зовурда балчиққа беланиб, сұнг ҳеч нима күрмагандай ота уйига кириб келғандек туюлди.

Ҳайдар у ёқдан бу ёқ адарилиб ётди. Құзларини қаттиқ юмди: "Йұқ, бу нарсанынг тагига етишим керак. Карим пачоқнинг қучогидаги ұша аёл ким?"

Ҳайдар барибир үз опаси ҳақидағи шубхалардан құтулолмади. Чунки Ойгулнинг озгина үйноқи феъли, машмашали үтмиши бунга халақит берарди. Үшанда, бундан беш-олти йил аввал ҳам, Ойгул ҳақидағи мишишларга ишонишмаганды. Оқибати нима бұлыб чиқди. Барибир бу гийбатларда оқ бұлса-да ҳақиқат бор экан-ку? Шамол бұлмаса дарахт барги бекорга қимирламайды, деб бекұда айтишмаган-да. Ойгул алал-оқибат "оппоқ" чиқмади-ку?! Ҳар бало кутиш мүмкін бу замоннинг қиз-жувонларидан!

Тонғта яқин йигитнинг күзи илинди.

Ҳайдар эртаси куни чошгохға яқин құшни боланинг велосипедини олиб минди-да, зовур томон кетди. "Барибир бу бошогриқни бир ёқли қиласын. Балки... ұша ерда бирор белги қолғандир" хаёлидан үтказди Ҳайдар, үйдім-чұқур йұл бүйлаб авайлай-авайлай велосипед ҳайдаркан.

Кун иссиқ зди. Чанқаган дарахтларнинг барлары алланечук қоп-қорайиб күзге ташланади. Пайкалларда

эртаги бугдой майсалари хийла бўй чўзиб бошоқقا кирган, яшил денгиздай чайқалиб ётиди.

Ҳайдар унда-мунда учраб қолган таниш-билишлар билан кўриша-кўриша, сўраша-сўраша ниҳоят зовурга, ўша куни кеча "Жигули" паналатиб қўйилган буталар ёнига етиб келди. Атроф жим-жит. Анча олисдаги катта трасса йўл қора тасмадек гира-шира кўринади. Аммо трасса бўйлаб аҳён-аҳён ўқдек учиб ўтиб қолган машинанинг гувуллаган, шувуллаган товуши bemalol эшитилади.

Зовурнинг нариги тарафи катта-кичик пайкаллар. Ҳув, қишлоқ биқинида ишлаб ётган трактор элас-элас кўзга ташланади.

Ҳайдар тоғдек тупроқ уюмларидан ошиб ўтди-да кечаги саҳнага яқин борди. Худди тажрибали изқуварлардек теваракни синчков-синчков, зийраклик билан кузатди.

Буталар чайладек ҳурпайиб ўсан сойликка уч-тўрт кучоқ ўт-ўлан тушашиб тузуккина жой қилишган экан. Юмалаб ётган ароқ шишаси, ҳар хил ширин ичимликлардан бўшаган идишлар, овқат қолдиқлари бу ерда bemalol базми жамшид уюштирилганидан далолат берарди.

"Демак, Карим пачоқ бу ерга ҳеч кимни мажбурлаб, судраклаб келмаган, ҳар иккови аввалдан келишишган" – дея хаёлидан ўтказди Ҳайдар, ўзича илк хulosани ясаб.

Ҳайдар қалин кўрпадек тўшалиб ётган сўлгин ўт-ўланларни титкилашга тушди. Шу пайт хас-хуслар орасидан нимадир кўзга ярқираб кўринди. Ҳайдар шартта энгашиб ялтироқ нарсани қўлига олди. Олдию ҳам ҳайратдан, ҳам қувончдан қичқириб юборишига сал қолди. Унинг қўлида бир дона олтин гардишли, ёқут кўзли зирақ товланиб турар эди. Ҳайдар ҳаяжон билан зиракни қуёш нурида бир-икки жилвалантириб кўрди.

Күрдию тажрибали тиллафуруш ўз құлларыда гоят қимматбақо нарсани ушлаб турганига амин бұлды.

Ҳайдарнинг юраги қувончдан ҳапқиради. Ноёб топилма уни аввало нохуш қийноқлардан, ифлос шубҳалардан халос этди. Бу зирак Ойгулники эмас! Ҳайдар кеча шомда опасининг қулогидаги зиракни ўз күзи билан күрди-ку?! Демак, Ойгул покиза, у бу ерда бўлмаган.

Ҳайдар сўлғин ўт-ўланларни титкилаб зиракнинг иккинчисини излашга тушди. У қувончига қувонч қўшилишини, биратўла бир дунё бойликка эга бўлишни истарди. Бироқ қўлидаги зиракнинг жуфти топилмади.

Ҳайдар ҳаммаёгни титкилаб, синчковлик билан текшириб чиқди. Йўқ. Иккинчиси, ҳойнаҳой, ўша аёлнинг қулогида қолган. Бунисини бехосдан тушириб қўйгану, лекин сезмаган.

Ҳайдар ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. Қайтди ўйл-йўлакай миясига урилган фикрдан кўзлари билур зиракдек чақнаб, лаб-лунжи кулгидан ёйилиб кетди: "Шилиш керак! Анави, аблაҳ Карим пачоқни боплаб шантаж қиласман..."

Ҳайдар бутун далани тўлдириб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

* * *

Қуёш қип-қизариб уфққа бош қўйди. Подадан қайтаётган молларнинг мўраши, қўй-қўзиларнинг маъраши теварак-атрофни тутди. Чангакка шом инмоқда эди. Ҳайдар қишлоқ марказида, ўзига хос чоррача вазифасини ўтовчи муюлишда Карим пачоқнинг йўлини пойлаб юриниб турарди. У бутун кун бўйи бу фермадор корчалонни қармоққа илинтириб, бор будини шилиб олиш режасини тузган эди. Умуман айтганда, Ҳайдарнинг бунақа ишларга суюги йўқ. Пойтахтда кўпларнинг шўрини қистирган. Айниқса, тилла буюм ўгирлаб

сотадиган, сохта долларлар билан шугулланадиганларнинг роса ўтакасини ёриб, обдон «согиб ичган». Аммо ҳеч бирида Ҳайдар ўзини айбдор санаб, вижданни қийналган эмас. «Буни ҳаёт дейдилар» – дея ўз-ўзини юпаттан у, ҳар гал одамларничув туширганда, – ҳар ким орқа-олдини тозалаб, ҳушёр юриши керак. Озгина сирғалдингми, энди бу ёғига чида...»

Кўп ўтмай таниш «Жигули» кўринди. Ҳайдар атай йўлни кесиб ўта бошлиди. Шитоб елиб келаёттан машина секинлашди.

– Ўв, намунча имиллайсан йўл ўртасида? – деб ўшқирди Карим пачоқ хумдек бошини машина деразасидан чиқариб, – тезроқ ўт!

Ҳайдар у томон юзланди.

– Ассалому алайкум, Карим ака.

– Ия, Ҳайдармисан? Қара-я, танимабман.

Карим пачоқ «Жигули»ни йўл чеккасига тўхтатиб, лапанглаганча машинадан тушди. Сўнг ўзи томон йўналган йигитга қучоқ очди. Аммо Ҳайдар атай совуққонлик билан узалиб, қўл учидаги кўришди.

– Қачон келдинг, йигит? – деди Карим пачоқ иззат-нафси топталганини яширмай. – Шаҳарда журиб, тоза тумшуғинг кўтарилиб кетибди-ёв, одам билан нописанд кўришасан.

Ҳайдар илжайди.

– Қучоғлашаман, дейсиз... қучогингиз тозами ўзи, ишқилиб, зовурнинг сувида чайиниб олганмисиз?

Карим пачоқ бирдан ҳушёр тортди. Хазон тус митти кўзларида саросима пайдо бўлди.

– Бу нима деганинг, ошна? Ҳеч... тушунмадим.

– Айтдим қўйдим-да, – Ҳайдар ўзича бепарво бир чеккага «чирт» эттириб тупуринди. – Мен кеча келдим, пешиндан сўнг.

– Таксида келдингми?

– Йў-ў... сизга ўхшаган бойваччалар таксида юради. Биз бечораларга автобус ҳам бўлаверади. Катта йўл ёқасига тушиб қоламизу... буёғи қишлоққача яёв. Жуда зериксак, зовур атрофини томоша қили-иб... бир амаллаб уйгача етиб оламиз.

Карим пачоқ беўхшов илжайиб туксиз иякларини қашлаган бўлди.

– Қани, машинага ўтири. Сенинг гапинг кўпга ўхшайди.

– Бажону дил.

Улар ёнидан икки бола бир сурув қўй-қўзиларни ҳайдаб ўтди. Димогларга чанг аралаш, мол сийдигининг қўланласи урилди.

– Ҳим-м... кўрибсан-да... – деб гудранди Карим пачоқ машина ичида ёнма-ён ўтиришгач.

Ҳайдар унинг товушидаги титроқни, юз-қўзидағи қўрқув ва саросимани дарров илгаб олди.

– Ҳа, қўрдим, -деди сўнг, овози темирдай жаранглаб.

– Ука, буям бир эрқакчилик-да.

– Жуда яхши. Қаддингизни уринг, даврингизни суринг.

– Кесатма. Сен ҳам шаҳарда тоза юрмагандирсан?

– Ҳа, бизларда ҳам бўл турари, ака. Лекин гувоҳларга қўз ҳақи бериб турамиз. Ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмаймиз.

– Шунақами?.. – Карим пачоқ Ҳайдарга синовчан қўз ташлаб, иржайди. – Жуда соз.

Сўнг бир интилиб машина қутисини очди. Қутича даста-даста пулга лиммо-лим эди.

– Мана сенга қўз ҳақи, ука. Од, керагича ол.

Ҳайдар пул дасталарини қўриб бир шошган бўлса, ишнинг бу қадар жўнлашишидан минг шошиб қолди.

– Э-э, менга пулингиз керакмас, – дея йигит қўл силтаб, юзини четга бурди. – Ўзингизга буюрсин. Мен... мен шунчаки ҳазиллашдим.

Карим пачоқ дадиллашди.

– Ҳазилингни жўраларингга қиласан. Сени хўб тушундим... манави пулдан истаганингча ол, олу мени тинч қўй. Билдик... шаҳарга бориб зўр ҳунар ўрганибсан.

Ҳайдар ортиқча тихирлик қилишга ҳожат қолмаганини англади.

– Ўзингиз... атаганингизни узатинг, – деди тиржайиб.

– Сўнг... тую кўрдингми, йўқ. Мен бошқа дамимни чиқармайман, тавба қилдим.

– Шундай бўлсин. Йигитча гап.

Карим пачоқ икки даста пулни Ҳайдарнинг тиззасига ташлади.

• • •

Тўй ўтди. Ҳайдар янгалик бўлди. Умар виқор билан чимилдиққа кирди. Тўгриси, Чангакликлар яқин орада бундай данғиллама, серчиқим тўй кўришмаган эди. Ичкилик дарё бўлиб оқди. Маст-аласт қийқириб тентираган нечов, йўл бўйларида, томорқа чеккаларида юмалаб ёттан нечов. Никоҳ базмига пойтахти азимдан таниқли бир хонанда таклиф этилган экан. Фонограммаларнинг чинқириги етти қир ошиб, уйқудаги жониворларни ҳам уйготиб юборган бўлса ажабмас. Қошкўзлари обдон бўяб-бежалган, лорсиллаган кўкраклари ярим очиқ, раққоса қиз каттаю кичик эркакларнинг эҳтиросларини жўштириб, кўзларини ўйнатди. Ҳатто Раим тракторчи пул қистириш баҳонасида раққосанинг дудоқларидан икки марта ўпид олди. Теваракда қий-чув кўтарилди. Бу савил бўсалар нақ уч ойлик жамгармасини совурган бўлса-да, Раим тракторчи магрут-магрут кўкрак кериб, ароқ сипқорди. Тўй адоқлаб қолган бир маҳал қайгўрдандир Карим пачоқ пайдо бўлди. Гирт маст. Гандираклаб оёқда зўрга турибди. У шу пайтгача тўйхонада йўқ эди. Тўгрироги, уни таклиф этишмаганди.

Аммо базмнинг сўнгги нағмалари авжланиб турган чоғ кутилмаганда даврага суқилиб кирди. Шу пайт Ойгул дугоналари билан ўртада эшилиб-эшилиб рақс тушмоқда эди. Карим пачоқ елка учириб, қўл сермаб ўзича куй оҳангига мос йўргалай кетди. Йўргалай-йўргалай Ойгул томон тиржайиб юрди. Жувон ҳам кулимсираб у томон юзланди. Афтидан оломон бу икковлон ўртасида кечмиш миши-мишларни туйқус эслаб қолганди.

- Бўш келманг, Карим aka!
- Ойгул, олға!
- Бир-бирига хўб ярашганини-чи бўларнинг!

Даврадан шундай луқмалар пайдар-пай эшитила бошлади

Бир пайт Карим пачоқ чўнтағидан бир даста пул чиқариб Ойгулнинг устига сочиб юборди. Ойгул шўхлик билан кўз қисиб, ҳув, танноз раққосага тақлидан бўлиқ кўкракларини диркиллатиб бойваччага бақамти келди. Даврада қий-чув баттар авжланди. Шу орада гирт маст Тиркаш, Ойгулнинг эри гандираклаганча ўртага чиқдида, Карим пачоқнинг гарданига мушт сермади. Аммо Карим пачоқ чап бериб қолдию, рашкчи эр машшоқустига қулади. Тағин бир амаллаб ўрнидан қўзғалди. Пайтдан фойдаланиб Карим пачоқ унга ташланди. Аммо андак хушёроқ икки кимса уни судраклаб даврадан чиқариб кетди. Тиркаш эса Ойгулга ташланди. Бироқ шапалоқ учун узалган қўлини хотини ҳаводаёқ илиб олди-да, эрини силтаб тортди. Тиркаш худди кучукваччадек Ойгулнинг қучогига кириб кетди. Жувон унинг бўйнидан маҳкам қисганича даврадан судраб чиқди. Давра кучли қаҳ-қаҳадан ларзага келди.

Ҳайдар бу воқеаларни нафас олмай, тек қотиб кузатиб турди. Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши йигитни буткул лол қолдирганди. Ҳайдарнинг наздида ўша шомдаги хуфёна келишувдан сўнг Карим пачоқ

унинг кўзига буткул кўринмаслиги, пана-пасқамда биқиниб юриши, шаҳарлик тиллафурушни учратиб қолса, етти букилиб ялтоқланиши керак эди. Ўшанда хўб ажойиб сұхбат бўлганди-да ўзиям! Ҳайдар фермачи бойваччанинг нақ бўғиздан олди-я?! Тўгриси, ишнинг бу қадар жўн ва осон битишини йигит сирам ўйламаганди. Карим пачоқ обдон тихирлик қиласи деган хаёлда эди. Аммо иш хамирдан қил сугургандай битди. Ҳайдарнинг чўнтағи қаппайди. Ҳайдар ҳар гал Карим пачоқнинг қўрқув ва ваҳимадан бўзариб кетган афтини, дир-дир қалтираётган қўлларини эсларкан, бу довдир бойваччани ҳали кўп бора «согиб ичишига» ишончи комил эди. Аммо...

Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши, устига-устак Ойгулга тирғалиб, пул сочиши уни хийла таажжублантириб қўйди. Ҳатто, ич-ичида аллақандай хавотир ва ташвиш уйғотди. Эски шубҳаларни яна қўзгаб юборди. Айниқса, Тиркаш поччасининг лапашанг, бўш-баёвлиги бир кулгусини қистаса, бир ғашини келтиради. «Бир хотинни йигиштириб ололмасанг, баттар бўл», деб хаёлан жеркиди у. Тиркашни жаҳл билан сўкарди.

Мана, тўй-томоша ўтганига уч кун бўлди. Уч кунки Ҳайдарда ором йўқ. Кундузлари тўй асоратларини бартараф этиш, рўзгор юмушлари билан югуриб-елса, тунлари ташвишли ўйлар исканжасида тўлгониб чиқади. Чала ярим ухлаганиданми тез-тез боши оғриб, аъзори бадани зирқирайдиган бўлиб қолди.

Бугун ҳаво эрталабдан қизиб кетди. Кўзларини уқалаб ҳовлига чиқсан Ҳайдар эринган куйи ҳовли этагига ҳожатта бориб қайтди. Сўнг обдастадаги сувга енгил-елпи юз-қўлларини чайиб меҳмонхонага кирди-да, сочиқча артиниб, соchlарини тараган бўлди. Шу пайт эшик енгилгина тақиллади.

– Мумкинми, ҳазрат?

Эшик қия очилиб Умарнинг, уч кунлик қуёвнинг хушхандон чөхраси кўринди.

– Кир, киравер, – деди Ҳайдар акаси томон пешвоз юриб.

Умар илжайди.

– Кўрманани тайёрла. Янганг сенга салом бермоқчи.

Худди шуни кутиб тургандай ичкарига қимтинибгина келин кирди. Мехмонхона ўткир атир-упа исига бўкиб кетди. Келиннинг эгнидаги қизгиш кўйлак, бошидаги ҳошиялари зарҳал, оппоқ рўмоли ўзига фоят ярашган эди. У бармоқлари қўш-қўш узукларга тўла оппоқ, лўппи қўлини қўксига босиб уч карра таъзим қилди.

– Раҳмат, янга, кўп яшанг, – деди Ҳайдар алланечук ҳаяжон ва тотли ҳисларга чўлғаниб. – Бахти бўлингизлар.

Умарнинг оғзи қулогида эди.

– Янгангнинг юзини кўришни истайсанми?

Ҳайдар аввалдан ҳозирлаб қўйгани, гардишига тилла суви юритилган жажжи соатни чўнтағидан чиқариб келин томон юрди.

– Арзимас бўлсаям, шу мендан эсадалик.

– Ў-ҳу-ӯ, – деди Умар ҳануз илжайган кўйи, – кўрмана чаккимас, -сўнг келинга мурожаат қилди.– Гулбиби, қани юзингни кўрсат, қайнингта.

Гулбиби қимтинибгина рўмолини қия суриб юз кўрсаттан бўлди. Унинг қуюққина пардоз-андоз берилган чеҳрасида, андак қалин, қимтилган лабларида келинларга хос табассум ўйноқлар эди. Узун-узун киприкли кўзлари хумор-хумор боқади. Ҳайдар янгасининг кўҳликкина эканини пайқади. Ичу ташини ажиб бир ҳислар чулгади.

– Ана, танишиб ҳам олдик, янга, энди бундан буёги мендан қочмасангиз ҳам бўлади.

Гулбиби енгилгина таъзим қилди. Умар илжайди.

Бу хонадонда баҳт, шодлик шарпалари кезиб юради. Давлатқул ака ҳам, Бибитош янга ҳам мамнун. Келинлари одобли, тарбия күрган, маданиятли заифага үхшайды. Тұгри, уй-рұзгор юмушларига ҳали қовушиб кетганийүк, ҳарнечук уч-тұрт күнлик келин-да, аста-секин янги хонадоннинг пасту баландини англаб-тушуниб кейинчалик үз вазифасига түзүккина киришиб кетса ажабмас. Бир келин бұлса шунчалик бұлар! Келинни келганда күр, сепини ёйғанда күр, деганлари ҳақ рост экан. Гулбібининг сепи Умар иккى йил қора терға ботиб құрган иккى ҳұжралы құлбага сигмай кетди. Қишлоқ аҳлиға ҳали урға бұлмаган аллақандай мебеллар, диван, курсилар, қимматбаҳо матолардан тикилған күрпа-ёстиқлар, турли-туман кийим-кечаклар күрган күзни күйдирарди. Ҳарнечук, Чангакнинг не-не ичиқора, ҳасадгүйлари юрак чангаллаб қолишиңан бұлса ажабмас.

Айниқса, овозаси етмиш маҳаллага етган түйни айтмайсизми? Чангаклиklär күпдан бери бундай дабдабали базмға гувоҳ бўлишмаган эди. Тұгри, түйнинг асосий харажати келин тарафдан бўлди. Дастурхоннинг түри ҳам үшаларники бўлди. Давлатқул ака даврада күр тўкиб ўтирган не-не казо-казоларнинг, янги замон бойларининг кўписини таниганийүк. Бироқ барибир кўнгли кундай чараклаб турди. Ахир, түй уницида, унинг хонадонида кечмоқда эди-да! Ишқилиб худо унга бундай тўйлардан беҳисоб кўришини насиб этсин. Ишқилиб, иккинчи ўғли Ҳайдаржоннинг ҳам баҳт-иқболи худи шундай кулиб боқсин!

Ҳайдар эса ўша тўй кунидан бери яна безовталаниб қолган эди. Хаёлида гоҳ қўрқувдан қалт-қалт титраб турған, гоҳ тўй даврасига маст-аласт, нописанд чиқиб келган Карим пачоқ, гоҳ шўх-шадод Ойгул, гоҳ ўша зовур лабидаги топилған бир дона гавҳар зирак лип-лип этиб

утарди. Ҳайдар ҳеч бир қарорга, бир тўхтамга келолмай гаранг эди. Ўй-фикридаги шубҳа-гумонни ҳайдаб сололмай азобланмоқда. Чин-да шубҳаланмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўша зовур лабидаги шармандали манзара, Ойгулнинг туйқус кечки пайт ота уйида пайдо бўлиши, ниҳоят, тўйдаги икковининг қилиқлари алланечук бир-бирига боғлиқдай туюларди. Ўша чошгоҳ топиб олинган зирак ҳам гумонларини тарқатиб юборолмади. “Ойгулнинг қулогидан тушмаган бўлса, Карим пачоқнинг чўнтагидан тушиб қолгандир” деган бир ўй йигитнинг юрак-багрига ханжардай ботар, опасининг жирканчли йўлда эканига очиқ-ойдин ишона бошлар эди.

Мана, ҳозир ҳам ўша топилдиқ бир дона бебаҳо зиракни яшириб қўйган жойидан чиқариб, зимдан томоша қиларкан Ҳайдарнинг кўнгли оғир, ифлос шубҳаларга тўлиб тошди. Лаблари аламдан қимтиниб, қўлари мушт бўлиб тугилди.

Шу пайт айвон томондан гурс-гурс қадам товушлари эшитилди. Ҳайдар зирак донасини шоша-пиша тўрvasининг ичига яшириб қўйди.

– Мумкинми, кирсак майлими? – эшик қия очилиб Умарнинг баҳт, қувонч балқан чеҳраси кўринди.

– Салом бермасанг, бир ямлаб ютаман, – деб ҳазиллашган бўлди Ҳайдар, акасига пешвоз юаркан.

– Эй, тиллафуруш, сенга бир нозик савол бор.

– Сўйла, қулогим сенда.

– Манави матоҳ неча пул туради?

– Ия, – беихтиёр қичқириб юборди Ҳайдар. – буни қаёқдан олдинг?

– Нега бўкирасан. Ўзимники.

Ҳайдар юраги гурс-гурс уриб, кўзи тинган куйи ерга ўтириб қолди.

– Ҳазиллашма.

– Ҳазили йўқ, – дея ҳануз илжаярди Умар. – Янганг

бир донасини йўқотиб қўйган экан. Бошимиз қотди, бир донани тақиб бўлмаса, сотмоқчимиз. Қанчаларга кетар экан-а?

— Билмадим, — дея аранг мингирилади Ҳайдар акасининг қўлидагига қўрқа-писа кўз ташлаб оларкан.

Умар илжайган кўйи у томон ўша топилдиқ зирақнинг бир донасини тантанавор узатиб турарди.

Зирақ Гулбибиники! Демак, ўша Карим пачоқнинг қўйнидаги танноз шу экан-да! Суюкли акажонисининг хотини, унинг таъзим устига таъзимни қотираётган янгаси. Қандай шармандалик, қандай ифлосгарчилик?!

Ҳайдар тўлғониб ёттан жойидан уҳ тортиб туриб кетди. Ёнидаги чойнақдан ютоқиб-ютоқиб яхна чой сипқорди.

Тун. Ланг очиқ деразадан қоп-қора осмон мўралайди. Қайлардадир тун ҳашоратлари зор-зор чирқиллади. Енгил эсган эпкиндан дераза тагидаги дараҳт барглари маҳзун шитирлайди. Тонгта ҳали узоқ.

Ҳайдар туйқус йўлиққан шармандагарчиликдан қутулиш йўлларини хаёлан изламоқда эди. Нима қилсин? Бор аччиқ ҳақиқатни ота-онасига, акасига айтиб берсинми? Хўш, қандай исботлайди? Ана, исботлади ҳам дейлик, сўнг-чи? Сўнг, Умар уриб-тепиб хотинини ҳайдайди, катта жанжалга айланади. Шусиз ҳам бу хонадонга ҳасадгўйларча қараб юрган не бир маҳалладошлар бети қолиб, кети билан кулишади. Бу машмашалар Карим пачоқнинг қулогига етиб борса-чи? “Ҳақини берганмиз, Ҳайдарбой билан келишганмиз”, деб қаҳ-қаҳ отиб келмайдими?! Ўшанда тегирмон тоши кимнинг бошида айланади, ахир?!

Ҳайдар ўзи қўйган тузоққа ўзи тушганини англаб, гужанак тортган кўйи бош чанглаб қолди. Панжалари билан қуюқ соchlарини асабий тароқлади. Чуқур-чуқур уф тортид.

Хўш, бу мудҳиши сир ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаса-чи? Ёпиглик қозон ёпиглигича қолса-чи? Йў-ўқ! Карим пачоқ ич-ичида кулиб ўтади, бир кунмас бир кун бирор даврада, “Гулбиби мендан қолган сарқит” деб гап тарқатади. Мана шу маймун башара маҳлуқнинг олдида Умарнинг, Давлатқул ака хонадонининг тили қисиқ, боши згик бўлиб ўтади. Йў-ўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Оила шаъни учун, ака номус-ори учун ҳали туриб берадиган укалар бор!

Ҳайдар шашт билан қад ростлади. Тишларини гижирлатиб, қўлларини мушт қилиб тутди: “Ўлдираман! Ўша маҳлуқни ўлдираман... Қолгани бир гап бўлар...”

Ҳайдар қоп-қора тун қўйнига телбavor тикилди.

* * *

Мана, неча кундирки, Ҳайдар пайт пойлайди. У Карим пачоқни гумдан қилишнинг минг бир режасини тузатуза, ниҳоят, уни бирор бир овлоқ жойда пичноқлаб кетишга қасд қилган. Шу сабаб кун иссиқ бўлишига қарамай, кийиб олган пиждагининг ичига обдон чархланган, ўткир, узун тигли пичноқни яшириб олган. Аммо Карим пачоқни ёлгиз, овлоқ жойда учратишнинг ҳеч имкони бўлмаяпти. Лекин Ҳайдар кузата-кузата, пойлай-пойлай шу нарсага амин бўлди, Карим пачоқ ичкиликка қаттиқ ружу қўйибди. Куну тун масти. Унинг бу қилигига ҳатто ҳамқишлоқлар ҳам ҳайрон. Чунки Карим пачоқ илгарилари у-бу давраларда, тўй-ҳашамларда оз-моз ичкилик ичар, кўча-кўйда гандираклаб юрганини бирор кўрган эмас эди. Несабабдантир у туйқус ароқхўрга айланди қолди. Янги замон бойваччининг бу аҳволидан Ҳайдар хурсанд бўлди. “Худонинг ўзи ишимни ўнглаяпти” – дея хаёлидан ўтказди.

Бир пайтлар давлат ширкат хўжалигига тегишли бўлган, кейинчалик Карим пачоқнинг мулкига айланган

ферма қишлоқнинг кун чиқар томонида, катта-кичик экинзорлар тугаб, қир-адирлар бошланиб кетган ялангликда жойлашган зди. Уч-тұрт узун, пастқам бинолардан иборат ферма тевараги баланд девор билан үралған. Ҳовлидаги пичан-сомон ғарамлари, шифер билан қопланған молхона томлари гира-шира күзга ташланды. Ичкарита олиб кирадиган баланд ва кент темир дарвоза ахёң-ахёң очилиб, ёпилиб кимлардир кириб, кимлардир чиқиб турибди. Пода-пода молларнинг бўкириши, чўпонларнинг асабий қичқириги баралла эшитилади. Буларнинг бариси янги замон бойваччаси – Карим пачоқнинг ишлари авж, ошиги олчи эканлигини исботлаб турарди.

Фермахонадан анча олисда, дов-даражатлар қуюқ ўсган йўл бўйида Ҳайдар чошгоҳдан бери пойлаб ётибди. У режани бутун амалга оширишга қатъий қарор қилган. Шу сабаб ҳам эрталаб фермага отланған Карим пачоққа қорама-қора шу ерга келган зди. Карим пачоқ дарвозадан кириб кетди. Ҳайдар эса уни пойлаб туриш учун айнан шу ерни танлади. Чунки бу ер кузатувга жуда қулай. Иккинчидан, Карим пачоқ йўлнинг шу қисмидан ўтаркан машинасини албатта секинлатади. Йўл ёмон, уйдим-чуқур, устига-устак, кескин бурилиши. Ҳайдар ўз режасига кўра, Карим пачоқ фермахонадан чиқиб қишлоққа қайтаркан, бутазорга анча яқинлашган пайт, у тасодифий йўловчи каби йўл ўртасига чиқади. Ферма хўжайини уни кўриб тўхтайди. Ҳайдар, у билан қучоқлашиб кўришган бўлади ва... пичноқ сўнгги сўзни айтади. Мабодо, Карим пачоқ эски "ошно"сига безътибор ўтиб кетмоқчи бўлса... Ҳайдар бу ёгини ҳам ўйлаб қўйибди. Ишқилиб, Худо хоҳласа, ниятини амалга оширади. Энг муҳими, Карим пачоқ ёлғиз қайтсан! Агар бирортаси ёнида бўлса, иш пачава. Шунча куттганлари бутун ҳам бекор кетади.

Ҳайдар ичикиб теваракни синчков-синчков кузата бошлади. Кун иссиқ. Олис-олислардан сарғая бошлаган адирлар ола-қуроқ, жимиirlаб-жимиirlаб күзга ташланади. Йўлнинг ўнг тарафи бўйлаб ўтиб каттаю кичик экинзорлар оралаб кеттан ариқдан лойقا сув чайқала-тўлгона оқмоқда. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар узра чумчуқлар чирқиллашиб учиб-қўнишади. Экинзорлар ўртасида аллақандай дала шийпони гира-шира кўринади. Сувоқлари кўчиб, деворлари нураб, томлари қўпорилиб ётганига қараганда, кимсасиз, ташландиқ. Йигит яшириниб ётган жойдан бир чақиримча наридаги сертупроқ, тор йўл ўша томон элтади.

Ҳайдар бетоқат бўла бошлади. Мана, кун пешиндан оғаятпики, анавидан дарак йўқ. Ишқилиб, қайтармикан? Қайтар, чўпонлар билан тунаб қолмас...

Ҳайдар қўйнидаги ўткир, узун тигли пичоқни тагин бир сидра кўздан кечириб чиқди. Чаккимас, бир зарбада ҳар қандай полвонни иккига бўлиб ташлайди. Йигит пичоқнинг зарур пайти осонгина қинидан сугирилишини бир-икки синаб кўрган, ўзича у ёқ-бу ёққа сермаб кўрган бўлди.

Теварак тандирдай қизиб кетди. Ҳайдар елим идишдаги сувнинг сўнгги қултумларини ичиб тутатиб, идишни бир чеккага улоқтириди. Шу пайт фермахона дарвозаси ланг очилиб, Карим пачоқнинг "Жигули"си ташқарига чиқиб тўхтади. Машина эшигидан ферма хўжайнини ивирсиб тушди. Ҳайдар жон-жаҳди билан ўша ёққа тикилган эди. Тикиларкан, таажжубдан пешоналари тиришиб кетди. Карим пачоқ гўё узоқ сафарга отлангандай, гўё, энди ҳеч қайтмайдигандай дарвоза олдида уймаланиб, хўжайнини кузатиб қўйишга чоғланган хизматчилар билан бир-бир қучоқлашиб, ялашиб-юлқашгандай бўлди. Сўнг Карим пачоқ қучогини кенг ёйиб бир-икки чарх уриб айланди.

"Гирт маст, шекилли", хаёлидан ўтди Ҳайдарнинг,

ҳануз фермахона томон пусиб, синчков-синчков тикиларкан.

Ниҳоят, "Жигули" құзгалди. Орқасидан қуюқ чангтүзон күтарилди. Кузатувчилар машина ортидан тағин пича термулиб туришгач, кун тигидан қочиб үzlарини ичкарига уришди. Дарвоза оғир ёпилди.

Ҳайдарнинг юраги гурс-гурс ура бошалди. "Жигули" тобора яқинлашиб келмоқда. Йигит шоша-пиша теваракни кузатди. Жим-жит. Яқин атрофда ҳеч бир қора кўринмайди.

"Айни пайт"... уйлади Ҳайдар, ҳаяжондан энтикиб.

Бир пайт анча яқин келиб қолган "Жигули" чайқала-чайқала секинлашди, сўнг ташландик дала шийпони томон элтувчи тор, сертупроқ йўлга шитоб билан бурилди. Бурилдию қуруқ чанг тўзонга бурканиб тұхтади. Ўсиқ ўт-ўланлар, буталар орасида машина деярли кўринмай қолди. Бироздан кейин Карим пачоқ уловидан тушиб, гўё эндиғина кўраёттандай теваракка термулганича туриб қолди. Сўнг ариқ лабига келди. Чўнқайиб юз-қўлларини лойқа сувда чайган бўлди.

Ҳайдар атрофга аланглай-аланглай ўсиқ ўт-ўланлар оралаб ўша томон юринди.

Бир пайт Карим пачоқ қўлларини юзига босган кўйи, беўхшов бир товушда ўкириб йиглаб юборди. Сўнг чўнқайган ўрнидан даст туриб қулоч ёйди. Унинг қўлида узун тигли пичноқ кун нурида ялтираб кетди.

Ҳайдар эҳтиёткорликни ҳам унутиб, тик турган кўйи бақадек қотиб қолди.

* * *

Ҳайдар қандай қилиб қишлоққа, ўз уйига етиб келганини билмай қолди. Юраги қинидан чиққудек тепар, кўйлаги шўр тердан ивиб кеттан эди. Йигит ошхонага кириб челяқдаги сувдан ютоқиб-ютоқиб ичди. Сўнг

теваракка олазарак күз ташлаганича ичкари кириб кетди. Хайрият, оғилхона тарафда куймаланиб юрган онаси унга эътибор бермади.

Ҳайдар құлтиқлаб олган пиджагини хонанинг бир чеккасига улоқтирдио күрпача устига үзини ташлади. Беҳол чўзилди. Үз-үзига устма-уст пичоқ санчиб, ихраганича қулаган Карим пачоқ ҳануз күз ўнгида лоп-лоп жонланиб турарди. Ҳайдар қандай, қачон орқасига ўгирилиб қочганию, қай бир пана-пастқамлардан чопиб уйигача етиб келганини эсләёлмасди. Фақат күз ўнгида ихраб, қалтираб қулаган Карим пачоқ, машина кузовига сачраб кетган қон.

Қалин пардалари туширилиб, нимқоронгу қилиб қўйилган хона салқин эди. Анча чўзилиб ётгач, Ҳайдар аста-секин үзига кела бошлади. Аммо юрагини аллақандай қўрқув, таҳлика қоплаб олган эди. Үзини қандайдир шилимшиқ, исқирт нарсани ушлаб олгандек ҳис этарди.

Ҳайдар судракланиб бурчақдаги эски, ойналарига дарз кетган сервант ёнига борди. У ерда "тўй муборак"дан омон қолган, Ҳайдар дадиллик учун ҳар кеч қиттак-қиттак ичиб яримлатиб қўйган ароқ бор эди. Йигит шишани даст қўтариб тахир, илиқ суюқлиқдан икки-уч ҳўплади. Ароқ томоқларини куйдириб ўтди. Ҳайдар ёстиқни юзига босиб ҳидлади. Шундан сўнг ваҳима чекиниб, йигитнинг фикр-хаёли тиниклаша бошлади.

Қизиқ, Карим пачоқ нега ўз жонига қасд қилди экан? Ишида ишқали бормикан ё? Наҳотки, шунча бойликни ташлаб кетишига кўзи қийган бўлса?

Ҳайдар ароғдан тагин уч-тўрт қултум ичди. Газак ўрнида ачимсиқ тер иси анқиб турган кўйләгини оғиз-бурнига босиб ҳидлади.

"Уни Худонинг ўзи жазолади" – ўйлади Ҳайдар ёстиққа ёнбошлиб чўзиларкан.

• • •
Карим пачоқнинг ўлими ўша куниёқ Чангақда дувдув гап бўлди. Кимдир уни бўғизлаб кетибди, дея ваҳима қўзгаса, кимдир ферма хўжайини ўз жонига қасд қилгани ҳақида шов-шув кўтарарди.

— Охири ит ўлимини топибди, — деди Давлатқул ака кечки овқат устида. У илгаритдан Карим пачоқни ёмон кўрарди. Шу сабаб марҳумлигига қарамай, бойваччага нисбатан нафратини яшириб ўтирмади.

Бибитош янга эрини инсофга чақирди.

— Ўтган одамнинг орқасидан унақа гапирманг-е, гуноҳ бўлади. Худо охиратини обод қилсин.

— Ээ, охират борми унда! Гирт бузуқи, товламачи нусха эди.

— Бечорани қачон чиқаришаркан?

— Э, ким билади, ҳали унинг ўлигини органга олиб кетишган.

— Вой, нега?

— “Нега” эмиш... текширишади-да, ўзи ўлганми ё... бирор қасд қилганми...

Ҳайдар ўзаро гап-сўзларга ўзича бепарво овқат ичиб ўтиради. Суҳбатта аралашмади. Аралашса, гўё ота-онаси унинг сироатини билиб оладигандай туюлди.

Чангак тун чодрасига бурканди. Қоп-қора осмонга юлдузлар чўгдек сачраб кетди. Олис-олисларда енгил, салқин эпкин эсиб қовжироқ беда ҳидини димогларга келтириб урди.

Ҳайдар уйга сигмади. Аммо кўчага чиқишга ҳам негадир юраги бетламас, аллақандай таҳлиқадан аъзойи бадани бўшашарди. Шу сабаб ҳовли этагида, оғилхоналар ёнида бемақсад тентиб юрди. Томорқага ариқдан жилдираб оқаёттан сувни кузаттган бўлди. Аҳён-аҳён уҳ тортиб, узоқ-узоқ хаёл сурин қолади.

Шу пайт кўча деворидан аллаким тап этиб ошиб

тушгандай бўлди. Ҳайдар дарҳол ўзини дараҳт панасига олиб ўша ёқса мўралади. Уй айвоиндаги электр чироқнинг сим-сим нурлари томорқа томонни ола-чалпоқ ёритиб турарди. Ҳайдар гира-шира ёругида девордан ошиб, ариқ лабида саросималаниб турган шарпа, ўн икки-ўн тўрт ёшлар чамасидаги ўспирин эканини пайқади.

— Тўхта, кимсан? — деб овоз берди у, дараҳт панасидан важоҳат билан чиқиб.

Ўспирин уни кўриб тахтадай қотиб қолди. Сўнг чангалида маҳкам сиқимлаган нарсасини шоша-пиша чўнтағига тиқдию девор томонга тисарилди. Ҳайдар бир ҳатлаб унинг ёнида пайдо бўлди.

— Тўхта, барибир қочиб қутулоғмайсан.

У қўрқиб кетган ўспириннинг билагидан маҳкам тутди.

— Қўйворинг... — аранг сас берди бола пичирлаб. — Қуллимни оғритдингиз.

— Кимсан?

— Салимман... Қўлдош чўпоннинг ўғли.

— Нега ярим кечаси бировларнинг деворидан ошиб юрибсан? Ўгримисан?

— Йў-үүқ, — жон ҳолатда бош чайқади Салим. Мен... мен адашиб...

— Бекорларни айтибсан. Чўнтағингта нима тиқдинг?

Ўспирин чўнтақларини бир-бир титишга тушгач Ҳайдарга жовдираб тикилди.

— Жо-он ака, қўйворинг, бошқа келмайман...

— Бу нима? — Ҳайдар боланинг ёлворишиларига ортиқ эътибор бермай, унинг чўнтағидан топиб олган қофоз тахламини ёйиб ёруқда тутган бўлди. — Нима бу хатми?

— Билмадим...

— Ия, ғалча экансан-ку, чўнтағингдаги нарсани қандай билмайсан?

– Рост, билмайман... Эрталаб буни менга Карим акам берган эдилар.

– Карим? – дарров ҳушёр тортди Ҳайдар, – қайси Карим, пачоқми?!

– Ҳа, хұжайинимиз. Уни бугун биروف үлдириб кетибди.

– Нима учун берганди?

Салим пишиллаб жавобдан тайсалланды.

– Үв, -Ҳайдар унинг биқинига туртди, – гапир, нега чайналасан?

– Кечқурун Гулбиби келинга киритиб бер, ҳеч ким күрмасын дегандилар.

Ҳайданинг аъзойи баданига ғалати бир титроқ инди.

– Сен... буни очиб күрдингми? Үқидингми?

– Үлай агар, очганим йўқ, мен... мен биروفларнинг хатини ўқимайман.

Ҳайдар боланинг гарданига енгил шапатилади.

– Йўқол энди! Бу қозоз ҳақида биروفга оғиз очсанг сени үлдираман. Йўқол. Қандай келган бўлсанг, шундай даф бўл.

• • •

“Гулим, Гулбибим! Мени кечир, сени охирги марта безовта қиляпман. Бу-видо хати. Сени икки дунёда ҳам алқаб ўтаман. Сен менинг севгимга севги билан жавоб бердинг. Бу мен учун тенги йўқ баҳт, чексиз қувонч. Гулбиби, мендан ҳамқишлоқларим, таниш-билишларим бир умр нафратланиб ўтди, мени итдан ҳам ёмон кўришди. Билмадим, нега? Кимнинг арпасини хом ўрибман! Мен ҳеч кимга ёмонлик раво кўрган эмасман аслида. Тўгри, бой бўлиб, ялло қилиб яшадим. Лекин биروفнинг ҳисобидан эмас. Ҳечқачон ҳеч кимнинг товоғига қўл чўзганим йўқ. Нимаики топтан бўлсам, ўз меҳнатим билан, ўз пешона терим билан топдим. Югурдим-елдим,

тадбиркорлик қилдим, ниҳоят, түкин дастурхонли, фаровон турмушли бўлдим. Гулим, лекин ҳузур-ҳаловат топмадим. Одамлар мени аввалгидан баттар ёмон кўришди. Тўгри, жуда хунукман, Худо шундай яратган бўлса, мен нима қиласай? Лекин юрагим тоза, покиза. Аммо юракни сугуриб олиб бирорвга кўрсатиб бўлмас экан, Гулим. Мен севги истадиму, Мұҳаббат изладим. Бундай баҳтни фақат сендан топдим, Гулбиби. Сени менга йўлиқтирган Худойимга минг шукур. Аммо Тақдир ўз билганидан қолмади. Мен, ёши бир ерга бориб қолган бир тасқара, ниҳоят, севги топдим. Гулбиби, лекин йўлларимиз айри-айри эди. Буни икковимиз ҳам яхши билардик. Шу сабаб мен чеккага чиқдим. Сенга, сенинг баҳтингта халақит беришни асло истамайман. Лекин сенсиз ҳам яшашни хоҳламайман. Бойлик, мансаб, молу мулк мен учун бир чақа. Барча-барчаси муҳаббатсиз бир чақага арзимайди. Менга сенсиз ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарсанинг қизиги йўқ. Ҳаёт мен учун тутади. Тўғрироги, тутатишни ўзим хоҳлаб қолдим. Мени кечир, Гулбиби. Лекин армоним йўқ, ахир, чин муҳаббат меъvasини татиб кўрдим-ку! Алвидо, Гулим.

Карим"

Ҳайдар сирли хатни, эгасига етиб бормаган мактубни ўқиб тугалларкан, газаб ва аламдан ўзини қўярга жой тополмай, хона бўйлаб у ён-бу ён юрина бошлади. У худди қафасга тушган оч-қашқирга ўхшарди.

Аниқ! Демак, ҳаммаси кундай равшан! Гулбибининг бузуклигига, ўша кунги таниноз ана шу ўзича маъсума келинчак эканига бундан ортиқ исбот керакмас! Ҳайдар ўлдиради бу қанжиқни! Ўша тасқара ўйнашининг ортидан асфаласофинга жўнатади! Йўқ, оила шаъни, aka номуси учун ҳеч нарсадан қайтмайди!

Ҳайдар ҳануз хона бўйлаб асабий юринаркан, туйқус

акасининг кулгусини эшитиб чўчиб тушди. Секин деразага яқин бориб ҳовлига муралади. Умар қудуқ ёнида Гулбиби билан сув сепишиб, ёш болалардек йинашарди. Айвондаги электр чироги ёғдусидан келинчак устидаги қип-қизил, зар-зар ҳошияли халати худди оловдек жилоланаарди.

– Эй, Ҳайдар! – деди Умар, ногоҳ укасига кўзи тушиб,
– қарама, уят бўлади. Ҳозир олдингта кираман.

Ҳайдарнинг гаши келди. Димогида истеҳзоли иржайди. Кўп ўтмай афт-ангoriga сув сачраган Умар эшиқдан ҳовлиқиб кирди.

– Суюнчини чўзавер, ука!

– Нима? – тўнгилади Ҳайдар. – Тинчликми?

– Зўр янгилик!

Умар бугун кун бўйи қайнотаси билан казо-казоларнинг идорасида бўлганини ютоқиб ҳикоя қилишга тушди.

– Насиб бўлса, бу ҳафтадан бошлиб Нурафшондаги ёғ-мой зовўдида ишлайман. Аканг қарагай, бош инженер!

– Зўр... буюрсин...

Умар укасининг тумтайган башарасига қараб таажжубланди.

– Намунча қовогингдан қор ёғаяпти? Мазанг йўқми?

– Э, сал-пал... бош оғрияпти.

– Юз грамм, юз грамм қиласизми?

– Йў-үғ-е... ухламоқчиман.

– Ихтиёринг. Лекин са-ал қовогингни оч, уйқуни ҳам чўчитиб қочириб юборасан. Умар ажабланиб елка қисганича чиқиб кетди.

* * *

Ҳайдар ўзича экинларни сугорган бўлиб чошгоҳга довур томорқада ивирсиб юрди. Зимдан янгасининг ёлгиз қолишини пойлади. Давлатқул aka саҳармардондан далага

чиқиб кетган. Умар ҳалигина тагин туман марказига йўл олди. Ёғ-мой заводига ишга кириш учун айрим ҳужжатларини тўгрилаш керак эмиш. Юз-кўзида мамнуният, ҳаяжон. Ана, онаси ҳам Гаффор ҳисобчининг касалманд хотинидан хабарлашиш учун кичкина бир тутунни қўлтиқлаб дарвоза томон юринди.

— Келинжон, катта қозонда сув иситворинг. Мен дарров қайтаман, биргаллашиб кир ювамиз. — Йўг-э, хола, — тантигланди Гулбиби, — бемалол гурунглашиб ўтираверинг, кирни ўзим ювиб ташлайман, озгина экан-у...

Бибитош янга келинидан хурсанд, уни алқаган бўлди.

— Үлай сизга, болам. Ишқилиб, кўп уриниб қолмангда.

Қайноаси чиқиб кетгач, Гулбиби ошхона ёнидаги ўчоқقا ўт қалаб, қозонда сув иситишга киришди. Унинг эгнида ҳаворанг, парча-парча гулли кўйлак, бошида еловгай ташланган рўмол. Кийимлари ўзига хўб ярашгани учунми, ҳарқалай, келинчакнинг ўзи ўчоқ бошига ярашмай туради.

Ҳайдар янгасига яқин келиб томоқ қирди.

— Ву-үй, ассалўм... — ўзича қимтинибгина салом берган бўлди Гулбиби.

Ҳайдар алик ўрнида беўхшов тиржайиб, ўчоқ яқинидаги тўнкага кет қўйиб ўтирди.

— Энди би-ир ўйнаб берадиган бўлдингиз, келин пошшо.

— Вуй, нега?

— Сизга хат бор, — Ҳайдар тунда қўлига келтирилган варақни Гулбибига намойишкорона узатди. — Ишқилиб, ўқиб хурсанд бўласиз.

Гулбиби қайнисининг истеҳзо, нафрат қалқан юзига қўрқа-писа кўз ташлади. Сўнг ботинмайгина варақни қўлига олди. Ҳайдар келинчакни синчковлик билан кўзларини тигдай қадаб кузатиб туради.

— Овоз чиқариб ўқисангиз ҳам қарши эмасмиз. Сиз ойимтилланинг кимлигингизни бутун дунё билиб қўйсин.

Гулбиби варакқа енгилгина бир кўз ташлаб чиқдию, ўзоқда чирсиллаб ёнаётган оловга ташлади.

— Нима қилдинг, қанжиқ!

Ҳайдар ўрнидан иргиб туриб кетди. Турдию хатни янгасининг қўлига бериб катта хато қилганини англади. Бузуқини фош этувчи далилдан айрилди қолди!

Гулбиби қайнисининг ўшқиришини эшитмагандай, чelaқдаги сувни қозонга ағдариб, бепарво ўз ишида давом этди.

— Шу билан қутуламан, деб ўйляяпсанми, ифлос, — дея Ҳайдар истеҳзоли тиржайди, — ундан зўр исботларим бор, сени фош қиласидиган.

Ҳайдар Гулбибини ҳақорат қилиш учун бисотидаги энг жирканч сўзларни териб-териб айтаркан, янгасининг бепарволигидан, ўзи кутганидек, йиғлаб оёғига бош урмаганидан баттар жаҳли чиқди.

— Мен сен қанжиқни уйимиздан итдек ҳайдайман! Йўқолган зирагингнинг бир донаси менда. Зовур ёқасидан топиб олганман. Карим пачоқнинг қўйнида ётганингни ҳам кўрганман. Хўш, бу ёғига не дейдилар, келин пошшо?

Гулбиби қайнисига енгил бир кўз ташлаб олди

— Ҳақорат қилманг, бешигимни тебратиб қўйганингиз йўқ. Нияtingиз нима ўзи? Нима истайсиз мендан?

— Йўқол! Йўқол, уйимиздан! Акамнинг кўзига чўп суқиб юрма. Эсам сени ўлдираман.

— Менинг жавобимни акангиз берадилар. Мен у кишининг хотиниман.

Ҳайдар янгасининг бепарво туриб, бемалол галиришини кузатаркан, бадани худди чумоли юргандек жимиirlашиб кетди. “Наҳотки, акам ҳаммасидан хабардорми? Наҳотки, асло бўлиши мумкинмас...”

– Йүқ, сендей бузуқига номусимизни топтатиб қўймайман.

– Номус?! – деди Гулбиби Ҳайдарга тик қараб . -Оти чиққан опангизни юмaloқ-ёстиқ қилиб узатганда ҳам номус ҳақида ўйлагансизларми? Бу тўғрисида бошқа гапирса ҳам, сизлар гапирманг.

Ҳайдар бошига калтак теккан тентакдай гангиб қолди. У осмонга тупиргани ўз юзига келиб тушишини сира кутмаган эди.

– Кўрамиз ҳали, – деб йигит, беихтиёр томорқа томон буриларкан, – мен ҳаммангни ўлдираман.

* * *

Тун. Ака-ука ароқ ичиб, совуб қолган картошка қовурдоқ еб ўтиришибди. Ҳайдар икки-уч пиёла ароқни босиб-борсиб ичса-да, негадир маст бўлмади. Умар бутун туман марказида кўрган-кечирганларини, не бир амалдорлар қайноғасининг отини эшитиши билан тиззаси қалтирашини айтиб, бетиним мақтанаради.

– Энди бундан кейин ишларим беш, ука, – деди у пиёладаги ароқни сипқориб юбораркан.

Ҳайдар аччиқ ҳақиқатни акасига қандай айтишни билмай, Умарга ўқтин-ўқтин хомуш тикилиб ўтиради.

– Ака, – деди у, ниҳоят юрак ютиб, галдаги бир пиёла ароқни ичиб юборгач, – хотинингни ҳайда, у бузук.

Умарнинг ичкиликдан қизарган кўзлари укасига ўқдек қадалди.

– Нима?! Нима деб валдираяпсан? Тилингни кесиб оламан-а?!

– Аввал гапимни эшит, – кейин хоҳласанг мени чиқариб, сўй.

Ҳайдар шундай дедиую чўнтагидан ҳув, зовур ёқасида топилган зирак донасини чиқариб хонтахта устига қўйди.

– Бу нима? – деб сўради анчагина ширақайф Умар.
– Бу янгам йўқотган ўша зиракнинг донаси. Буни қаердан, қандай топганимни биласанми?

– Хўш-ш...

Ҳайдар кўрган-билғанларини шоша-пиша, алам ва газабдан ҳансирағ, ҳаяжонланиб айтиб берди. Гап охирида тунги хат можаросини ҳам қистириб ўтди.

Умар ияк-даҳанини қашлаганига, ичкилиқдан қизарган кўзларини қол-қора деразага тикиб, хомуш эшилди.

– Гулбиби Карим пачоқнинг ўйнаши бўлган, – дея изтиробли ҳикоясини тутатди Ҳайдар.

Умар пишиллаганча пиёлаларга ароқ қўйди.

– Бу мингир-мингирларингта ишонмайман, ука. Қани, пиёлани кўтар, ич. Босиб-босиб ич!

– Ака...

– Ич деяпман сенга.

Улар бир-бир кўтариб пиёлаларни бўшатишиди.

– Ака, оиласизнинг, сенинг ор-номусинг пок бўлиши керак, – деб эҳтиёткорона мингирлади Ҳайдар. – Ҳайда, анови исқиртни.

– Ука, янгангни ҳақорат қилма, у аввало бироннинг боласи, кейин менинг хотиним. Хўш-ш... Сенинг гапларинг умуман асоссиз. Гулбиби... янганг чимилдиқقا кирганда фариштадай тоза эди. Ўзим гувоҳман-ку?! Яна қанақа исбот керак сенга.

– Ака, – истеҳзоли илжайди Ҳайдар, – Ҳозирги тиббиёт керак бўлса ўликни қайта тирилтиради. Унақа... унақа майдა-чуйда йиртиқларни тикиб қўйиш...

– Ҳайдар, ўчир овозингни!

– Бўлти... ўзингиз биласиз.

Умар шашт билан пиёласидаги ароқни сипқориб юборди-да, гандиралаганича ўнидан турди.

– Ҳайдар, – деди у кўрдек пайпасланиб. Эшик

тутқицидан тутаркан, орқасига ўтирилиб. – Агар... агар мени десанг... мени ўйласанг, иккинчи бунаقا иплос гапларни құзғама!

– Бұлти... Құзғамайман. Эртагаёқ бу ердан йұқоламан.

– Оқ йүл, сенга, ука, – Умарнинг күзларида жиққа жиққа ёш айларди. – Лекин унутма, сенинг гапларингга ишонмадим, ишонмайман.

– Тұгри... сен айттанларимга ишонолмайсан. Бунга... бунга ҳаққинг йүк.

Умар хұрсиниб, ёшланган күзларини ерга қадади.

* * *

У олис-олисларга бош олиб кетади. Энди ҳеч қачон Чангакка қайтиб келмайды. Бундай шармандалиқдан ё үлиб, ё дарбадар йұқолиб қутилиши мумкин. Энди у бу бешаңын оиласа бегона, энди у бундай беномус акага ёт!

Ҳайдар нарсаларини йигиштиаркан, беихтиёр үпкаси тұлиб, күзларига ёш қалқиб чиқди. У үзининг бу қадар тез ва осон маглуб бўлишини кутмаган эди.

Шу пайт дарвоза томондан гала-ғовур эшитилди. Кимдир уни чақирғандай бўлди. Онаси экан.

– Ҳайдаржон, дарвозага чиқ, сени сўрашяпти.

Ҳайдар истамайгина ташқарига чиқди. Чиндан ҳам дарвоза ёнида баланд бўйли, бақувват, жинси шим, енги калта, ҳаворанг кўйлак кийган икки нотаниш йигит турарди.

– Норов Ҳайдар сизми? – деб сўради улардан бири, Ҳайдар билан тезгина саломлашгач.

– Ҳа.

Нотаниш кимса чўнтағидан қип-қизил гувоҳномасини чиқарип пеш қилди.

– Жиноят қиди्रув бўлимиданмиз. Биз билан ҳозироқ идорага борасиз.

– Тинчликми? – ҳангу-манг сўрали Ҳайдар.

– Борганда биласиз.

Шу орада ичкари уйдан чиққаң Умар, кўйлаги тутмаларини қадай-қадай етиб келди.

– Нима гап? Нима... – деб ҳовлиқканча гудранди у, нотаниш кимсалар билан қўшқуллаб кўришиб чиқаркан.

Йигитлардан бири тагин қип-қизил гувоҳномасини чиқариб, истамайгина ўзини таништирган бўлди.

– Сабабини билсак бўладими? – деб сўради Умар товушига бир қадар виқор бериб. – Мен Ҳотам аканинг куёвлари бўламан, Хуррам чавандоз бизга қайноға.

Изқуварлар андак саросималаниб бир-бирига тикилишди.

– Укангиз са-ал шубҳа остида, – деди улардан бири Умарга юзланиб. – Ҳамқишлоғингиз Бердиев Каримнинг ўлими юзасидан... Текшириб, гаплашиб кўрамизу... ҳаммаси жойида бўлса қайтариб юборамиз.

– Карим пачоқнинг ўлимидами? – беихтиёр қичқириб юборди Умар. Қичқирдию ранги ўзгариб укасига юзланди. Ҳайдар четга қаради.

– Тезроқ бўлинг, Ҳайдар, – деб қистаган бўлди изқуварлардан бири, – вақт зиқ.

Умар укасининг елкасига қўл ташлади.

– Бўпти, бориб кела қол. Мен... мен ҳозир Хуррам акага бориб хабар бераман. Кўнглинг тўқ бўлсин.

* * *

Дунёда ҳамма нарса ҳимояга, эътиборга муҳтоҷ. Ҳатто, номус ҳам. Номус ўз вақтида қўриқланмай, хорликка ташлаб қўйиларкан, у бир куни қаттиқ қасос олади. Қасоски, унинг ўлчови бир инсон умрига teng. Вақтида қадрланмаган, ўз вақтида ҳимоя этилмаган номус учун у ҳам энди ўз ҳаёти билан товоң тўлаши

керак. Токи, теварак-атрофдагилар билсин, күрсін, орномус учун ұар нарсага тайёр инсонлар бор бу дунёда...

Хайдар шундай жүшқин хаёллар оғушида жаҳлдор терговчи ҳузурида ўтирар эди.

– Норов, қазиллашмай гапириңг, – деди терговчи Хайдарга тик қараб. – Охирги марта сүраяпман, үт билан үйнашмай, ростини айтинг, Бердиев Каримнинг жонига сиз қасд қылдингизми?

- Ҳа, мен...
- Нима учун?
- Номус учун!
- Нима, тушунмадим?
- Балки, сиз ҳам тушунмассиз, номус учун деяпман...

ИЛОН ИШҚИ

Будданинг ҳузурига бир телба келиб:

— Мұғиза күрсатганингиздан кейингина сизга ишонишим мүмкін, — деди.

Будда ғамгин жилмайды да, унга гаройиб мұғиза күрсатди. Талаба үзини тутолмай ҳайқириб юборди:

— О, Будда! Энди мен сенинг раңнамолигингда илм олишга розиман.

Бироқ Будда унга эшикни күрсатиб, деди:

— Энди менга сенинг керагинг йўқ!

БУДДА ШАКЬЯ МУНИ

Саёҳат қилишни ёқтираман. Чунки саёҳат чогида ёлғиз қолишга имкон бор. Ёлғизлик эса кишига күп нарсаларни ўргатади. Билмадим, менга шундай туюлади. Ростдан ҳам ёлғиз қолган пайтларим мазза қиласман. Ҳикмат аҳли ҳам бекорга “ўзинг билан ўзинг қолишни ўрган”, деб панд этмайдилар.

Одамлар бор, бир оромижон суҳбатдош ахтариб юрадилар. Топиб олгач, соатлаб валақлашиб ўтиради. Бу эса вақтни беҳудага ўлдиришdir. Муборак манбаларда айтилишича, охиратда инсон тўрт хислатидан сўралмагунича бир қадам ҳам олдинга силжий олмас экан. Бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани, иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машгул бўлгани, учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда топгани ва нималарга сарфлагани, тўртинчиси – ўргангандан илмига қандай амал қилгани ҳақидаидир.

Хуллас, табиатан одамовиман. Лекин бу галги хизмат

сафарим бироз бошқачароқ кечди.

Ўша куни энди-уйга кетай деб турсам, телефон жиринглаб қолди.

— Алло, ўртоқ Йўлдошев, хонамга киринг!

Юрагим ниманидир сезгандай бўлди. Чунки Бош муҳарриримизнинг одати шундай: бирор жиддийроқ топшириқ чиқсалар "ўртоқ Йўлдошев"га айланиб қоламиз. Бошқа пайтларда эса Акромжонмиз. Лекин нима десалар ҳам "катта"нинг одамгарчилигига гап йўқ. Одамни тушунади. Энг асосийси, чўнтағингизда пулингиз бор-йўқлигини бир қарашда билади. Тунов куни қизиқ бўлди: тушликка чиқолмай деразадан термулиб ўтирсам, хонага Жўраев кириб келди.

— Ҳа, Акромжон, ижод қиляптиларми дейман?

— Бир нарса ёзмоқчи эдим, нимадан бошлишни билмайроқ турибман, — дедим сир бой бермай.

— Ёзишни нимадан бошлиш кераклигини айтайми? — деди Жўраев кулиб.

— Айтинг?

— Тушлиқдан!

Иккаламиз ҳам кулиб юбордик.

Ана шунаقا, бизнинг бошлиқ ходимларининг кўзига қараб кўнглидагини ўқийдиганлар хилидан. Лекин нега энди бутун кеч бўлганда "ўртоқ Йўлдошев" бўлиб қолдик экан. Ҳозир биламиз.

— Ўртоқ Йўлдошев, Вахшиворга бориб келишингиз керак, — деди Жўраев хонасига киришим билан. — Султон Сафаров номидаги хўжалик ҳақида эшитган мисиз?

— Эшитганман, — дедим жиддий оҳангда. Ичимда эса хурсандлигимдан ёрилай-ёрилай деб турардим. Чунки Бош муҳаррир тилга олаётган хўжалик Вахшиворнинг тогли ҳудудида жойлашган бўлиб, анча вақтдан бери шу томонларга боришни орзу қилиб юрадим.

Вахшивор тогларининг икки хил жозибаси бор: аввало, бу тоглар бағрида улуг валий Сұфи Аллоҳёр раҳматуллоҳи алайҳиннг хоки барқарор бўлган. Қолаверса, Вахшивор тоглари билан боғлиқ бир қанча ривоятлар борки, уларни эшиштан ҳар қандай кишида ана шу муazzзам тогларни бир кўриш орзуси уйгонади.

Хуллас, Бош муҳаррирнинг ўша кунги топширигига биноан Вахшивордаги Султон Сафаров номли хўжаликнинг бу йилги пахта етиштириш борасидаги ютуқларини қоғозга туширишим керак эди. Сезиб турганингиздек, бу топширикка жон-жон деб рози бўлдим.

... Кетаяпман. Йўлнинг ҳар икки томонига қатор қилиб тут дарахти экиб ташланган. Пахтаси териб олинган далаларда эса ҳамон иш қизгин. Одамлар энди қиш тараддуудида. Хотин-халаж, бола-чақа ҳамма бараварига гўзапоя тўплашга киришган. Чунки ҳадемай бу ерлар яна шудгор қилиниб келгуси йил ташвиши бошланади. Демак, шудгорлаш бошлангунича улгuriш керак.

Кенг дала узра чумолидай сочилиб кетган одамлар ҳақида ўйлайман. Ўзбекнинг деҳқонига дам олиш мавсуми йўқ. Кечагина бу далаларда пахта терилаётган эди. Бугун гўзапоя йигилмоқда. Эрта-индин ер яна шудгорланиб, жўяклар тортилади. Сўнгра чигит қадаш, қатқалоқдан асраш, ягана қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳашоратларга қарши кураш... хуллас, тиним йўқ.

Автобус ойнасидан бу серташвиш ҳаёт манзарасини кузатиб борарканман, беихтиёр раҳматли Ақмал aka ёдимга тушади. Кўримсизгина лойсупада узун ёстиқни қучоқлаб ўтирган Ойхон момо кўз олдимга келади. Бу ноҳуш хотирани эслаш қанчалик оғир бўлмасин, ундан қочиб қутулоғмайман.

Дунёниг кўп билгичларидан бири айтган экан, агар инсонда ўзининг хотирасини учириб ташлаш имкони бўлганида эди, у ҳаётидаги яхши кунларининг қадрига етолмасди. Рост гап. Инсон ўз хотираларини таҳрир қилолмайди. Агар шундай имкони бўлганида айни пайтда кўз олдимдан ўтаётган ўша машъум воқеани бутуnlай учириб ташлардим.

Ўшанда ҳам айни куз эди. Қишлоқ одамлари учун бу мавсум жуда серташвиш келади. Мол-ҳол учун қишки ем-ҳашак, ўчоқ-тандирга ўтин гамлаш, бир томонда қорин ғами... Хуллас, бош қашлашга вақт йўқ.

Биз акам иккаламиз ҳам мактабдан келдик дегунча далага йўл оламиз. Чунки ўтган қишида ўтин етмасдан жуда қийналиб қолдик. Онамнинг айтишча, келгуси қиш жуда қаттиқ бўлармиш.

— Мезонни қара, қишининг қаттиқ келишидан дарак бераяпти, — дейди онам.

— Мезонга нима қипти?

— Мезон қалин бўлса, қиш қаттиқ келади. Бу йилги мезоннинг ўртаси йўтон, демак, қишининг ўртаси қисади.

— Она, мезон қаердан пайдо бўлади? — қизиқиб сўрайман.

— Оллонинг иши болам, Оллонинг иши, — дейди онам.

Ака-ука йўл-йўлакай тепамизда учиб юрган оппоқ мезонларга тикилиб қараймиз. Онам айтганидек "Оллонинг иши" бизга қишининг қаттиқ келишидан хабар берәётгандек туюлади. Лекин биз бу йил қишдан қўрқмаймиз. Чунки ака-ука анча-мунча гўзапоя гарамлаб қўйдик.

— Адҳам!

Ака-ука "ялт" этиб овоз чиққан тарафга қарадик. Қаршимизда Акмал ака кулиб туради.

Акмал ака бизнинг қўшнимиз. Колхознинг тракторини ҳайдайди. Трактор ҳайдайверганидан қўллари ҳам темирга ўхшаб кетган. Ёнига яқинлашсанг керосин ҳиди келади. Ёши ўттиздан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали уйланмаган. Ёлғиз онаси билан туради. Ойхон момо эса бу гап уқмас боланинг дастидан Худонинг берган куни онамга кўз ёши қилиб ўтиради.

— Етимнинг шўри қурсин, етимнинг кўрган куни қурсин, келин, — деб дийдиё қилади Ойхон момо. — Отаси бўлмаганига яраша ёнида эш бўладиган бирорта жигари бўлса-чи! Отаси ўлганида эндиғина уч ёшга тўлган эди. Шундан бери шугинанинг оғзига қарайман. Емай-едирдим, ичмай-ичирдим. Энди нима эмиш, уйланмасмиш... Саодатсиз ҳаётнинг қизиқчилиги йўқ эмиш. Саодатни отаси бермаган бўлса мен нима қиласай? Бу қизгина ўлгур, отасининг феълини билар экан, нега бу бола бечорага қош-кўзини сузади, а, келин? Шу эскиларнинг билгани-билган экан. Ота-она нима деса, шу бўларди. Энди...

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Қуша-қуша неваралар кўрасиз, — дейди онам Ойхон момони юпатиб.

— Айтганингиз келсин келин, айтганингиз келсин! Қани энди шугинанинг боласига ҳам алла айти-иб ўтирсам.

Акмал ака биз билан қўл бериб кўришар экан, нимадандир хурсандчилигидан кўзлари ёниб туради.

— Қалайсилар? Э, қойилман! Далада гўзапоя қолмади-я икковингнинг дастингдан. Менга қара, Адҳам, уйингта борганингдан кейин манови пояларингни эшагингдан туширгинда, фирр этиб бизникига чиққин. Момонгта айт, бугун Акмал акам уйга келолмас экан, далада иши кўпайиб қолибди, де. Тушундингми? Айтасанми?

— Айтаман, — деди акам.

— Сен-чи, миттича, — деди Акмал ака менга юzlаниб,

— ҳадеб оғир ишларни қилаверма, бўйинг ўсмай қолади. Холмат паканага ўхшаб қоласан. Тушундингми?

Биз Акмал акани айни лаҳзаларда охирги марта кўриб турганимизни ҳали билмасдик. Ўша куни уйига бормаган Акмал ака, эртасига, индинига ҳам бормади. Унинг дабдурустдан йўқолиб қолганидан хавотирланган Ойхон момо энди колхознинг идорасига бормоқчи бўлиб турганида, ранги-рўйи гезарганича раиснинг ўзи келиб қолди.

— Момо яхшимисиз? Бу... Акмал қани? Одам дегани ҳам шу пайтда уйда ётадими? Бунинг устига тракторни ора-йўлда қолдириб келган. Ана энди тракторнинг аккумулятори йўқ! Кимdir ўтирглаб кетибди!

Ойхон момо астагина деворга суяниб ўтириб қолди. Онам югуриб бориб момонинг елкасидан тутди.

— Ўзингизни қўлга олинг, момо. Ҳозир укангизни чақирамиз далага бориб топиб келади, — онам менга ўтирилиб, — югар, отангни чақириб кел, — деди.

— Тушунмадим, нима гап ўзи? — деди раис ҳангу-мангу бўлиб.

Хуллас, Акмал акани икки кун излашди. Учинчи куни кенг дала бўйлаб оқиб ўтадиган каналдан унинг жасадини топиб чиқдилар. Ўша кунни сира унуголмайман. Шўрлик Ойхон момо ақлдан озганга ўхшаб қолди. У нуқул жанозага келганлардан ўғлини суриштирас, топиб бермасанг момонг бўлмайман, деб бўзларди.

— Райимқул, сен ҳам Акмалимни кўрмадингми? Акмалжонимни кўрмадингми?

Ойхон момонинг фарёди тошларни эритди. Лекин энди фойдаси йўқ эди. Одамлар ҳам бу мудҳиш фожеа қаршисида караҳт бўлиб қолишганди. Бу иш қандай содир бўлди? Акмал ўз жонига қасд қилиши мумкинми? Нима учун? Кимdir уни Саодатга етишолмагани учун ўзини-ўзи каналга ташлаган деса, бошқа бирор фалокатда кимнингдир қўли бор, деб гумон қиласади. Нима бўлганда

ҳам бирор у деди, бирор бу деди, ўртада бир муштипар онанинг ёлғиз боласи изсиз гойиб бўлди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Бир куни кечқурун отам онамга нималарнидир шивирлабгина айтаётганини эшитиб қолдим.

— Ойниса, шубҳаларим тўғри чиқди, — деди отам оғир тин олиб.

— Нима бўлди?

— Саодат эридан ажрашиб келибди.

— Йўғ-е!

— Бугун Қосим калдан анигини эшитдим. Қосимнинг айтишича, Саодат ўтган куни кечаси уйдагилари билан қаттиқ жанжаллашибди. Гап орасида “ҳамманг қотилсан” деб бақирибди.

— Отаси, ҳеч кимга билдирамай Саодат билан гаплашиш керак, — деди онам ҳовлиқиб. — У жуда ақлли келин, бирор гапни билса тўгрисини айтади.

— Билмадим. Агар шубҳаларимиз рост бўлса, Саодат ота уйида узоқ ўтиrolмайди, — деди отам.

Отамнинг гаплари бу сафар ҳам тўғри чиқди. Саодат опа эридан ажрашганидан кейин кўп ўтмай қўшни туманда яшовчи қариндошларидан бирининг ўғлига турмушга чиқиб кетди.

Мен ҳамон Акмал аканинг фожеаси ҳақида кўп ўйлайман. Ўйлаганим сари унинг ўшанда хурсандчиликдан чақнаб турган кўзлари намоён бўлади. Ким билсин, ўшанда бу чақноқ кўзларни охирги марта кўриб турганимни...

* * *

Хаёл билан туман марказига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман. Энди бу ёғига йўловчи машинага ўтириш керак зди.

Ўша куни кечгача бир амаллаб Султон Сафаров

хўжалигига етиб олдим. Табийки, колхоз идорасида қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кийинишидан унча қоровулга ҳам ўхшамайдиган бир киши саломлашгач, истамайгина "келинг", деб қўйди.

- Раис керак эди, – дедим.
- Раис йўқ, энди эртага бўлади, – деди қоровул узун ҳомузга тортиб.

Қоровулнинг бу муомаласидан бироз жаҳлим чиқди. Тавба, ҳамиша шундай: бирор раҳбар билан гаплашишдан кўра, унинг югурдаклари билан тил топишиш қийин бўлади.

- Менга раисни ҳозир топасан, – дедим овозимни бироз кўтариб. – Мухбирман, шикоят билан келдим.

Қоровулнинг чеҳраси ёришгандай бўлди. Худди ҳозиргина уйқудан уйгонгандек кўзларини катта-катта очиб яқинлашиб келди.

- Ака, узр! "Танимасни сийламас" дейдилар-ку. Мен сизни танимабман, – деди у табассум қилиб. – Ҳозир раисга қўнғироқ қиласман.

Қоровул югуриб идорага кириб кетди. Бироздан сўнг деразадан бошини чиқариб:

- Ака, қаердан келди дейин, – деб сўради.
- Газетадан.

Дарҳақиқат, орадан бирон соат ўтар-ўтмас оппоқ "Волга" машинаси келиб тўхтади. Машинадан ёши қирқлардан ўтиб қолган, бугдой ранг, баланд бўйли киши тушиб келди.

- Газетадан сиз келдингизми?
- Ҳа, – дедим.
- Хуш келибсиз, қани, марҳамат!

Биргалалишиб раиснинг хонасига кирдик. Бурчакда турган чарм креслога бориб ўтирад эканман, хонанинг дид билан безатилгани диққатимни тортди. Одатда колхоз идоралари андак "камтар" бўларди.

– Носир Аҳмедовман, шу колхозда ўн йилдан бери раисман, – раис бува расмий оҳангда гап бошлади. – Ўн йилдан бери ҳар йили давлат планини тўла-тўкис бажариб келаётмиз. Мана, бу йил ҳам пахта планини туманда энг биринчи бўлиб уddaладик.

– Раис бува, биз ҳам ана шу муваффақиятларингизнинг сирини билгани келдик-да,
– дедим кулиб.

– Раҳмат! Лекин... кимдир... шикоят қаердан?

– Қанақа шикоят?

– Қоровулга шикоят бор, дебсиз-ку!

– Ҳа, дарвоқе, шикоят сизнинг устингиздан эмас, қоровулнинг устидан, – дедим.

Раис бува гап нимадалигини билгач, бироз ўзига келди. Хонанинг бурчагида турган музлаттичдан минерал сув олди-да, иккита стаканга қўйди. Биз бироз гаплашиб ўтиридик. Бу орада яхшигина танишиб ҳам олдик. Сўнгра колхознинг икки йиллик ҳисоботини олдимга ташлади. Тўғрисини айтсан, мен бу қоғозларнинг қайси бири муҳимлигини билмасдим. Шунинг учун раис бувага ҳисоботларнинг ҳар биридан биттадан нусха беришни илтимос қилдим. Раис бажонидил рози бўлди.

– Акромжон, бугун кеч бўлди, – деди у. – Эртага ҳаммасига улгуромиз.

Биз идорадан чиққанимизда, қуёш аллақачон ботган, атрофни тун зулмати қоплаган эди. Тогнинг оқшомлари ҳам файзли бўлади. Самодаги саноқсиз юлдузлар бошингизга тўкилаёттандек туюлади. Чигирткаларнинг чириллаши, бойқушнинг ҳувв-ҳувви, онда-сонда ҳураётган итларнинг овози... бўларнинг бари уйгунашиб тунга айрича бир сирлилик багишлади. Айниқса, тунда тоглар яна-да салобатлироқ бўлиб кўринади. Қуюқ дараҳтлар билан қопланган Вахшивор тогларига тикилар эканман, кўнглимда ажиб бир ҳислар

үйгонади. Нима учундир азалдан тогларни яхши кўраман. Назаримда тоглар сирлар маконидек туюлаверади. Айниқса, Вахшивор тоглари ҳақида отамдан кўп эшитганман.

Отамнинг айтишича, Вахшивор тоглари бир пайтлар илонлар макони бўлиб, бирон бир тирик жон бу тогларга қадам босолмас экан. Бир куни Сўфи Аллоҳёр раҳматуллоҳи алайҳнинг пири у кишига бир мактуб бераб, уни Вахшивор тогидаги фалон жойга олиб борасан деб, бир манзилни тайин этибди.

Пири комил айтибдики:

– Сен бу мактубни мен айтган ўша това тошга олиб борасан. Ўша тошнинг устида кичкинагина бир оқ илон ётибди. Бу илон тогдаги илонларнинг шоҳидир. Мактубни шоҳнинг олдига қўйиб орқангга қайтиб келаверасан. Йўлда ҳеч нарсадан қўрқма. Агар бирорта илон ҳамла қилмоқчи бўлса, унга мактубни кўрсат!

Сўфи Аллоҳёр раҳматуллоҳи алайҳ пири айтган манзилга борар экан, йўлда баҳайбат илонларга дуч келибди. Бироқ уларнинг ҳеч бири Аллоҳёрнинг қўлидаги мактубни кўриб, унга зиён етказолмабди. Ниҳоят, Суфи Аллоҳёр пири айттан това тошни топибди. Айтганидек, тошнинг устида кичкинагина бир оқ илон ёттан эмиш. Сўфи Аллоҳёр секингина мактубни илончанинг олдига қўйибди-да, ортига қайтибди.

Айтишларича, мактубда илонларнинг бу тогдан кетиши лозимлиги битилган экан. Шундан кейин тогдаги ҳамма илонлар йигилиб, ўша оппоқ шоҳ илон бошчилигида Вахшивор тогларини тарқ этибди. Улар энди Бобо тогни манзил қилибдилар. Вахшивор тоги эса Сўфи Аллоҳёрнинг ўзига манзил бўлибди.

Отам айтиб берган бу ривоятда ҳақиқатнинг синиқлари бордек. Чунки ростдан ҳам Сўфи Аллоҳёр раҳматуллоҳи алайҳ мана шу тогларда яшаган ва шу

ерда вафот этган. Ҳозирда ҳам у зотнинг масжидлари, чиллахоналари мавжуд.

- Акромжон, нима бўлди, ўйланиб қолдингиз?
- Раис буванинг овозини эшитиб ҳаёлим бўлинди.
- Носир ака, битта илтимос бор, – дедим жиҳдий туриб. – Эртага энг биринчи ишни зиёратдан бошласак, нима дейсиз?
- Қанақа зиёратдан?
- Сўфи Аллоҳёр раҳматуллоҳи алайҳнинг қабрини зиёрат қилмоқчи эдим.
- Бемалол.

Коҳзодидан идорасидан икки-уч чақирим нарида мўъжазгина бир бοғ бор экан. Раис буванинг машинасида боқقا бордик. Кутилганидек чорпояга дастурхон тузатиб қўйшибди. Мени кутиб олган ўша "мехмондўст" қоровул хизматда. Раис бувадан яхшигина гап эшитиб олган шекилли, узоқдан гинали-гинали қараб қўяди.

Зиёфат жуда қуюқ бўлди. Носир ака озгина ичидан олганидан кейин ҳеч кимга гап бермас, уни тинглаб ўтирган киши ҳам зерикмас ҳам экан.

- Афғонистонда икки йил ҳарбий хизматда бўлдим,
- дейди раис бува. – Бу хизмат менга ҳаётимдаги энг қайгули ва энг қувончли воқеаларни тухфа қилди. Қайгулиси шуки, мен бегуноҳ одамларни ўлдирдим. Қувончлиси эса ана шу қирғинбаротдан тирик чиқдим.

- Бунга сиз айбдор эмассиз, – дедим унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб. – Сиз ва сиз кабилар мажбурлангансизлар.

- Шундай. Лекин... барибир одамнинг виждони қийналади. Биз ўшандаёқ бу урушнинг bemantiқлигини анлаган эдик.

- Аммо ҳеч кимга айтолмагансизлар, шундайми?
- Ротамизда Жасур деган бир бола бор эди. Ўқимаган

китоби йўқ эди. Ўша бола ҳаммамизнинг “кўзимизни очган”. Бир куни командиримизнинг ҳам “кўзини очмоқчи” бўлди. Командир унинг гапларига маҳлиё бўлиб ўтириди ўтириди-да, сўнгра ортидан эргаштириб кетди. Биз Жасурни қайтиб кўрмадик.

– Қамадими?

– Йўқ, бошқа қисмга ўтказиб юборди, – деди Носир ака.

– Кейинчалик уни кўрмадингизми? – дедим қизиқиб.

– Афсуски, кўрмадим. Уйга қайтаётганимизда унинг ҳалок бўлганини тасодифан эшишиб қолдим.

Беихтиёр бир қалқиб тушдим. Кўз олдимга қорачадан келган, бир сўзли, исми жисмига монан жасур бир йигит келди. Унга нима бўлди экан?

– Балки ўлдиришгандир, – дедим Носир акага тикилиб.

– Худо қози бўлсин! Ўлдиришса ўлдиришгандир, буни сиз билан мендан сўраб ўтиришармиди... Нима бўлганда ҳам бунақа болалар жуда кўп эди. Қанчасини темир тобутга ўзимиз жойладик.

Жиззахлик Одилжон исмли бир йигит бор эди. Мактабнинг дарвозасидан чиқиб, тўгри Афғонистонга борган. Ёши ўн саккизга тўлган-у буйи ўн икки-ўн уч ёшларни айтарди. Одилжон ажойиб шоир эди. Йигитлар севган қизининг исмига шеър ёздириб олишарди. Шу йигит саккиз ой хизмат қилгач, ҳалок бўлди. Уйига тўртта аскар билан тобутини олиб борганимиз. Одилжон ота-онасининг тўртта қиздан кейин туғилган ягона ўғли экан. Дунё ўша кундагидай қайгуни кўрмаган бўлса керак.

Раис буванинг изтиробга тўла гапларини тинглар эканман, Одилжоннинг ота-онаси ҳақида ўйлайман. Ахир бир болани ўстириб вояга етказишнинг ўзи бўладими? Шунча машаққатлардан сўнг, энди кўзга кўринганда у билан мангу видолашиб ўтиrsa! Шўрлик ота-она ҳозир ҳаётмикин? Яралари битиб кетдимикин?

Вақт алламаңал бұлиб қолған эди. Кузнинг салқин ҳавоси танимизни жунжиктираётган бұлса-да, судбатнинг маромини бузгимиз келмасди. Раис бува ҳам әгатма-әгат юравериб бир хил ҳаёт тарзидан зериккан шекилли, үтмиш хотираларини завқ билан ҳикоя қиласы.

— Акромжон, күп гапириб зериктириб қўймадимми, — деди Носир ака қулиб. — Лекин сизга үхшаган ёзувчиларга атаб қўйган қизиқ бир воқеам бор. Балки келажақда шу ҳақда бирон нарса ёзишингиз ҳам мумкин. Мен буни бир-икки кишига айтдим, аммо ишонтиrolмадим.

Раис бува иссиқ чойдан бир ҳўплади-да, бизга үхшаганларга атаб қўйган ўша қизиқ воқеасини ҳикоя қила кетди. Носир аканинг гаплари ҳақиқатдан ҳам ҳайратланарли эди.

* * *

Ротамизда Артур исмли арман бола бор эди. Биз у билан кунора постда навбатчилик қиласы. Мен тонгдан тушликкача, Артур эса тушликдан кечки овқат маҳалигача қоровулликда туради. Артур ниҳоятда хушбичим ва хушчақчақ йигит эди. Энг муҳими, у мусулмонликни қабул қиласы.

— Ҳамма нарсанинг энг охиргиси яхши, — дерди Артур. — Мусулмонларнинг дини ҳам илоҳий динлар ичида энг охиргисидир. Биз оила аъзоларимиз билан мана шу охиргисини танладик. Дадам фалакиётшунос олим. Бизга ҳаммасини тушунтириб берганлар.

Артур билан бир марта гаплашган одам ростдан ҳам зиёли оиласы тарбия топганини англаб олиши қийин эмасди. У ниҳоятда ҳаёли йигит эди. Кечқурунлари солдатларнинг шармсиз ишқий саргузашлар ҳақидаги ҳикоялари бошланса, Артур чидаб үтиrolмасди.

Ниманидир баҳона қилиб баракдан чиқиб кетарди. Ана шундай одатий кунларнинг бирида гаройиб бир воқеа содир бўлди.

Ўша куни постни Артурга топшириб дам олишга кетдим. Биласиз, ёзниг оқшомлари қисқагина бўлади. Бунинг устига кунлар ниҳоятда иссиқ. Ҳаммаёқ қумлиги боис ҳарорат ёндираман дейди. Бироз чарчадим шекилли, баракка бориб, тушлик ҳам қилмасдан пинакка кетиб қолибман. Бир пайт қаттиқ шовқиндан уйгониб кетдим. Автоматни олдим-да югуриб ташқарига чиқдим. Ёнимдан шошиб ўтиб кетаётган қозоқ йигити постта қараб ишора қилди.

— Борсанг-чи, нимадир бўлди.

Постга югурдим. Йўлда тўртта солдат Артурни кўтариб келаётган экан. Нафасим ичимга тушиб кетди.

— Ўлдими? — дедим базўр.

— Йўқ, ҳушидан кетган, — деди йигитлар.

Шу пайт кимдир чақиргандек бўлди. Қарасам, сал нарида уч-тўртта солдатлар билан ротамиз командири Салтиков шу томонга келаётган экан.

— Мен билан юр, — деди Салтиков. — Постни қачон топширдинг?

— Ҳар доимгидек ўз вақтида, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Унинг мазаси йўқлигини билганмидинг?

— Кимнинг?

— Гап ким ҳақида кетаётганини билмаяпсанми? — Салтиков жаҳл билан ортига ўтирилди.

— Узр... Артур... соппа-сог эди, — дедим тутилиб.

— Соппа-сог бўлган бўлса, соппа-сог эди, деб ёзиб бер, тушундингми?

— Тушундим.

Аслида эса тушунмаган эдим. Чунки нима воқеа содир бўлгани ҳали менга қоронғу эди. Шунинг учун Салтиковнинг ёнидаги солдатлардан бирини имлаб чақирдим.

– Артурни беҳуш ҳолда топишибди. Ҳозирча бор гап шу, – деди у ҳам елка қисиб. – Артур ҳушига келса, бошқа гапларни ўзидан эшитамиз.

Ростдан ҳам гап нимадалигини аниқлаш учун Артур ҳушига келиши керак эди. Ҳаммамиз кута бошладик. Ниҳоят, маълум муолажалардан кейин у ўзига келди.

– Илон... илон ҳамла қилмоқчи бўлди, – деди Артур кўзларини катта-катта очиб. – Ӯша ердаги қум барханларининг устидан ошиб келди.

– Кейин у қаерга кетди, – деди Салтиков истеҳзо оҳангидা.

– Қаерга кеттанини билмайман.

– Нега бошқалар постда турганида илон ҳам, ажина ҳам келмайди-ю, айнан сен бор пайтда ташриф этадилар,

– Салтиковнинг гап оҳангида ошкора пичинг бор эди. – Тушлик қилганмидинг?

– Ҳимм.

– Кеча яхши ухладингми?

– Ҳимм.

– Унда сенга яна бир кун дам. Яхшилаб ухлаб, каллани жойига қўйиб ол, тушундингми? Кейин камроқ алжирайсан, – деди командир. Сўнгра менга қараб:

– Сен эртага тўлиқ постда қоласан, келишдикми? – деди.

– Хўп бўлади, ўртоқ командир, – дедим честь бериб.

Доно ҳалқ айтганидай: “Эчкининг касофати туюни ола кетди”. Эртасига кун бўйи қоровулчилик қиласидаган бўлдим. Тўгрисини айтсам, постда туришга бироз чўчиб қолган эдим. Чунки Артурнинг илон ҳақидаги гапларини Салтиков шунчаки алаҳсираш деган бўлса-да, бу гап кўпчиликни сергаклантириб қўйган эди. Ахир бу саҳрода ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Кечқурун Артурни йўқлаб бордим. Ҳол-аҳвол сўрагач, аста илон ҳақида гап бошладим.

– Менимча, сенга иссиқ ёмон таъсир қилган бўлса керак, – дедим ҳазил аралаш. – Ҳаддан ташқари иссиқда ҳам одамнинг кўзига ҳар нарсалар кўринаверади.

– Сен ҳам гапимга ишонмаган экансан-да, – Артурнинг кўзлари чақнаб кетди. – Демак, мен ёлғон гапирайпман ёки сал “анақароқ” бўлиб қолганман. Шундайми?

– Йўқ, сен тушунмадинг, – дедим жиддий туриб. – Мен сенинг гапларингга тўлиқ ишондим. Ишонганим учун ҳам келиб ўтирибман. Ростини айтсам, қўрқаяпман.

– Киноларда ҳам бунақа чиройли илонни кўрмаганман, – Артурнинг ранглари оқарди.

– Жуда каттами?

– Узунлиги икки метрча келади. У ўша куни иккаламиз курашган қум тепанинг устидан ошиб келди.

– Ташланмоқчи бўлдими?

– Йўқ, – Артур ўйланиб қолди. – Агар... энди буёгини айтсам, гапларимга ишонмаслигинг аниқ.

– Ишонаман, айт! – дедим ҳайратланиб.

– Илон менга рақсга тушиб берди!

– Рақсга!

– Ҳа, у мендан беш-олти метрлар нарида бошларини кўтариб, шу қадар чиройли рақсга тушдики... мен... кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Артурнинг гапларини эшлиб бироз кўнглим таскин топди. Чунки унинг алаҳисираётганига энди шубҳам қолмаган эди. Ахир... илон ҳам рақсга тушадими? Эртасига ҳеч бир хавотирсиз қадрдан постни згалладим.

Орадан икки кун ўтиб, Артур яна ишга қайтди. Илон воқеаси ҳаммамизнинг ёдимииздан кўтарилгандек эди. Бироқ ўша куни айни номозшомда яна югур-югур бошланиб қолди. Бу сафар Артур огоҳлантириш тутмасини босиб бутун ротани оёқга турғазган эди. Одатда огоҳлантириш тутмаси душман хавфи сезилганда босиларди. Ҳаммаёқ тит-пит бўлиб кетди. Аммо атрофда

ҳеч қандай хавфни сезмадик.

Бир зумда жанговар ҳолатга келган ротамиз Салтиковнинг буйругини кутиб турарди. Бир пайт Артурни олиб келишди. Унинг ранги оқариб кетган, қалт-қалт титрар эди.

– Нима бўлди?

– Илон!

– Яна ўша гапми? – Салтиков ротага юзланди. – Ҳамма яна бир марта илон излашга, марш!

Солдатлар то қоронгу тушгунча ҳамма ёқни синчилаб кўздан кечиришди. Бироқ ҳеч нарса топишолмади. Шундан кейин Артур масаласи бироз бошқачароқ тарзада кўриб чиқилди. Уни бошқа қисмга ўтказишга қарор қилинди. Қизиги шундаки, Артурнинг битта ўзи эмас, унга камина ҳам ҳамроҳлик қиласидиган бўлдим. Биз қисмимиздан юз чақирилмлар нарида Пули-хўмри деган жойдаги бир қисмга ўтказилдик. Бу ҳижрат мен учун унчалик ҳам мароқли эмасди. Чунки бизнинг қисмимиз қурол-аслаҳа омборини қўриқларди, холос. Бу юмуш бироз хавфсизроқ эди. Янги қисмда эса жойлардаги казармаларга ёқилғи етказиб беришимиз керак экан. Бу эса жуда хатарли юмуш эди. Чунки Худо қарғаган бу ерларда ҳар қадамда мина портлаши мумкин. Бунақа фожеадан қанчасини кўрдик. Лекин начора, бошга тушганни кўз кўрар экан.

Бу орада икки ҳафтача вақт ўтди. Бир куни навбатдаги сафардан келсан, ҳамманинг оғзида бир гап: Артурга илон ҳамла қилмоқчи бўлибди!

– Ҳозир ўзи қаерда? – дедим хавотирланиб.

– Касалхонага олиб кетишди, – деди йигитлар.

Ҳарбий дала госпиталига югурдим. Артур деразаси ҳовлига қараган кенг хонада ёлгиз ўзи ётган экан. Мени кўриши билан туриб ўтирди. Унинг кўзлари бироз қизарган, юзи докадек оқариб кетган эди. Қизиқ, айни

ҳолати Артурни яна-да күркам қилиб юборган эди.

— Яна нималарни бошлаб юрибсан, Артуш, — дедим елкасига қўлимни қўйиб. — Наҳотки ўша илон сени излаб келган бўлса!

— Ўзим ҳам ҳайронман.

— Ростдан ҳам ўша илонми?

— Ўша. Мен уни таниб қолдим, — деди Артур бир нуқтага тикилиб.

— Қаердан билдинг, балки бошқасидир, — унинг гапларига яна ишонқирамай бошлаган эдим.

— Мен уни рақсидан танийман.

— Рақсидан?

— Оғайнин, сен уни кўрмагансан, ишонишинг қийин. Лекин сенга ростини айтаяпман: илон мени таъқиб қиласяпти. Бу ўша илон! — Артур кўзларимга илтижоли тикилиб турарди. Унинг бу қарашида ҳеч бўлмаса сен менинг гапларимга ишон деган ўтинч бор эди. Шу тобда унга раҳмим келиб кетди.

— Артур, ойлик таътилга чиқишинг керак.

— Жавоб бермайди, — деди у ишонч билан. — Ўтган куни Кобулга кетган колонна йўлда ҳужумга учрабди.

— Йўт-е, ҳалокат жиiddийми? — тирногимтacha музлаб кетган эдим. Чунки Кобулга йўл олган колоннада етмишга яқин солдат бўлиб, уларнинг аксарияти хизматта эндиғина келган йигитлар эди. Ҳарбийча айттанимизда “дух”лар эди.

— Ҳалок бўлганилар қирқقا яқин эмиш.

Юрагим эзилиб кетди. Эсиз йигитлар! Мен уларни йўлга тушиб арафасида кўрган эдим. Майдонда бирбири билан тепишиб ҳазиллашаётган қисматдошларим кўз олдимдан ўта бошлади. Қаранг-а, ҳазрати инсон қанчалар ожиз яратилган. У ўзини қанчалик қудратли санамасин, икки дақиқадан кейин аҳволи нима бўлишини билмайди.

— Алик! — Артур менинг исмимни шу тариқа

ўзгартирган эди. – Сендан илтимосим, рота командирига ўзинг тушунтириб, менга бир ойлик таътил олиб бер, кетаман. Нима учундир юрагим увишиб кетаяпти. Бунақада бир нарса бўлиб қолишим мумкин.

– Менга қара, биргалашиб илонни пойласак-чи? Үлдирсак, ҳаммамиз қутулардик, – дедим.

– Билмадим, – Артур ўйланиб қолди. – Лекин бир нарсани юрагим сезяпти.

– Нимани?

– Назаримда илон менга зиён етказмоқчи эмас.

– Буни қаердан биласан? Илон ўз номи билан илон!

Унинг касби заҳарламоқ, үлдирмоқ!

– У мени емоқчи бўлса, аллақачон еб қўярди. У менга рақс тушиб бераяпти, холос.

Тушунмадим. Дунё синоатларга тўла. Бироқ шудақиқаларда синоатлардан кўра, кўз олдимда содир бўлиб турган фожеа мени кўпроқ даҳшатта солаёттанди. Не-не орзу-умидлар билан эндинигина ўрта мактабни тамомлаган навқирон йигитлар bemavrid ва беҳуда жувонмарг бўлган эди.

Кечки овқат ҳам томогимдан ўтмади. Бошқалар эса ҳеч нарса кўрмагандек, ҳар кунги машгулоти билан банд эди. Кейинчалик билсам, улар бундай фожеаларга аллақачон кўникиб кетишган экан. Артур ҳақида эрталаб гаплашишни кўнглимга туғиб, каравотимга чиқиб чўзилдим. Бироқ қани энди уйқу келса. Саҳарга яқинлашиб уйқута кетибман. Бир пайт кимдир елкамдан ушлаб силкитаётган экан.

– Тур, сени чақиришяти, – деди ошпаз йигит.

– Ким?

– Борганда биласан.

Хонасида рота командиримиз кутиб ўтирган экан.

– Кеча Артур билан гаплашганмидинг? – Унинг овози жуда ҳоргин эди.

- Гаплашувдим, тинчликми?
- Артур ўлибди!
- Қачон?! – Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. –
Бўлиши мумкин эмас. У соппа-сог эди!

– Ўзингни бос, соппа-соглигини биз ҳам биламиз, –
деди командир сигарета тутатиб, – уни илон чақибди!

Кечаки Артурнинг ёнида қолмаганимга минг пушаймон
бўлдим. Лаънати илон! Нега у фақат Артурга ёпишиб
олди? Кечаки айттан эдим-а, пойлаш керак эди. Эҳ, Артур,
Артур! Мен сени яхши кўрар эдим, оғайни. Ич-ичимдан
йиги бостириб келаётган эди. Лекин мановинаقا
арбобларнинг олдида йиглаш мумкин эмасди.

– Артурнинг уйига телеграмма жўнатдик. Эрта-индин
ота-онаси етиб келса керак, – деди командир. – Сени
нариги хонада Артурнинг ҳамшираси кутиб ўтирибди.
У сенга бўлган воқеани айтиб беради. Сен қогозга
туширасан ва гувоҳ сифатида имзо чекиб берасан.
Келишдикими?

Қўшни хонада ранги рўйи бир аҳволда кечаги
ҳамшира ўтиради. У мени кўриши билан йиглаб
юборди.

- У... Артур ўлди.
- Биламан, лекин уни қандай қилиб илон чақди?

Ҳамшира қиз қалт-қалт титрай бошлади. Унга бир
стакан совуқ сув олиб келдим.

– Кечқурун ётишдан олдин врач ёзиб берган
дориларни ичирдим. У менга ўқиш учун бирорта
қизиқроқ нарса беришимни илтимос қилди. – Ҳамшира
қиз бир нуқтага тикилганича гўё экранга қараб қизиқ
бир ҳикояни ўқиб бераёттандек эди. – Мен унга журнал
келтириб бердим. Унинг кайфияти ҳам, соглиғи ҳам
жойида эди. Кейин... ундан саҳар пайти хабар олиш учун
кирдим. Кирсам... – Ҳамшира яна йиглаб юборди. Унинг
қўллари титраганча стаканни сиқиб ушлаб туради.

– Кирганингизда унинг жони бормиди?

– У худди жони бор одамдек шифтга термулиб ётган экан. Унга туриб ювениб келишни маслаҳат бериб чиқиб кетдим. Бироқ у ҳа деганда чиқавермади. Хонага яна кирдим. У ҳамон кўзларини катта-катта очганича шифтга қараб ётарди. Секингина унинг ёнига бордим. – Ҳамширанинг кўзлари чарақлаб кетди. – У... у нафас олмаётганга ўхшади. Қулоқ солсам, ростдан ҳам нафас олмаяпти. Қўрққанимдан устидаги чойшабни олиб отиб юборибман. Қарасам... илон! Артурнинг бўйи билан тенг келадиган бир илон унинг кўкрагига бош қўйиб ётган экан.

– Илонни ўлдиришдими?

– Ўлдиrolмадик. Мен бақир-чақир қилиб бошқаларга хабар бергунимча илон очиқ турган деразадан чиқиб кетибди. Роса қидириши, топишолмади.

– Артурнинг қаеридан чаққан экан?

Ҳамшира ўйланиб қолди.

– Иккита жойидан.

– Мен гувоҳ сифатида унинг қаеридан чаққанини кўришим керак, – дедим ҳамширага. – Сизнинг айтганларингизни ҳали қоғозга туширишим керак экан.

– Бир гап айтсан ҳеч кимга айтмайсизми? – шўрлик қиз кўзида жиққа ёш билан тикилиб турарди.

– Нима гап? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Айтмайсиз-а?

– Майли, айтмайман.

– Артурни илон чақмаган, – деди қиз шивирлабгина, – унинг қўрққанидан юраги ёрилган. Буни врач ҳам тасдиқлади. Қолаверса, жасаднинг бирор жойи ҳам шикаст емаган. Фақат... уни илон чақди, деб ҳужжатлаштиришимизни талаб қилишияпти.

Беихтиёр Артурнинг ўша кунги гапи ёдимга тушди: “Назаримда илон менга зиён етказмоқчи эмас...

У мени емоқчи бұлса, аллақачон еб құярди. У менга рақс түшиб бераяпти, холос". Бу қандай синоат бұлды? Үйлаб үйимга етолмасдим. Лекин энди нима бұлғанда ҳам Артур йүқ зди. Унинг үлимида үзимни ҳам айбдор ҳис қиласадим. Нега кече унинг олдидә қолмадим? Ахир шундогам туни билан ухламай чиқдим-ку! Бироқ энди фойдаси йүқ зди.

Орадан икки күн үтди ҳамки, Артурнинг қариндошларидан дарак бұлмади. Ҳаддан ташқари иссиқ кунда майитни узоқ сақлаб туришнинг эса иложи йүқ зди. Биз Артурни күмишга қарор қылдик. Шундай қилиб, учинчі куни Артур бу гурбат ернинг устини мангу тарқ зди.

Артур вафот эттанидан бир ҳафта үтиб унинг онаси ва иккита акаси етиб келишди. Биз уларга Артурнинг қабрини күрсатдик.

— Боламни бу кимсасиз ерларга ташлаб кетмайман, — деди онаизор.

— Уни олиб кетишнинг энди иложи йүқ! — Артурнинг онасини бағримга босиб йиглаб юбордим. — Энди уни тинч құяйлик, у тинчгина ётсин.

Аммо она гапида туриб олди. Жасадни олиб кетишга қарор қилишди. Чорасиз қолгач, қабрни очишига мажбур бұлдик. Биз учта солдат билан ҳаш-паш дегунча қабрнинг тупрогини суриб, майитнинг устини очдик. Бир пайт ёнимда ишлаёттан бола бехосдан бақириб юборди. Унинг қичқириғидан ҳаммамиз чүчиб түшдик.

— Қара! — у қабрга ишора қилаётганди.

Ҳаммамиз бирваракайига қабрга қарадик. Шунда... не күз билан күрайлики, Артурнинг күкрагига бош қүйганча улкан бир илон ұлиб ётарди.

Носир aka ҳикоясини тамомлаёттан айни паллада шарқ

томондан тонг оқариб келаёттган эди. Күзлардан бутунлай уйқу қочган, гүё вужудим ҳам қулоқقا айланиб қолғандек эди.

— Кейин нима бўлди? — дедим бетоқат бўлиб, — Артурнинг жасадини олиб кетишдими?

— Йўқ. Бу мудҳиш манзарани кўриб она шўрлик ақлдан озаёзди. Қабрнинг бошида узоқ турди, сўнгра тақдирга тан берди шекилли, қайтадан кўмишимиизни илтимос қилди.

... Касбим тақозоси билан кўп ерларни кездим, кўп одамларнинг сұхбатида бўлдим. Аммо бугунги эшиттганларим мени караҳт қилиб қўйган эди. Хаёлимда фақат бир савол айланарди: бу қандай синоат? Лекин унга жавобим йўқ эди. Балки бу жавоб умуман бўлмас ҳам. Ахир Умар Хайём ҳазратлари айтди-ку:

Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,

Худонинг отидан очдилар сўзни.

Ҳеч бири билолмай азал сирларин,

Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.

АРМОНЛИ ДУНЁ

Ёр кетди, кўзим булоги қолди,
Сийнамда тирик фироқи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг,
Ёшлиқда кўпайган оқи қолди.

ОЙБЕК

Тонг гира-ширасида уйқуси қочиб уйгонган жувон ёнида дунё бехабар, донг қотиб ухлаётган эрига бир зум тикилиб қолди. Эри хушбичим, одамлар билан муомалани ҳам жойига қўяди. Топиш-тутиши ҳам ёмонмас, қисқаси, эр деса дегудек! Бироқ турмуш қурғанларига беш йилдан ошибдики, Гулсумнинг эрига юраги "жиз" этмайди. Боз устига тақдир уларни фарзанд неъматидан қисди. Урталарида биргина "тирноқ" бўлганда ҳаммаси бошқача бўлармиди? Уйқудаги эрнинг осойишта юзига қараб ўтиришдан зериккан аёл чуқур хўрсинди.

...Энди турмуш қурған пайтларида Гулсум ҳеч нарсани ўйламасди. У фақат оилавий ҳаётига, дугоналари ҳавас қиласидиган хушбичим эрига тезроқ кўникишни, юрагидаги эзгин хотиралардан тезроқ фориг бўлишни истарди, холос. Кундуз кунлари рўзгор юмушлари-ю қайнона-қайнотага қилинажак хизматлар билан овунадиган келинчак қоронгу тушиши билан анча безовталаниб қоларди. Нима учундир у Мурод билан ёлғиз қолишдан чўчириди. Кўнгил кўнгилдан сув ичиши лозим бўлган бу сирли оқшомлар негадир Гулсумга "сир"ларини очмасди. У куёвининг ҳазил-хузул гапларига, кинояларига баъзан бепарволик билан, баъзида эса қовоқ уйиб жавоб берарди. Аввалига Мурод хотинидаги

ҳолатни янги келинларга хос уятчанликка йўйди. "Тўйгача мени тузукроқ танимаганидан кейин шунаقا бўлади-да" деб ўйлади. Бироқ тўйлари бўлганига иккича ойдан ошди ҳамки, хотинининг унга муносабати ўзгармай қолаверди. Гулсум унинг ширин сўзларига ҳануз бепарво қарап, эркалатишларини совуқ қарши оларди. Яхшиям Мурод сабр-тоқатли йигит эди. Ҳадеганда келинга зарда қилавермасди. Шунингдек, ўрталаридағи муносабатнинг хийла совуқлигидан бирорни огоҳ этиш ҳам унга анчайин эриш туюларди.

Ана шундай кунларнинг бирида янги куёв қайнота уйига таклиф қилинди. Ўша куни янги куёв билан танишиш ва бу қутлуг танишувни "ювиш" маросими узоқ давом этди. Аслида Мурод табиатан одамовироқ эди. Бироқ начора, бутун чидашга тўгри келади. Мехмонга келган узоқ-яқин қариндошнинг ҳаммаси янги куёв билан обдон ҳол-аҳвол сўрашади. Сўнгра қаерда ишлашини, қанча маош олишини... Хуллас, бир хил саволлар, бир хил жавоблар... Мурод ич-ичидан гижиниб ўтиради.

Бир пайт овқат тортилиб "уриштириш" бошланди. Қизиқ, ичадиган одамга ҳар доим баҳона топилади. Мана, даврадагиларнинг аксарияти янги куёв билан қадаҳ уриштириш ниятида! Мурод эса деярли ичмасди. Шундай бўлса-да, дастлаб меҳмонларнинг ҳурматига озозгина ичиб ўтиреди. Бироқ мулозаматларнинг охири кўринмасди.

У бир амаллаб даврадан чиқди. Чорпояда ўтирган қайин укасини имлаб чақираркан, бирор ҳолироқ жой топиб беришини илтимос қилди. Қайин ука эса майхонадан зериккан поччани ҳовлининг бурчагидаги пастаккина учага бошлади.

– Бирозгина нафас ростлаб олай, кейин ўзим чиқаман,
– деди у қайин укага миннадорона тикилиб. Сўнгра кўрпачага чўзилиб, кўзларини юмди.

Янги куёв... бир пасда куёв ҳам бўлдими-я? Умр бунчалар тезоб бўлмаса. Йигирма уч ёшида ўз оёғига ўзи кишан солиб олиши шартмиди? Ахир у ҳам бирорта олий ўқув юртига кириши мумкин эди-ку! Ана, ўн йил бир партада ўтирган дўсти Алишер куни кеча зангори экранда бутун мамлакатни ўн беш минут қойил қилди. Унинг Алишердан нимаси кам?

Мурод миясига урилган саволлардан кўнгли ғаш бўлди. Ҳар доим шундай: Алишерни кўрса ёки у ҳақда уйласа дили хуфтон бўлади. Ичида нимадир ўртаб кетади. Бу нима? Ҳасадми ёки худбинликми? Дафъатан Муроднинг ўзи ҳам бу саволга жавоб беролмайди. Лекин бир нарса аниқ: у Гулчеҳрани яхши кўради. Қизнинг кўнгли эса Алишерда эди. Гарчи Алишер бу пинҳона муҳаббат изтиробларидан бехабар бўлса-да, Мурод уни кўрганида маҳзун бўлиб қоларди. Алам қилгани шуки, Алишер Гулчеҳрага уйланмади. Муродга мангу армон бўлиб қолган гул чеҳрали қиз эса бошқа бирорга турмушга чиқди-да кетди. Энди ошиқ йигитни бир изтироб қийнайди: Алишерни севган қиз уни севмади. Нима учун? Тўгри, у мактабда яхши ўқимади. Лекин тўрт мучаси соғ, ақл-ҳуши жойида. Яна нима керак? Яхшиям унинг кўнглидаги мана шу армонларни ҳеч ким билмайди.

Бироқ уйлангандан бери унинг дил яралари яна янгиланди. Негадир Гулсум ҳам унга рўйхушлик бермаяпти. Дастваб, хотинининг ийманишларини табиий қабул қилди. Аммо сўнгги кунларда унинг хаёлига тез-тез бир гап келадиган бўлиб қолди: Гулсум ҳам севмайди!

Мурод ўрнидан туриб ўтирди. Бу ўйлардан унинг кўнгли баттар ғашланган эди. У аста ўрнидан туриб жавондаги китоблардан бирини қўлига олди. Муқоваси анчайин уриниб қолганидан китобнинг номини ўқиш қийин эди. У титиги чиқиб кетган китобнинг тўғри келган

жойидан очди-да, истамайгина ўқишига тутинди: "Бўйи етган қизнинг орзуси осмондаги юлдузга ўхшайди. Узоқдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан. Юлдуз эса олисда сирли-сирли милтираб тураверади. Талпинасан, ҳеч кимга билдиrmай хаёл сурасан. Юлдузинг ёнингга тушишини орзиқиб кутасан. Ким билсин "юлдузи юлдузига тўғри кепти" деган гап, балки шундан чиққандир. Менинг юлдузим Кимсан акам эди. У олдимга келди. Кафтимга қўнди. Рашид абзининг мўричасидан Фотима-Зуҳра келин билан қайтаётганимизда, Кимсан акам Очил акани урмоқчи бўлганида, Шомурод тогамнинг (энди менинг эрим бўлиб қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда... юлдузим ёнимда эди. Қулимдан юлиб олишди. Тўсатдан, ҳеч кимдан сўрамасдан..."

Негадир саҳифадаги ушбу жумлаларнинг тагига қалам билан чизилган эди. Муроднинг қалбини нимадир жизиллатиб ўтди. Бу жумлаларнинг тагига бекорга чизилмаган. Ким экан у юлдузини йўқотган шўрлик? Гулсум бўлса-я? У китобни жойига қўйди-да, "Ўтган кунлар"ни олди. Китобнинг орқа муқовасидаги ёзувни ўқий бошлади. "Қани эди Кумушшибидек ўз ёримга севикли бўлсам?". Ҳойнаҳой, бу сўзларни ҳам Гулсум ёзган бўлса керак. Мурод бу китобни ҳам жойига қўйиб жавонни кўздан кечира бошлади. Кутимаганда китобларнинг орқа томонига ташлаб қўйилган муқоваси безакли дафтарни топиб олди. Ички бир қизиқиш билан қалингина дафтар муқовасини очди: "Гулсумнинг хотира дафтари".

Дафтарда хотинига таниш бўлган йигит-қизларнинг дил сўзлари, тилаклари битилган эди. Бири Гулсумни ҳаддан ортиқ мақтаган, яна бири фақат мақтов билан қаноатланмай ўзига ажратилган вараққа чиройли гул

чизибди. Мурод саҳифалардан биридаги ишқий шеърларга кўзи тушиб қолди. Ҳусни хатнинг чиройлилиги эгасининг анчайин саводли эканидан дарак бериб турарди.

“ Сизга дунёдаги энг олий туйгуларни тилайман. Мудом муҳаббат ҳамроҳингиз бўлсин! Қани энди, мана шу муҳаббатга мен ҳам ҳаётингиз давомида ҳамроҳлик қиласам. Биласизми... ”

Фироқни лаҳзага кўмгим келади,
Бедард ёр наҳотки ўнгим келади.
Хазонли боққа кел, сени соғиндим,
Сени кўрмай десам, ўлгим келади.

Азизим, сизга айтажак тилакларим шу жойда поёнига етар экан, сизга айтмоқчи бўлган гапларим яна ўқиммаган китоб янглиг ўзимда қолаверади. Сизга омоналик тилаб... Даврон”.

Муроднинг тиззалари қалтираб кетди. Беихтиёр қўлидаги дафтарни гижимлай бошлади. Демак, ҳаммаси тушунарли. Гулсумнинг уни севмаслиги аниқ. Тўгри, бу изҳорларга Гулсумнинг муносабати қандай бўлгани номаълум. Лекин... нега унда бу оташин сўзлар авайлаб-асраб келинди? Агар у йигитнинг гаплари Гулсумга ёқмаганида йиртиб ташлаш ҳам мумкин эди-ку! Эҳ, бу энди қандай савдо бўлди? Севмайдиган аёл билан яшаш мумкинми? Ахир сен уни қучоқлаб ётсангу, сенинг оғушингда у бошқани ўйлаб ётса! Фурурли эркак учун бундан ортиқ жазо борми? Эркакнинг сингани, ўлгани шу эмасми?

Муроднинг қалбини рашқ алангаси чулгади. Лекин бу дардни кимга айтади? Хотиним мактабда бир йигитни севган экан, шунинг учун у мени севолмайди дейдими? Йўқ. Мурод буни ҳеч кимга айтмайди. Ҳатто Гулсумга ҳам. Ахир инсоннинг қалбини сотиб олиб бўлмайди-ку!

Шу пайт хонага Гулсум кириб келди. У Муроднинг қўлидаги “Хотира дафтари”ни кўриб, анграйганича зрига

қаради. Мурод эса дафтарни жавонга қўйди-да, индамай хонадан чиқиб кетди. У шу кетища тўгри меҳмонларнинг ҳузурига борди ва кетма-кет қадаҳ уриштира бошлади. Янги куёвнинг фойибдан олган бу журъати эса бошқаларга ҳам қўл келди.

Ўша куни у аламидан тўйиб-тўйиб ичди. Бироқ унга бу ичкилик оний кайфият бера олди, холос. У ўзига келганида миясига биринчи урилган фикр: "Гулсум мени севмайди" деган аччиқ иқрор эди. Нима қилиши керак? Тақдирга тан бериб юраверсинми?

Хуллас, бошқалар ҳеч нарсани сезмаган бўлсалар-да, ўша кун уларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Гулсумни қийнаган нарса Муроднинг сокинлиги эди. Эри уни уриб-сўkkанида қайтага бунчалик қийналмасди. Мурод "ичимдагини топ" дейдиган бўлиб қолган эди. У тез-тез ичадиган одат чиқарди. Хотинини ҳеч қаерга жўнатмай қўйди. Гулсум қизлик уйига бормоқчи бўлса, қайнонаси ҳамроҳлигида йўлга тушарди.

Шу тарзда орадан бир ярим йиллик фурсат ўтиб кетди. Гулсумнинг ҳомиладор бўлмаётгани Салтанат холани ташвишга сола бошлади. Улардан бир ой кейин келин туширган Холжон буви бешик тўйга айтиб чиқсан кундан бошлаб қайнонасининг "пайтавасига қурт тушиб қолди". Икки-уч кун ўтгач, нонушта пайтида келинига сўз қотди:

— Қайн опангизнинг зўр бир гениколог таниши бор эмиш. Сизни ўша дўхтирга олиб бориб кўрсатмоқчиман.

Гулсум қайнонаси етовида йўлга тушди. Она-бола одиндан келишиб қўйган шекилли, қайн опаси уларни бекатда кутиб турган экан. Гулсумни текширган гениколог Салтанат холага:

— Келинингиз соппа-соғ, хола. Албатта фарзандли бўлади, — деди.

Салтанат хола уйга оғзи қулогида бўлиб қайтди. У

бұлажак набирасига алла айтишни, бешик тебратиб ўтиришни, дунё ташвишларини унугиб набира әркалатишини хаёлан тасаввур этарди.

Лекин орадан ойлар үтди ҳамки, Салтанат холанинг орзуси орзулигича қолаверди. Хола бир куни ботиниб-ботинмай Муродга: "Сен ҳам бир дўхтирга кўринсанг, болам", деб қолди. Ўгил онасига "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бермаган бўлса-да, ҳартугул ўша куни касалхонага йўл олди.

Қатор текширувлардан ўтгач, таҳлил натижаларини олиб врач қабулига кирди. Эллик ёшларга бориб қолган дўхтирик қоғозларни бирма-бир кўздан кечиргач:

– Фарзанд кўришингизга тўсқинлик қиласидиган бирор нуқсонни кўрмадим. Бу томонлама соғломсиз. Ҳеч қандай хавотирга ўрин ийўқ, – деди у.

Ўзининг соғломлигини эшилтгач, Муроднинг хотинига нисбатан ички адовати ошиб кетди. "Гулсум мени севмагани учун ҳам фарзанд кўрмаяпмиз", деб ўйларди у. "Хотиним ҳалиям ўша Даврондан кўнгил узолгани ийўқ".

Ана шундай кунларнинг бирида Гулсумнинг онаси қизидан хабар олгани келиб қолди. Бир-икки соат ўтирган бўлди-ю, кетишга тарафудудланди.

– Бугун қишлоқда тўй бор, қудажон, – деди у .

Онасининг дастурхонига ул-бул солаётган Гулсум қизиқсинди:

– Кимнинг тўйи, оий?

– Нормат полвоннинг Тошкентда ўқиётган ўғли борку. Исли Давронмиди? Ўша бола шаҳардан уйланяпти. Айттанча, Даврон сен билан ўқиган эди шекилли?

Чорлоянинг бир чеккасида эски радиони тузатиш билан овора бўлиб ўтирган Мурод "ялт" этиб хотинига қаради. Кўзлар тўқнашди. Гулсум беихтиёр нигоҳларини олиб қочди. Шоша-пиша тугунни кўтариб онасини кузатгани дарвоза томон юрди.

Хотини қайтиб ҳовлига кирганида Мурод шубҳали ўйлар гирдобида қолганди: "Уни унуттан бўлса, нега уйланаеттанини эшитиб каловланиб қолди? Нега ҳалиям менга муносабати ўзгармаган? Гуноҳкор бўлмаса, нима учун кўзларимга тик қаролмайди?!"

Ўша куни Мурод ўртоқлари билан зиёфатта кетди. Кечқурун эса уйга гандираклаб қайтди. Уйга киргач, ўзини ўринга ташлади. Кейин ҳовлида куймаланиб юрган Гулсумни чақирди.

– Бу ёқقا кел, сенда гапим бор.

Рўмолини тузата-тузата уйга кирган Гулсум кўрпачага ўтириб, эрининг сўз бошлашини кутди. Муродни рафиқасининг итоаткорлиги азобга соларди.

– Менга қара, қачонгача мени қийнаб яшамоқчисан,
– деди у хотинига баланд овозда. – Ўртоқларимнинг хотинлари эрларини бошда кўтаришади. Сен бўлсанг менга қўнгилсизсан. Ўртоқларимда икки-учтадан бола бор. Биз бўлсак болага зормиз. Ҳаммасига сен айбдорсан. Сен мени севмайсан, мендан фарзанд кўришни истамайсан.

Гулсум эрининг газабнок юзига ҳайрат билан қаради:

– Нималар деяпсиз?

– Ўзингни қўйдай ювош, фариштадай пок қилиб кўрсатасан. Аслида эса ҳалиям ўша синфдошингдан қўнгил узмагансан.

– Нималар деяпсиз, Мурод aka? Ўз хотинингизга тұхмат қилишга уялмайсизми?

– Ҳали сенга тұхмат қилаётган эканман-да. Демак, мен кўрган ўша хотира дафтарингдаги сўзлар ҳам ёлғон! Шундайми?

Гулсум индаёлмай қолди. Хотинининг жимиб қолгани маст эрнинг баттар газабини қўзгади. Гулсумнинг юзига қулочкашлаб туширди.

– Менга сендей хотининг кераги йўқ. Латта-путталарингни йигиштиргинда, уйингта йўқол.

Ўглиниң үйидаги шовқинни эшитган Салтанат хола югуриб чиққанида келини дарвозадан чиқиб бўлганди. Ёқавайрон, оёқяланг Мурод эса супа устида туради.

– Ҳаётимни барбод қиляпсан...

Аслида Салтанат хола ўглига насиҳат қилиб, келинини қайтармоқчи эди. Бироқ насиҳати бугун кор қилмаслигини тушуниб туради. "Бир-икки кун ўтиб, ўглимнинг ҳоври босилгач, Гулсумни қайтариб олиб келаман ", деб ўйлади у.

Лекин Салтанат холаниң овора бўлиб боришига ҳожат қолмади. Эрталаб кайфи тарқаб уйгонган Мурод шоша-пиша йўлга тушди:

- Ҳим, эрталабдан қаёққа йўл олдинг?
- Гулсумни олиб келаман.
- Ақлинг жойига тушибди-да...

... Гулсум эрининг эртасигаёқ етиб боришини кутмаган эди. "Эрим кеча маст бўлгани учун урганини билмай қолди", деб ўйлади у.

Шунинг учун куёвига тиш қайраб турган онасини гапиртирамади.

– Эридан калтак еган бир менми, ойи? Кеча куёвингиз мастилигида бир бўлди-да. Уйимга кетақолай.

Хуллас, ўшандан бошлаб Муроднинг калтаклашию Гулсумнинг уйига аразлаб кетиши тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Мурод хотинини уриб ҳайдар, лекин орадан бир-икки кун ўтгач, уни олиб келиш учун отланарди. Назарида Гулсумни қайтариб келмаса, хотини ўша Даврон билан топишиб оладигандек эди.

Бора-бора Мурод билан Гулсумнинг жанжалидан Салтанат хола ва Қадам бува ҳам безиллаб қолишиди. Доимий жанжаллардан кейин Қадам бува:

– Бундан кўра ажрашиб кетганлари яхши эди, – дерди бош чайқаб. – Келин бечора ҳам қийналиб кетди.

Кўп ўтмасдан янги уй қуриб, уларнинг рўзгорини

бұлак қилишди: үzlари билан үzlари бўлишсин.

Ўшандан бери икки йилча вақт ўтди. Гулсум билан Муроднинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармади. Ҳамон ораларидаги муносабат совуққина, ўрталаридаги ришталар мұваққатгина – эрта-индин узилиб кетадигандай туюлади...

...Гулсум эрининг юзига тикилганча у билан ўттан умри ҳақида ўйлар экан, бу маҳзун хотиралардан юраги сиқилиб оғига шиппагини илди-да, ошхонага йўл олди. Ҳар куни шу аҳвол: эрталаб туриб зрга нонушта тайёрлаш, кийинтириш ва кузатиб қўйиш... Сўнгра ҳовлининг у ёқ-бу ёгини шунчаки супириб-сидириш керак. Қайнона-қайнотасининг ҳовлисида юмуш кўп – куни бўйи иш топиларди. Бу ерда мол-ҳол ҳам йўқ. Уйини бир тозалаб чиқса бир ҳафтагача тўзгимайди. Гулсумга бу аҳволи шоирнинг машҳур мисрасини эслатади: “Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади”. Унинг ҳам қунлари ана шу тахлид бир хил: зерикарли, эзгин ва маҳзун кечарди.

Мурод эса ҳалигача фарзанд кўрмаганликларида уни айблайди. Очиқ айтмаса ҳам, юрагида хотинига нисбатан катта адовати бор. Аслида эса Гулсумнинг гуноҳи йўқ. Тўгри, у ростдан ҳам бир пайлар синфдоши Давронга кўнгил қўйганди. Бироқ у пайлар ҳаётида Мурод акаси йўқ эди-ку! Аёл илк муҳаббатини, у билан боғлиқ хотираларни аллақачон унугиб юборган. Бироқ буни зрига юрак ютиб айттолмайди. Тўгрироги, бунга журъати етмайди. Қолаверса, у энди ҳаётини Муродсиз тасаввур қилолмайди – мана шу бироз баджаҳл, уни ҳар ойда бир-икки марта калтаклаб ота уйига ҳайдовчи эркак унинг жисму жонига айланган. Ҳатто онаси ҳам охирги боришида унга ялинди:

– Энди шу эрингни қўяқол, қизим. Ажрашсаларинг икковинг ҳам баҳтингни топармидинг?!

Юз-күзи моматалоқ Гулсум бош чайқади:

– Мен эримдан кечолмайман, ойи...

... Бекор ўтиргиси келмаган аёл ҳовли супурмоқчи бўлди. Қўлига челакни олиб ҳовли чеккасидаги ариқдан сув олди ва сув сепишга киришди. Шу пайт ажриқлар орасида ёттан пушти ранг бир нарсани кўриб қолди. У онда-сонда қимиirlаб қўярди. Гулсум челакни ерга қўйдию, ажриқ орасидаги нарсани қўлига олди. Бу миттигина мусича боласи эди. Ҳали жиш полапон уясидан тушиб кетибди. Айвон чеккасидаги уядা яшовчи мусичаларнинг тухум қўйиб бола очганини аёл энди билди. "Мусичайи беозор" деб шуни айтишса керак-да!

Полапоннинг ерга тушганидан очофат чумолилар бир зумда хабар топишган шекилли – митти мусича танасида ўнлаб чумоли ўрмалаб юрарди. Аёл пуф-пуфлаб чумолиларни тозалади. Шу пайт полапон митти тумшуқчасини катта очди – овқат сўрай бошлади. Гулсумнинг қўлида полапон эмас, митти чақалоқ тургандек эди. Жувоннинг юраги орзиқиб кетди. "Сени уйингта элтиб қўяаман" дедиyo, дарров нарвон келтириб қушчани уясига қўйди. Ўша куни Гулсум кечгача хурсанд булиб юрди. Унинг уйидаги мусича полапон очибди. Бу яхшилиқдан нишона...

Шундан бери Гулсум ҳар тонгда айвон чеккасидаги уяга кўз ташлаб қўяди. Ҳозир у қутқарган полапоннинг қанотлари кўриниб қолган.

Полапон воқеасидан бир ой ўттач, жувон ўзини галати ҳис қила бошлади. Сал нарсага боши айланиб кетарди. "Наҳотки?!" Миясига келган фикрдан юраги ёрилаёзди. Наҳотки, у олти йил деганда ҳомиладор бўлган бўлса! Гулсум беихтиёр йиглаб юборди: "Эй Художон, охири нолаларимни эшлибсанда! Сенинг караминг кенг, фазлинг кенг! Сен мана шу муҳташам коинотнинг гултожи қилиб бизни яратдинг! Бутун яралгувчилар ичра

мукаррам қилдинг, муаззам қилдинг. Сунгра улуг-улуг неъматлар бердинг. Афсуски, биз бу неъматларингта ношукур бўламиз, лек Сен ноумид қилмайсан. Чунки Сен Раҳмонсан-да! Биз мана шу сифатингдан умидвормиз. Озгина ҳаётимизда ана шу умидворлик ҳиссидан мосуво қилмагин. Художон, менга фарзанд берганинг рост бўлсин! Мен буни бугуноқ Мурод акамга айтаман”.

Гулсумнинг кўзларидан севинч ёшлари қуйиларди. Бироқ... у тагин ўйлаб қолди. Балки ундаги ўзгаришларга сабаб бошқадир. Жувон ҳаёлига келган бу фикрдан қўрқиб кетди. У чўк тушиб яна Худога тавалло эта бошлади: “Художоним, Ўзинг рост қилгин!” У Аллоҳга ёлвориб мақсадини тилар экан, тұсатдан ҳаёлига бир фикр келди. Аммаси дўхтири-ку!

Гулсум апил-тапил кийиниб йўлга тушди. Туман марказига ўн беш чақиримча йўл эди. У ҳаллослаб автобус бекатига борар экан, тинимсиз бир гапни такрорларди: “Художоним, Ўзинг рост қилгин!”

Гулсумдан бу янгиликни эшитган амманинг ҳам севинчдан кўзлари ёшланди. Бир зумда ҳаммаси ойдинлашди: у ҳомиладор эди!

Аллоҳим, Ўзингга шукур. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Ҳозир у уйига боради-да, энг чиройли кўйлакларини кияди. Тунов куни Мурод акаси олиб келган атирдан сепиб олади. Бугун овқат-повқат қилиш йўқ. Муродга ош дамлатади. Мурод бугун жон-жон деб ош дамласа керак. Эҳ, бу хушхабарни эри қандай қаршилар экан-а? Ҳа, айтмоқчи, энди у эрига бир шарт қўяди: бугундан бошлаб анови зормандани ичиш йўқ! Ахир уйдаги ҳамма жанжал ана шу савил қолгурдан чиқади. Бугуноқ у эри билан бу масалада келишиб олади.

Гулсум ширин хаёллар билан манзилга келиб қолганини ҳам сезмай қолди. У табассум билан шофёрга

йўл ҳақини узатар экан, пулининг қайтимини ҳам олмасдан шошиб-пишиб автобусдан тушиб кетди. Унинг шу тобда хаёли-ҳуши эрида эди. Ахир у бечора ҳам озмунча қийналдими? Ҳеч эсидан чиқмайди, бир сафар Мурод ширақайф бўлиб ишдан келди-да, ошхонада куймаланаётган Гулсумнинг қўлидан ушлаб дарвозага судради:

– Ҳозироқ онангникига кетасан. Қайтиб бу уйга қадам босмайсан.

– Нега? Сизга нима ёмонлик қилдим ахир!

– Нима ёмонлик қилдинг? Ўзинг билмайсанми? Бугун ҳатто энг яқин дўстим Малик ҳам улфатлар ичидан мени ерга урди. “Битта хотинни туғдиролмаган эркак эркакми?”, дея юзимга солди. Мени маломатга қолдирдинг, Гулсум. Бор, кет, Ҳудо хайрингни берсин...

Мурод уни дарвозага томон судраб борар экан, тўсатдан ўзи ҳам йиглаб юборди. Сўнгра... Гулсумни маҳкам қучоқлаб олди.

– Айт, нима қиласиз?!

Худога шукур, энди ҳаммаси ортда қолди. Гулсум ҳомиладор бўлди! Энди уларнинг уйидан ҳам чақалоқ йигиси чиқади! Онаси унинг боласига атаб аллақачон бешик олиб қўйган. Эртага онасиникига боради. Бу янгилик ҳаммани қувонтиради.

Гулсум қувонганидан уйига юргилаб борар экан, узоқдан дарвозаси олдида турган тумонат одамни кўриб таққа тухтади. Булар кимлар? Нега уларнинг дарвозаси олдида турибди?

– Опа, қаерда юрибсиз?!

Гулсум “ялт” этиб орқасига қаради. Қаршисида йигидан кўзлари қизариб кетган укаси Зокир турарди.

– Нима бўлди? – Гулсумнинг овози базўр эшитилди.

– Поччам... ичиб... машина уриб кетибди!

– Нима?! Нима дединг?!

ИККИ ҚИЁФАЛИ ОДАМ

*Ёдингизда тутинг: агар иблис
тепмоқчи бўлса, бу ишни туёги билан эмас,
инсон оёги билан адо этади.*

Станислав ЕЖИ ЛЕЦ.

Уни телефоннинг устма-уст жиринглаши трубкани кўтаришга мажбур қилди.

— Ўртоқ Аҳмедов, эрталаб соат саккизда тезкор йигилиш ўtkазилади. Ҳамма бўлиши шарт!

— Тинчликми?

— Билмадим.

Падарига лаънат. Ҳар сафар шу аҳвол. Кеча бир амаллаб жавоб олувди-я. Ота-онасидан хабар олмаганига икки ой бўлди. Ўтган сафар қишлоққа борганида онасидан эшиттан гаплари ҳамон эсида.

— Бизларнинг ҳам беш кунлигимиз тугаб бораялти. Ҳечқурса отанг иккимиз ўлгунимизча хабар олиб тур, кейин ўзинг биласан, — деганди ўшанда Нозима ая гина қилиб.

Шаҳарга қайтар экан, Шавкат онасига бундан кейин ҳар ойда келишга ваъда берганди. Қаёқда? Мана орадан икки ой ўтиб борялти ҳамки, ваъдага вафо қилишга вақт йўқ. Лекин кеча жуда алам қилди. Бормасам булмайди, деб туриб олди ва бир амаллаб муддаога эришди ҳам. Лекин... бу йигилиш балоси қаерда қараб турганди. Демак, бир гап бор. Агар бирор жиддийроқ гап бўлмаганида ярим тунда телефон қилишмасди.

Шавкатнинг уйқуси қочди. Балконга чиқиб сигарет тутатди. Еттинчи қаватдан шаҳарнинг тунги ҳаётини

кузатишининг ўзига хос завқи бор. Саноқсиз чироқларга бурканган шаҳар тунда алоҳида жозиба касб этади. Шавкатнинг хаёлида бу чироқлар бостириб келган зулматнинг ҳамласини қайтариб турган баҳодир навкарларга ўхшайди. Бу, балки аҳмоқона ўхшатишидир, лекин у ҳар доим ушбу манзарани қўрганида хаёлидан шу гаплар кечади.

Эсида, болалигидага ёз оқшомлари лой супада акаси Шуҳрат билан юлдузларни томоша қилиб ётарди. Баъзида улар самодаги юлдузларни талашишарди. Айниқса, ҳар кеча такрорланадиган қизиқ бир ўйинлари бўларди. Яъни, онасининг айтишларича, осмондаги етти оғайни юлдузга қараб нафас олмасдан етти марта “етти оғайни юлдузни етти марта санаса савоб бўлармиш” деса, ростдан ҳам савоб бўлар экан. Агар нафас олиб қўйса савоб йўқ. Шавкат бу ўйинда ҳар доим “савоб”сиз қоларди. Алам қилганидан Шуҳрат билан ёқалашишга тушарди. Кейинчалик ака-ука бироз эсини танигач далада, пайкал бошида ётадиган бўлди. Отаси ҳар йили икки-уч гектар ерга тарвуз-қовун экарди. Тарвуз-қовун гулга кириб ҳосил туга бошлигач, кимдир кеча-ю кундуз қоровуллик қилмаса бўлмасди. Чунки эндиғина пиёладай бўлган тарвузчани кундуз кунлари қарга чўқиб кетиш хавфи бор. Кечаси эса тулки билан шоқолнинг гали келади. Ака-ука қоровуллар хавфни бартараф этишининг зўр усулини ўйлаб топганлар. Пайкалнинг беш-олти жойига хода кўмиб, уларни бир-бирларига сим орқали боғлаб қўйишган. Ходаларни туташтириб турадиган симларга эса бўшаган консерва қутилари боғланган. Вақти-вақти билан туташ симларни силкитсангиз бутун бошли пайкал шакур-шукур шовқин бўлиб кетади. Бироқ ҳар қанча эҳтиёт чораси кўрилмасин барибир тарвуз-қовун пишиғига талофат бўларди. Аксига олиб айни пишиқчиликка келганда тунлар жуда қисқа бўлиб

қоларди. Тадбиркор қоровуллар ҳам болалигига боришиб ухлаб қолишарди. Эрталаб турарди-ю күзини ишқалаганча ака-ука пайкалга югурап, тунда узиб ташланган, ёрилган, ейилган тарвузларни бир чеккага йигиб апил-тапил күмишга тушарди. Чунки ҳадемай отаси келиши аниқ. Агар тунги талофатни кўрса иккаласи ҳам кўрадиганини кўради. Отаси яхши одам-у, аммо бироз қаттиқ қўлроқми ёки меҳрсизроқми, нима бўлганда ҳам болалари ундан жуда қўрқишаради. Албатта, бу қўрқувга асос ҳам бор эди. Бир сафар айтилган ишни бажармагани учун Шуҳратни ҳўл янтоқ билан савалагани калтак еганинг ҳам, унга гувоҳ бўлганинг ҳам бир умр ёдидан чиқмаса керак.

— Отанг йигирма йил колхознинг қўйини боққан. Чўпоннинг дийдаси қотиб кетаркан, — дерди онаси. — Отангнинг айттанини айтгандек қилиб бажаринглар. Бирортангни уриб майиб қилиб қўимасин.

Қаттиққўл ота болаларининг ҳеч бирини уриб майиб қилмади-ю, бироқ ўзидан анча узоқлаштириб қўйди. Уларнинг кўнглига жароҳат етказди. Шунинг учун ҳам бутун Шавкат ҳам, иккала опаси Ойгул билан Гулсанам ҳам отасидан кўра онасини кўпроқ эслайди, кўпроқ согинади, кўпроқ талпинади. Тўғри, ҳозирда отаси анча кексайиб, босилиб қолган. Аммо кўнгил дегани шундай эканки, унга буйруқ бериб, кўрсатма бериб бўлмас экан.

Майли, нима бўлганда ҳам Шавкатнинг болалиги жуда сермазмун ўтди. Айниқса, у ўқувчилик йилларини кўп қўмсайди. Синфдаги шўхликлар, директор идорасида қизариб туришлар, илк муҳаббат, илк севги мактуби... ҳамма-ҳаммаси ажойиб эди.

Шавкат синфдош қизлардан бирини яхши кўрарди. Исми Гавҳар, жисми-да гавҳар сингари жозибали бўлган бу қизга 7-синфда ўқиб юрган пайтларида севги изҳор қилганди. Ўша илк "севги изҳори" саҳнасини эслаганда

Шавкатнинг ҳамон кулгиси келади.

Мактабда учинчи соатдан кейин “кatta танаффус” бўларди. Болалар танаффуснинг катталигидан фойдаланиб футбол майдонига, қизлар эса мактабнинг орқа томонидаги чоғроқхина боқقا шошилишарди. Ўша куни Шавкат боши оғриганини баҳона қилиб футболга бормади. Мақсади: кечакунда ёзилган севги мактубини нима қилиб бўлса ҳам Гавҳарга етказиш эди. Унинг эрталабдан бери қулогига дарс кирмас, чўнтағидаги хат бутун танасини қиздириб бораёттандек бўларди. Ниҳоят, кутилган вазият келганга ўхшади. Қизлар чуғурлашганча залга чиқа бошлади. Шавкат шартта ўрнидан турди-да, “Адабиёт” китобини Гавҳарга узатди.

- Менга китоб керакмас, — Гавҳар ҳайрон бўлди.
- Ичиди бир нарса бор. Жавобини эртага кутаман!

Тиззалиригача қалтираб кетган Шавкат юрганича ташқарига чиқиб кетди. Унинг қўллари қалтирас, гўёки жиноят иш қилиб қўйгандек атрофга олазарак бўлиб қаради. У нима деркан? Шавкатнинг хаёли-ҳуши шу саволнинг жавобида эди.

Танаффус тутаб, ҳамма синфхонага қайтди. Шавкат ҳам ийманибгина синфга кириб келаркан, остоңадаёқ партасининг устида турган “Адабиёт”га кўзи тушди. У келиб китобни олди-да апил-тапил сумкасига сола бошлади. Назарида Гавҳар унинг хатини қабул қилмаган, хат ҳамон китобнинг орасида туради. Бироқ у дарс бошлангач, китобни секингина очиб кўраркан, унда жавоб хати турганини кўрди. Гавҳар нима деб жавоб ёзган экан? Наҳотки, ҳаммаси бир соатда ҳал бўлган бўлса? Шавкатнинг ичини ит тирнарди.

Унинг дарс тутагунча сабри чидамади. Бир амаллаб “жавоб”га кўз ташлади. Жавоб хати битта жумладан иборат эди: “Уйланишга ҳали ёшлиқ қиласан”. Мажнун йигитнинг кайфияти тушиб кетди. Эртасига, индинига

бири-биридан сермазмун “ишқнома”лар битди. Бироқ бу мактублардан ҳеч бир натижа чиқмади. Рости, Гавәр уни яхши күрмасди. Шавкат эса бу аччиқ ҳақиқатни билса-да, тан олгиси келмасди. Ошиқ йигит тан олмаса олмай юраверсин, Гавәр мактабни тугаттан йили қариндошлардан бирининг үглига тўй бўлиб кетди.

Бутун ҳаммаси хотирағага айланди. Бироқ илк муҳаббат ҳеч қачон хотирағага айланмас экан. Шавкат ўша синфдош қиз ҳақида ҳали ҳам кўп эслайди. Эҳтимол, ёши ўттиздан ошиб бораётганига қарамасдан уйланишни бўйнига олмай юргани ҳам шундандир. Нима бўлганда ҳам Шавкат кейин юрагини “жиз” эттирган бирорта қизни учратмади.

Эҳ, ана шундай бегубор дамлар ҳам кўз очиб юмгунча ўтди кетди. Бу дамлардан ширин хотиралар, аччиқ изтироблар қолди, холос.

Шавкат ана шу бегубор болалик йилларини жуда кўп эслайди. Айниқса, акаси Шуҳрат ёдига тушганида кўзларига иссиқ ёш қуйилади. Кўз олдига у ўша маъшум кун келаверади. Ўша куни акаси билан бирга бормагани, ҳеч бўлмаганда унга бир оғиз яхши гап айттолмай қолгани учун орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам ҳамон ўзини кечиролмайди.

Шавкатга алам қиласидиган яна бир нарса бор: у акасининг ўлимидан икки кун бурун галати бир туш кўрди. Тушида бир гала одамларни оғзи-бурнидан кўпик сачраттанча бир тия қувлаб келаётган эмиш. Одамларнинг орасида Шуҳрат ҳам бор экан. Бир пайт тия Шуҳратни одамлардан ажратиб олибди-да, битта ўзини қувлашга тушибди. Шавкат акасига ёрдам бериш учун қўлига паншаха олиб югурибди. Бироқ тия Шуҳратни олдига солиб қувлаганча узоқлашиб секин-секин кўринмай кетибди.

Шавкат қўрққанидан сапчиб уйғониб кетди. Хайрият,

туш экан. У қайта жойига чўзилар экан, кўнгли хижил бўлди. Чунки у қайсиdir бир манбада “тушда кўрилган түя” ажал деб таъбир қилинганини ўқиган эди. Бироқ эртасига, индинига ҳам бу хосиятсиз тушини ҳеч кимга айтмади. Кейинчалик тушини ҳеч кимга айтмаганига қаттиқ пушаймон бўлди. Эҳтимол, тушини онасига айтганида бирор садақа қилинган бўлармиди. Аммо энди буларнинг ҳаммаси бир армон, холос. Бақтни орқага суришнинг иложи йўқ. Бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

...Ҳаммаси кутгилмаганда содир бўлди. Ўша фожеали кундан бир кун аввал Шуҳрат мактабдан эртароқ келди.

— Эртага ҳарбий кўриқдан ўтиш учун шаҳарга тушишимиз керак экан, — деди у онасига хурсанд бўлиб.

Нозима ая ҳам ўглининг гапидан ичида хурсанд бўлиб қўйди. Ахир, ўғли вояга етибди-да! Демак, энди ширин ташвишлар бошланади. Яна икки ойдан кейин Шуҳрат мактабни тамомлайди. Сунгра... ишқилиб олийгоҳга кирсин-да. Отаси-ку Нормат чавандознинг кенжаси билан гаплашиб келди. Тагинам нон-насибаси билади.

Нормат чавандознинг кенжаси шаҳардаги қайсиdir обрўли идорада ишлайди. “Ҳозир бироз қийин бўлиб қолди. Аммо ҳали ҳам калитини топса бўлади”, дебди. “Калити” нима экан?”, дейди Нозима ая эрига анқайиб. “Нима бўларди иккита ҳўқиз-да”, дейди эри хотинининг гўллигидан жаҳди чиқиб. Мана, шундан бери ҳовлининг бир чеккасида иккита ҳўқизни боқиб ётишибди.

— Кўриқдан ўтиш учун бораётган бўлсанг яхшилаб чўмилиб ол, — деди Нозима ая Шуҳратнинг бўй-бастига тикиларкан.

— Чўмилишга-ку чўмиламан, лекин сёёқча нима кийиб бораман?

— Туфлинг-чи?

— Эрталаб айтдим-ку йиртилиб кетди, — деди Шуҳрат

онасига жаҳл билан. – Бир амаллаб кийиб юрибман.

– Шавкатникини кийиб борасан, – деди Нозима ая.

Шу пайт ҳовлида пайдо бўлган Шавкат гап нимадалигини билди-ю, тўнини тескари кийди.

– Керак бўлса туфлисини топиб кийсин, – деди Шавкат онасига қараб. – Ўтган куни иккита дафтарини қизғанди бу қизғанчигингиз! Бунинг хотини саккизта қиз тұгса керак.

Ака-ука таппа бўгишди. Яхшиям шу пайти ҳовлига отаси кириб келди. Жаҳлдор отани кўрган жўжа хўроздар бир зумда ўзларига келишди. “Ҳисоб-китоб” кейинга қолди.

Шуҳрат ақлли бола эди. Ҳар сафар укаси билан уришиб қолса, катталарга хос тарзда андак ён берарди. Бу сафар ҳам Шавкатни хафа қилгиси келмади. Эрталаб ииртиқ бўлса ҳам ўзининг туфлисини кийиб шаҳарга жўнади.

Улар етти нафар битирувчи йигитлар эди. Ҳарбий кўрикка “Жисмоний тарбия” фани ўқитувчиси билан бирга боришди. Кўрик тутагач, уйин-кулгу билан тушлик қиёдилар. Сўнгра бозорга боришиб, ҳар ким қурбига яраша уйига майдა-чуйда олишди. Шуҳрат ҳам отасининг қош-қовоғига қараб олган пулдан йўл харажатига кетадиганини ажратиб қўйди-да, қолганига онасига битта калиш олмоқчи бўлди. У шу ният билан бозорнинг озиқ-овқат расталаридан ўтиб, кийим-кечак сотилаётган қисмига ўтаётганида тўсатдан бақир-чақир бўлиб қолди. Ортига бурилиб қаради-ю, шу томонга югуриб келаётган бир кишига кўзи тушди. Унинг ортидан бир аёл чинқирганча чопиб келаётганди.

– Ушланглар, тилломни олиб қочди!!!

Бирор киши ўгрини ушлай демасди. Шуҳрат беихтиёр югуриб келаётган одамнинг олдига чиқди. Қароқчи Шуҳратни айланиб ўтмоқчи бўлди, бироқ улгурмади.

Шуҳрат унинг елкасидан тутиб қолганди. Бироқ шу пайт қуёш нурида ялтираб кетган пичоқ Шуҳратнинг қорнига бориб қадалди. У оғриқнинг зўридан қорнини ушлаганча ерга думалаб тушди. Қароқчи эса бозорнинг деворидан ошиб тушиб ташқаридаги издиҳомга ўзини урди. Кўз очиб юмгунча содир бўлган бу ҳодисадан томошабинлар ҳам карахт бўлиб қолишганди. Айни пайтда эса Шуҳрат қонига беланганича ҳушсиз ётарди.

Шуҳрат ўша куни шифохонада жон берди. Умидлар, орзулар шўрлик ота-онанинг доду фарёдига қўшилиб қолаверди. Энг ёмони, жиноятчи ҳам топилмади. Шавкатнинг отаси ҳуқуқ-тартибот идораларига жуда кўп марталаб мурожаатлар қилди. Бироқ фойдаси бўлмади. Аёлнинг бўйнидаги тилла тақинчоқни узиб қочган қароқчи шу кетганча бадар кетди.

Шавкат акасининг ўлимидан кейин қатъий бир қарорга келди: “Энди албатта милиция бўламан!”

* * *

Шавкат қадрдан хонасига етиб келганда ҳамкасби Нодиржон Узоқов кутиб ўтиради.

– Салом, капитан! Худога шукур, согинмайдиган бўлдик, – деди у Шавкатта кўзи тушиши билан. – Ростини айтайми, сенинг кетишингга норози эдим.

– Тинчликми, яна нима бўлди?

– Шаҳардаги “янги бой”лардан бирини ўлдириб кетишиби, – деди Нодир жиддий оҳангда. – Воқеа уч кун бурун содир этилган.

– Тушунмадим, биз нега буни уч кун кейин эшитяпмиз?

– Тафсилоти қизиқ. Қаҳрамонлик кўрсатадиган пайтинг келганга ўхшайди, – деди Нодир мийигида кулиб, – қолганини Арслоновнинг ўзидан эшитасан. Қани, кетдик.

Шаҳар жиноят қидирув бўлими бошлиғи Зокир Арслоновнинг хонасида ўн бешга яқин ходим тўпланишди. Улар столнинг устидаги бир даста фотосуратларни синчиклаб кўздан кечирар, бир-бирларига нималарнидир шивирлаб тушунтирас эди. Шу пайт хонага шитоб билан полковник Арслонов кириб келди.

— Гап бундай ўртоқлар, — деди у ходимларга бир-бир кўз югуртириб. — Бундан уч кун бурун Юнусов кўчасидаги 33-уйда қотиллик содир этилган. Жиноятчилар марҳум Қобил Тўраевни мастилигида бўгиб ўлдиришган. Сунгра марҳумнинг қўлидаги тилла узугини, бўйнидаги тилла занжирини ҳамда сейфдан номаълум миқдордаги пулларини олиб кетишган. Жиноятчилардан ашёвий далил сифатида ҳеч нарса қолмаган. Бироқ ўша куни марҳумнинг меҳмонхонасида қандайдир зиёфат бўлгани аниқланди. Бу фожеадан марҳумнинг яқинлари уч кундан сўнг, яъни ўттан кеча хабар топишган. Ҳозирча бор гап шу. Тафсилот юзасидан кимда қандай савол бор?

Орага жимлик чўқди.

— Агар саволлар бўлмаса, энди ташкилий масалага ўтамиз, — деди Зокир Арслонов гапида давом этиб, — ҳозирча бошлангич айрим чора-тадбирлар кўрилди. Эндиgi вазифа зудлик билан тезкор гуруҳ тузилиб, ишга киришиш лозим. Агар қарши бўлмасанглар ушбу гуруҳга майор Темур Соатовни бошлиқ қилиб тайинлаймиз. Маълумот сифатида айтишим керак, мазкур масъулияти ишни Соатов ўз ташаббуси билан қабул қиляпти. Қани кўрамиз, қандай натижа чиқараркин. Капитан Шавкат Ҳосилов унга ёрдамчи бўлади. Гуруҳнинг қолган таркибини Соатовнинг ўзи тайинлайди.

Шавкатнинг кайфияти тушиб кетди. У майорни

биринчи күрганидаёқ унчалик хушламаган эди. Баланд бўйли, қорачадан келган, бунинг устига мўйлов қўйиб олган бу одамнинг ишга келганига бир йилдан ощиҳ ҳамки, ҳамкаслар билан салом-алиқдан нарига ўтмайди. Бунинг устига ҳийлагина кибри ҳаволи. Лекин начора, бошлиқнинг айттани амри вожиб. Гарчи бу одам ёқмаса ҳам энди ҳар куни камида икки марта “отамлашиш”га тўғри келади.

Тезкор йигилиш тугаб ҳамма ташқарига чиқа бошлади. Таъби тирриқ бўлган Шавкат қовоқ-тумшуғи ўюлиб энди хонасига кирганида телефон жиринглади.

– Ҳосилов, хонага келинг! – Темур Соатовнинг овозида кишининг энсасини қотирадиган жиддийлик бор эди.

Шавкат истамайгина майорнинг қаршиисига чўқди.

– Мен билан ишлашга тайёрмисиз, ўртоқ капитан? – деди Темур Соатов столининг галадонини титкиларкан.

– Чамамда сиз билан биринчи марта ҳамкорлик қилишимиз бўлса керак.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Шавкат гижиниб. – Муҳими “шеф”нинг ишончини оқлашимизда.

– Майли, ишни нимадан бошлаймиз?

– Мен ҳозир воқеа содир этилган хонадонга бормоқчиман, – деди Шавкат.

– У ёқда сизнинг боришингиз шарт эмас. Воқеа жойини ўрганиш учун болаларни жўнатдим. Сизга битта иш бор: шаҳар бўйича сўнгти бир йил ичида озодликка чиқарилган маҳбуслар билан шугулланасиз, – деди Темур Соатов Шавкатга тикилиб. – Агар бирортасида озгина шубҳа уйғонса, бир-икки кунга камерада сақлашингиз ҳам мумкин. Қолганини менга қўйиб бераверинг.

Топшириқ Шавкатта ёқмади. У шундай муҳим бир жараён кетаётган пайтда ҳажиқизга ўхшаб хонадан чиқмай ўтиrsa, шу инсофданми? Қолаверса, унинг

ҳамкасблари ичида яхшигина обрўси бор. Ахир жиноятчини хонада ўтириб топиб бўлмайди-ку! Тўгри, баъзан шундай жиноятлар содир бўладики, унинг ижрочисини кўчама-кўча излаб юришга ҳожат бўлмайди. Мана, яқинда кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида турган "Жигули" машинасининг тўртта балонини ечиб кетишибди. Жиноятчини икки кунга қолмай топишиди. Чунки ҳамма жойда участка нозирларининг махсус дафтарида беш-олтита исми-шариф албатта дарж этиб қўйилади. Шу атрофдаги майда-чуйда жиноятлар мана шу исми-шариф эгаларига тегишли бўлади. Ҳеч бўлмаганда улардан кимдир шу жиноятдан хабардор чиқади.

Қолаверса, бундай майда "иш"лар билан шугулланадиган кишиларнинг найранглари ҳам ўзига яраша бўлади-да. Доно халқ тили билан айтганда "эшагига яраша тушови". Бироқ ҳозир изига тушилган жиноят майда-чуйда кишиларнинг иши эмас. Одам ўлдириш, босқинчлик унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди.

Шавкат хаёллар қуюнида айланар экан, хона эшиги секингина очилиб котиба қизлардан бири бир қучоқ папка кўтариб кирди.

— "Архив"дан беришиди, — деди қиз.

Шавкат индамайгина столнинг устига қўйилган "Дело"ларни варақлашга тушди. "Собиржон Акромов – 1963 йилда тугилган. Икки марта оғир жиноят содир этган. Ҳозирда Қурувчилар кўчаси 148-йда истиқомат қиласди...". "Анвар Аҳмедов – 1956 йилда тугилган. Оғир жиноят содир этиб, 12 йил қамоқ жазосини ўтаб қайтган. Ҳозирда Ҳожиматов кўчасидаги 12-йда яшайди".

Шавкат эринибгина "Дело"ларни жойига қўйди. Унингча бу уринишлардан бирор натижа чиқариш қийин эди. Лекин гуруҳ бошлигининг топширигини номигагина бўлса ҳам бажариши шарт. Тартиб шундай.

У олдидағи “Дело” ларнинг ичидан энг ашаддий жиноятчи ҳисобланган, муқаддам одам үлдирғанлиқда айбланиб уч марта судланган Соҳиб Алижонов деган бир кишининг манзилини ёзиб олди. Бутунча шуниси ҳам етарли.

Маҳалла чойхонасида ўтирганлардан бири Соҳиб Алижоновнинг уйини кўрсатиб қўйди. Шавкат ҳаво ранг дарвозанинг қўнгирогига энди қўл узатган эди ҳамки, уйдан аzon товуши эштилиб қолди. “Тушунмадим. Адашиб бошқа жойга келиб қолмадимми?” У бир ~~пек~~ уйланиб турди-да, аzon тугагач таваккал қилиб қўнгироғ тутмасини босди. Кўп ўтмай дарвозада ёши элликларни қоралаб қолган, баланд бўйли, оқ-сариқдан келган бир киши пайдо бўлди.

– Соҳиб аканинг уйи шуми, – деди Шавкат қуюқ салом-алиқдан сўнг. – Адашмадимми?

– Адашмадингиз, – деди мезбон табассум билан.

– Соҳиб аканинг ўзи керак эди.

– Қулогим сизда.

– Соҳиб Алижонов сиз бўласизми? – деди Шавкат бироз тараффудланиб. Чунки унинг қархисида тасаввуридаги ашаддий жиноятчи эмас, мўмин-қобил бир баnda туради. – Минг марта узр, мен шаҳар жиноят қидирув бўлимидан капитан Шавкат Ҳосилов бўламан. Сиз билан шунчаки суҳбатлашиш учун бирров кирган эдим.

– Тушунарли, – деди мезбон маъюс тортиб. – Яна бирор жиноят содир бўлдими? Майли, бу сизларнинг вазифаларингиз. Қани, ичкарига киринг!

Улар бошлишиб меҳмонхонага кирдилар. Уйнинг ўртасида турган хонтахтанинг устида турли китоблар бетартиб сочилиб ётарди. Хонанинг тўридаги жавон ҳам китоблар билан тўлиб-тошган, ёнидаги чогроққина столда эски компьютер туради.

– Сизни ўн беш минут куттиришга мажбурман, –

деди мезбон құлларини құксига құйиб.

— Бемалол.

Шавкат одоб юзасидан “бемалол” дейишігә деди-ю, аслида унчалик bemalol ҳам эмасди. У бу ердан чиқиб үзбошимчалик бұлса ҳам жиноят содир этилган уйга боришини мұлжаллаб құйилғанды. Майли, бироз кутса ҳечқиси йўқ.

У хонтакта устидаги китоблардан бирини олди. “Мажмағ үл-мақсад ёки Мухтасар үл-виқоянинг туркий шарҳи”. Китобнинг аввалги сақифасига “Бу улуг ва диққатга сазовор китоб”, деб ёзиб құйилғанды. Шавкатнинг хаёлидан “үгри қариса сұғи бұлади” деган гаплар кечди. Доно ҳалқ билиб айтарканда-а! Уч марта оғир жиноят содир этган, хусусан, одам ұлдирғанлықда айбланған одам энди туппа-тузук мулла. Шу пайт хонага Соҳиб aka кириб келди.

— Ана энди, хотиржам гаплашсак бұлади, — деди у кулиб. — Сизни нималар қизиқтираяпты?

— Биринчи навбатда үзингиз! Сиз ростдан ҳам бизнинг рўйхатларда турадиган Соҳиб Алижоновмисиз?

— Мен собық Алижоновман, — деди мезбон Шавкатта еб қўйгудек тикилиб. — Сиз айтаётган Соҳиб Алижонов энди йўқ. У үлиб бўлди. Мана, мен қолдим.

Шавкат ҳеч нарсага тушунмади.

— Ҳайрон бўлманг, инсон битта терининг ичидә то ўлгунича неча марта семириб, неча марта озади. Худди шунингдек, унинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам ўзгариши, янгиланиши мумкин. Рост, қора рўйхатларда номим бор, аммо асл ҳақиқатни Аллоҳ билади.

— Англашимча, мен бутунлай бошқа одамга айланғанман демоқчисиз, шундайми?

— Мехрибон Аллоҳнинг ваъдаси бор: кимки, бир гуноҳни қилди-ю, ортидан тавба қилди. Бас, энди бу одам ўша гуноҳни қилмаган кабидир. Мен қилған

гұнохларимга тавба қилдим. Яратған Этам энди йүлдан адаштирумасин.

Соҳиб аканинг күзларига ёш қалқиб чиқди.

– Ростини айттай, уч марта қамалдим, лекин унинг икки марта сида ноҳақлик бўлди, – деди Соҳиб ака. – Илк марта қамоққа тушганимда университетнинг битириувчи курс талабаси эдим. Андижонлик Камол исмли бир бола билан ижарада турардик. Унинг Тайсон лақабли бир ошнаси бор эди. У онда-сонда бизниги келиб турарди. Тўгрисини айтсам, шу болани унчалик ёқтирумасдим. Ҳатто асл исм-шарифи ким экани билан ҳам қизиққаним йўқ.

Бир куни кечқурун Тайсон келиб қолди. Камол уйига кеттан эди. “Юринг, бир отамлашамиз”, деди у оstonада ишишайиб. “Имтиҳонга тайёргарлик кўришим керак” дедим. Бироқ у хираги қилиб туриб олдим. Истамасамда унга эргашибга мажбур бўлдим. Чўнтағимда сариқ чақам ҳам йўқ эди. Икковлон донгдор ресторандардан бирига бордик. Тайсон официант қизга буюртма берди. Шу пайт қўшни столда ўтирган хонимлардан бири Тайсонга қараб-қараб ёнидаги эркакка нималарни дир пицирлаёттанини сезиб қолдим. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Тайсоннинг эса парвойи палак эди. Эркак аста ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Унинг ташқарига чиқишидан баттар хавотирим ортди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас улар учта бўлиб қайтдиларда, тўгри бизнинг столга йўналди.

– Бир минутта ташқарига мумкинми? – деди улардан бири Тайсонга тикилиб.

– Тинчликми?

– Гап бор, – деди хонимнинг эри заҳарханда билан.

– Ташқарига чиқ, кейин биласан.

Биргалашиб ҳолироқ жойга ўтдик. Орқамиздан ҳалиги хоним ҳам етиб келди.

- Шуми? – деди йигитлардан бири хонимга қараб.
- Худди шу, падар лаънат!
- Тушунмадим, – деди Тайсон пинак бузмай.
- Ҳозир ҳаммасини тушунасан.

Қозилик қилаёттган йигит ёнидан пичоқ чиқарди-да,
Тайсоннинг биқинига тиради.

- Тортиб олган нарсаларингни қайтар!
- Мен кимдан нимани тортиб олибман? – деди Тайсон хотиржам оҳангда.
- Ифлос, ўтган куни “Динамо” магазинининг орқасида қўлимдаги узугимни, бўйнимдаги занжирни, зирагимни қўрқитиб ечиб олган ким? – деди хоним тупукларини сачратиб.

Шу пайт Тайсон пичоқ тираб турган йигитнинг қўлидан шартта ушлади-да, юзига боши билан уриб юборди. Ўзи эса юрганича дарахтзорга кириб кетди. Ортидан югуриб кетган хонимнинг эри билан қози йигитнинг шериги кўп ўтмай сўкинганича қайтиб келишди. Соддаликни қаранг, пайтдан фойдаланиб қочиб қолиш ўрнига жойимда тураверибман. Бир пайт уч эркак менга ташланиб қолса бўладими? Менинг ҳам чапанилигим тутиб кетди. Ёшлигимдан курашга тушиб келмаганманми, бирин-кетин елкамдан ошириб ташладим. Бахтсизликни қарангки, қози йигитнинг қўлидаги пичоқ йиқилишида ўзининг қорнига кириб кетибди. Бир зумда ҳаммаёқ тўпалон бўлиб кетди. Бу бир бахтсиз тасодиф эди. Лекин қонун сизнинг кўнглингиз билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Ўртада одам ўлдими, ўлди. Демак, шунга лойиқ жазойингни олишинг керак.

- Тайсон нима бўлди? Ахир айбдор Тайсон экан-ку!
- деди Шавкат.
- Тайсонни тутиб келишди, лекин босқинчилигини бўйнига қўйишолмади.
- Емаган сомсага пул тўлабсиз-да, – деди Шавкат ачиниб. – Иккинчи марта нима гуноҳ қилдингиз?

— Иккинчисини ширакайфликда қилиб қўйдим.
Бироннинг пулини тортиб олганман. Рости, қандай қилиб
тортиб ғланимни ўзим билмайман.

— Навбатдагиси-чи?

— Учинчиси бироз жиддийроқ, — деди Соҳиб ака чукур
уҳ тортиб. — Учинчисини номус учун қилганиман.

— Нима қилдингиз?

— Қонун тили билан айттанды бир кишига оғир тан
жароҳати етказганиман. Нима учун шундай қилганимни
ўша одам билан ўзим биламан, холос.

— Орадан шунча йиллар ўтди. Балки энди сирлиги
қолмагандир? — деди Шавкат қизиқиб.

— Буни айтишнинг иложи йўқ. Ҳатто судда ҳам
айтмаганиман.

— Дарвоҳе, Тайсонни кейинчалик кўрдингизми?

— Кўрмадим. Лекин бир-икки суриштирдим. Дарагини
ҳеч ким билмади. Камолнинг айтишича, қайсиadir бир
вилоятда ишлаёттан экан. Тағин қаерда денг, милицияда!

— Тайсон ростдан ҳам ўгримиди?

— Бунисини билмадим.

— Ҳа айтмоқчи, сиз шу ҳафтада бирор жойга
бормадингизми? — Шавкат тўсатдан савол ташлади.

— Ҳеч қаерга борганим йўқ, — Соҳиб ака меҳмонга
ажабланиб қаради.

— Қобил Тўраев деган одамни танирмидингиз?

— Бу исмни биринчи марта эшитиб турибман, — деди
Ҳосил ака баттар ҳайрон бўлиб. — У ким? Буни нега
мендан сўраяпсиз?

— Юнусов кўчасидаги 33-ўйда яшовчи ушбу шахсни
ўлдириб кетишган.

Соҳиб ака юзига фотиҳа тортди.

— Гап буёқда денг, — мезбон бир нуқтага тикилганча
жимиб қолди. — Ука, бир пайлар жоҳилликка берилиб
нима бўлса бўлгандир. Лекин мен ҳозир бошқа одамга

айланганман. Аллоҳга минг шукур, Ўзини танитди, Ўзига дўст бўлганлар сафига қўшди.

Охирги жазодан қутулиб келганимда ёшим ўттиз олтида эди. Ҳали уйланмаган эдим. Яраттанинг нусрати билан тез орада оила қурдим, уй солдим. Бугун тўртта фарзандим бор. Турмушимдан нолимайман. Мен бирорга озор бериш, ҳаром ейиш, пора олиш нима эканини англаб етдим. Аллоҳ Ўзи билдириди. Бироқ начора, бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон экан-да.

— Сиз менинг ташрифимдан хафа бўлманг, — деди Шавкат астойдил. — Ўзингиз биласиз-ку бизнинг ишимиз шундай. Қолаверса, жиноят оламига шўнгиф кеттанинг кўпчилиги сизга ўхшаб ҳаётини тўгри изга солиб олишга қурби етмайди. Ана, яқинда берилган амнистия туфайли озодликка чиқсан маҳбусларнинг учтаси орадан бир ой ўтмай яна тушиб ўтирибди. Баъзиларга озодликда юргандан кўра ўша ёқ тузук.

Шавкат собиқ жиноятчи билан хайрлашар экан, дилида Соҳиб акага нисбатан аллақандай илиқлик уйгонди. Айниқса унинг "Аллоҳ Ўзини танитди, Ўзига дўст бўлганлар сафига қўшди" деган гаплари Шавкатга бошқача таъсир қилди. Аллоҳ Ўзини қандай танитар экан? Шавкатга ҳам танитганми? У ўзи билан ўзи гаплашганча кетиб борарди.

Шавкат кўча юзидағи ҳашаматли уйнинг дарвозаси оддида анчагина туриб қолди. Ҳовалидагилар ҳадеганда чиқавермагач, Шавкатнинг ҳафсаласи пир бўлиб энди ортига бурилганди ҳамки, уй томондан кимнингдир оёқ шарпалари эшитилди.

— Ким керак?

— Мен шаҳар жиноят қидирув бўлимидан капитан Ҳосиловман, илтимос, дарвозани очсангиз.

Ёши ўттизлардан ошган жувон дарвозани очди. У

бошига топпоқ дуррача танғиб олганига қараганда марҳумнинг қизига ўхшарди.

— Бутун кун бўйи текширдинглар. Ахир жиноятчини ҳовлидан эмас, ташқаридан қидириш керак, — деди аёл Шавкатта йўл бераркан.

— Керак бўлса эртага ҳам текширамиз, — Шавкатнинг жаҳли чиқди. — Сиз кимсиз ўзи?

— Шу уйнинг бекасиман, — деди жувон бурнини жийириб.

— Марҳумнинг хотинимисиз?

— Ҳа.

Шавкат ҳайрон бўлди. Чунки марҳумнинг ёши эмликни қоралаб қолган экан. Бу аёл эса...

— Исмингиз?

— Нафиса. Нафиса Алиева. Тавба, бир кунда тўрт марта исмимни ёзиб олдиларинг, бошқа ишларинг йўқми?

— Воқеа содир этилган куни қаерда эдингиз?

— Уфф, мана шу саволга эрталабдан бери ўн марта лар жавоб бердим шекилли, — деди жувон кўзларини чақчайтириб. — Ахир боя ҳам айтдим-ку, уйда йўқ эдим, адамлани кўргани кетгандим.

— Эрингизнинг битта ўзи қолганмиди?

— Бошқа ким билан ҳам қоларди?

— Экспертиза хулосасига кўра, зингиз ўлдирилган куни уйда қандайдир зиёфат бўлган экан. Бундан хабарингиз йўқми?

— Мен уйдан саҳарлаб чиқиб кетганман, бундан хабарим йўқ, — деди жувон бош иргаб.

— Рухсат этсангиз, ҳовлини кўздан кечириб чиқсан, — деди Шавкат илтимос оҳангидга.

— Кечирасиз, мен кетишим керак, — деди Нафиса. — Қолаверса, боя ҳаммаёқни тит-пит қилиб чиқишиди. Қотилларни топишолмади. Улар ҳовлидан чиқиб кетишган экан.

Нафисанинг пичингидан Шавкатнинг жаҳли чиқди. Қанчалик сурбетлик. Ахир ким айтади бу аёлнинг эри ўлган деб. Шунинг учун ҳам айтадилар-да: “Ит вафо, хотин жафо”! Шавкат Нафисанинг эътирозига эътибор бермасдан ҳовлини кўздан кечира бошлади. У ҳовлини қадам бақадам айланиб чиқаркан, ҳеч нарсани назардан қочирмасди. Эринмай ҳожатхонага ҳам кирди. У ахлат чеълакнинг ёнида гижимланиб ёттан қоғозга эътибор қилди. Қоғозни туфлисининг учи билан текисламоқчи бўлди. Қараса, қоғозга сигаретнинг кули ўралган экан. Энгашиб қоғозни қўлига олиб кўрди. Махсус ён дафтарчанинг “24 август” бети йиритиб олинган экан. У қоғозни бувлаб чўнтағига солиб қўйди.

Шавкат марҳумнинг уйидан чиқиб кетар экан, бир пайтлар онаси айтиб берган бир ҳикоят ёдига тушшиб кетди.

Бир бадавлат киши янги қуриб битказилган шоҳона уйининг деразасидан ташқарига боқиб, фахрланиб ўтирган экан. Шу пайт кўчадан бир жулдур кийимли дарвеш ўтиб қолибди. Дарвеш янги қурилган иморатта ҳайрат билан қараёттанини кўрган бой:

— Қалай, боплабманми? — деб сўрабди.

Дарвеш айтибдики:

— Тақсир, бу уйни-ку боплабсиз, лекин охиратдаги уйни қандай қурдингиз? Ўша уй ҳам бу дунёдагисига ўхшаб бекамикўстми?

Онасининг айтишича, дарвешнинг бу саволи ҳаммага тегишли экан. Шавкат онасининг нима учун бундай деганини бугун англағандек бўлди.

Ахир бу дунёда бирор жойга сафар қилмоқчи бўлсак, албатта обдон ҳозирлик кўрамиз. Сафар асносида керак бўладиган ҳамма анжомларни оламиз. Ҳатто эҳтиёт чорасидан баъзи нарсаларни керагидан ҳам ортиқроқ қилиб ғамлаймиз. Манзилга етгач, асқотадиган ашёларнида унутмаймиз. Шундай экан, нима учун энди охират сафари ҳақида қайғурмаслигимиз керак?

Вақтида оиласизга, болаларимизга меҳр-оқибатдан дарс берсаккина вақти келиб оқибат кўрамиз. Мана, бир бечора шунча ҳашаматли уй қурди, рўзгор қилди. Лекин у шунча ҳашамни кимга ташлаб кетганини билармикан? Агар ростдан ҳам ҳозирги жувон унинг хотини бўлса, эрининг маъракасини ҳам кутиб ўтирамайди. Эрта-индин эр топади.

Шавкат ана шундай хаёллар оғушида қадрдан хонасига етиб келганида, қуёш ҳам белгиланган манзилига етиб келганди.

Кеч соат саккиздан ўттиз дақиқа ўтганда, тезкор гурӯҳнинг ҳисобот йигилиши бўлди. Дастреб майор Темур Соатовнинг кўрилган чора-тадбирлар юзасидан ахбороти тингланди. Сўнгра ҳар ким ўзига юклатилган вазифа юзасидан ҳисобот берди. Мажлис якунида маълум бўлдики, кўрилган чора-тадбирлар ҳозирча натижа берганича йўқ.

– Кимда қандай фикр бор? – деди майор энсасини ишқалаб.
– Балки бу иш шунчаки оиласий можародан келиб чиққандир?
Чунки марҳумнинг икки жойда оиласи борлиги аниқланди.

– Биринчи хотини билан ажрашган экан, – деди бурчакда ўтирган сержант йигитлардан бири.

– Қачон?

– Икки ой бурун.

– Ўртада фарзанд борми? – майор Соатов гўё калаванинг учини топғандек атрофида гиларга олазарак қаради.

– Икки ўғил, бир қиз – уч нафар фарзанди бор экан.

– Мана шу масалага жиддийроқ қараш керак, – деди Соатов кўзлари ёниб. – Хотиннинг қариндошлиари ҳақида маълумот тўпланглар.

– Менимча, гап бошқа ёқдага ўхшайди.

Ҳамманинг нигоҳи капитан Нодиржон Узоқовга қадалди.

- Тушунтириброқ гапиринг-чи?
- Тұраев ұлдирилган куни әрталаб ким биландир телефонда узоқ гаплашган.
- Нима ҳақда?
- Улар қандайдир китоб ҳақида гаплашишган, – деди Нодиржон әнсаси қотиб.
- Айнан нималар деган сұхбат давомида? – Шавкат луқма ташлади.

– Тұраев сұхбатдошидан неча бетлик китоб олиб келдінгиз, деб сұраган. У эса ҳозирча түрт минг бетлик деб жавоб берган.

– Зудлик билан сұхбатдошнинг манзилини аниқлаш керак, – деди Шавкат Нодиржонга. – Бу ерда бир гап борға үхшайды. Чунки түрт минг бетлик китоб бұлмайды. Гап пул ҳақида кетяпти. Түрт минг бет китоб – түрт минг доллар бұлиши мумкин. Сұхбатдошнинг “ҳозирча” деган гапи ҳам шубҳали, демак, унинг давоми ҳам бұлган. Сұхбатни тұлиқ ёзиб олишининг иложи йүқми?

– Эртага магнит тасмасига тушириб беришади, – деди Нодиржон.

– Менимча ҳам Ҳосиловнинг шубҳаларида жон бор, – деди үйланиб үтирган майор Соатов. – Айнан шу ишда Узоқовга үзим ёрдам бераман. Сұхбат тахминан соат нечаларда бұлиб үтган?

Соатов костюмининг чұнтагидан ён дафтарласини олиб ёзишга түшди. Майор Узоқовнинг айттанларини ён дафтарасига туширар экан, Шавкат негадир ғалати бұлиб кетди. Чунки бугун Тұраевнинг ҳожатхонасидан топиб олган қоғоз худди майорнинг ён дафтарасининг сахифасига үхшарди. “Балки майор воқеа жойига борганида ҳожатхонага киргандир. Ёки... эх, нималар ҳақида үйләяпман үзи? Ахир бунақа ён дафтарча босмахонадан биттагина чиқмагандир”. Шавкатнинг хаёлинин сержант Түйчиевнинг овози бұлиб юборди.

— Тұраевнинг шу пайтгача ҳеч қандай фойдали иш билан шугулланмаганини ҳам назардан қочирмаслик керак, — деди Түйчиев чийилдоқ овози билан.

Түйчиевнинг овозини эшитиши билан күпчиликнинг юзига табассум ёйилди. Қорачадан келган, жиккаккина бу сержант йигитни ҳамма яхши күради. Чунки Түйчиевнинг билмаган балоси йүқ. Қанақа мавзуда гап бошласанғиз, Түйчиев давом эттириб кетаверади. Шунинг учун ҳам уни йигитлар ҳазиллашиб “гений” дейишади. Бунинг устига унинг озгина масхарабозлиги ҳам бор. Гапга үқиган. Агар бир “очилиб” кетса, унчамунча давракашларни чангиде қолдиради.

— “Гений” шубҳаларини асослаб берсін? — деди йигитлардан бири кулиб.

— Ҳазилни күчада қиласиз, үртоқ Ганиев! — деди майор Соатов лукма ташлаган йигитта тикилиб. — Түйчиевнинг мулоҳазалари үринли. Ростдан ҳам марҳум Тұраев шу пайтгача бирор фойдали иш билан шугулланмаган.

— Лекин әнг зүр уйни шу қурған! — Түйчиев гапни илиб кетди.

Ниҳоят, ертанғи чора-тадбирлар белгилаб олиниб, ҳамма үрнидан турди. Шавкат Соатовнинг хонасидан чиқаркан столда турған ён дафтарчага бейхижиёр бир қараб қўйди.

— Ҳа, намунча машқингиз паст, үртоқ капитан? Тұраевнинг беваларига қайгураяпсизми? Нодиржоннинг ҳазили гарчи Шавкатга ёқмаган бўлса ҳам зўрма-зўраки кулиб қўйди.

— “Разливной”иданми, бутилкалисиданми?

— Бугун ҳеч қайсисидан ичмайман, — деди Шавкат.

— Менинг ҳисобимдан...

— Ростини айтсан қайфиятим йўқ. Негалигини ўзим ҳам билмайман, — деди Шавкат дўстига. — Тинчгина уйимга бориб дам олмоқчиман.

Шавкат уйига етиб келганида вақт алламаҳал бўлиб

қолганди. У диванга ҳоргин чўзиларкан, ўзини жуда ҳам ёлғиз ва нотавон сезди. Шу ҳам яшашми? Эрталаб кетасан, кечқурун итдек чарчаб келасан, ухлайсан... эрталаб яна ўша "ўлан қўшиқ". Бир хил, бир хил... Шуми, яшашнинг маъниси? Ўёқда кекса ота-она икки ойдан бери дийдорига муштоқ.

У ўрнидан туриб ўтири. Буруқситиб сигарет тутатди. Бўлди. Шу машмашали ишни бирёзлик қилсин, ҳаммаси ҳақида ўйлаб кўради. Энг аввало, уйланиш масаласига рози бўлади. Инсонга ёлғизлик ярашмас экан. Ишдан чарчаб келганингда табассум билан кутиб оладиган хотининг, қий-чув қилишиб йўлингга чиққан болаларинг бўлса... эҳтимол, яшашнинг мазмуни шудир.

Шавкат уйланиш ҳақида ўйлар экан, беихтиёр Нафисани эслади. Эри ўлганига икки кунгина бўлибди-ю, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек юришини қаранг. Қаердадир бир ҳикматли гапни ўқиган зди. Йигитта тўртта нарса муҳим экан: яхшиликни зикр қилгувчи тил, борига шукур қилгувчи қалб, сабр ва солиҳа хотин. Демак, йигитнинг баҳти мукаммал бўлиши учун энг асосий шартлардан бири – солиҳа хотин экан.

– Хотин киши уйнинг остонаси бўлади, – дейди онаси ҳар сафар.

Ҳақ гап. Лекин Нафисага ўхшаган "остона" бўлса-чи? Бундан Ўзи асрасин!

Гап уйланиш масаласига бориб тақалар экан, онаси бир ҳикоятни эринмай такрорлайди. Шавкат гарчи бу ҳикояни онасидан кўп эшитган бўлса-да, кўнгли учун яна бир марта эшитади.

Эмишки, Иброҳим алайҳиссалом бир куни ўғли Исмоил алайҳиссаломниги келиби. Баҳтга қарши ўша куни Исмоил овга кетган экан. Уйда ўтирган хотини эрининг йўқлигини айтибди-да, қарсиллатиб дарвозани бекитиб олиби. Бу муомаладан дили оғриган қайнота:

«Исмоил келганида айтиб қўй, уйининг остонаси яхши эмас экан, уни алмаштирсин» дебди. Иброҳим алайҳиссаломнинг нима демоқчи эканига ақли етмаган келин эри келгач, воқеани унга етказибди. Шунда Исмоил алайҳиссалом отаси нима демоқчи эканини фаҳмлаб, бу хотиннинг жавобини бериб юборибди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссаломни яна излаб келибди. Бу сафар унга пешвоз чиқсан келин кўп иззат-икромлар кўрсатибди. Қайнота қайтар маҳалда айтибдики: «Исмоил келганида айт, уйининг остонаси яхши экан, энди алмаштирмасин».

Исмоил алайҳиссалом уйига қайтганида отасининг бу галги гапларини эшитиб жуда хурсанд булиб, аёлига нисбатан кўнглида бошқача муҳаббат пайдо бўлибди.

Ривоятлар ҳақиқатнинг синиқлариdir. Демак, ҳар қандай ривоят ҳам бекорга пайдо бўлмайди. Унда бир ҳикмат бўладики, фақат уни англаш учун комил идрокка зарурат бор.

Шавкатнинг боши оғриб кетди. Ортиқ ўйламасликка қарор қилиб, бошини ёстиқ билан бостириб олди. У шу алфозда қанча ётиб, қачон ухлаб қолганини билмади. Кўзини очганида эса аллақачон тонг оттан эди.

Орадан икки кун ўтди. Тушликка яқин хонага Нодиржон ҳовлиқиб кириб келди. Унинг чеҳрасидаги саросималик қандайдир жиҳдий гап борлигини айтиб турарди.

— Калаванинг учини топгандекмиз, — деди у. — Қўлларини бир-бирига ишқалаб.

— Яъни...

— Тўраев ўлдирилган куни эрталаб телефонда гаплашган кишини қўлга олдик. Қўлга олганда ҳам жиноят устида, қора дори билан ушладик.

- Ким экан у, бирор жойда ишлармикан?
- Камол Абдулаев, асли андижонлик. Бозорда савдо билан шугулланар экан.
- Камол? Исли Камол эканми?

Шавкатта бу исм жуда танишдек туюлди. Ўйлаб-ўйлаб ўтган кунги Соҳиб аканинг гаплари ёдига тушди. Наҳотки, бу ўша Соҳиб аканинг курсдоши Камол бўлса?

- Гаплашсам бўладими? – деди Шавкат.
- Болалар "машгулот" ўтказишаётган эди. Бориб кўрчи?

Панжарали хонада юз-кўзлари қизариб кетган, кўйлаги тердан жиққа ҳўл бир киши ўтиради. Шавкат темир эшикнинг тирқишидан уни обдон кузатгач, қоровул йигитга ишора қилди. Эшик шарақлаб очиларкан, у сакраб ўрнидан турди.

- Ассалому алайкум, Камол ака, – деди Шавкат эски қадрдонлардек кулиб. – Танимадингиз-а?

– Танимадим.

Унинг овозида, қизариб кетган қисиқ кўзларида қандайдир умидсизлик бор эди. У Шавкатта ўзининг танимаганини айтар экан, гап оҳангиде менга барибир деяётгандек бўларди.

- Мен Соҳиб аканинг жияниман, – деди Шавкат мугомбирлик қилиб.

– Қанақа Соҳиб?

- Курсдошингиз, ижарадош дўстингиз. Энди эсингизга тушдими?

– Билмадим. Менинг бунақа дўстим йўқ.

- Унда узр ака, боя олиб келишаёттанде кўзимга иссиқ кўринганингиз учун бирров кирган эдим, – деди Шавкат. Сунгра ортига бурилиб хонадан чиқа бошлади.

– Бир дақиқага...

– Хўш, нима гап?

- Ростдан ҳам Соҳибнинг жиянимисиз? Нега кўзингизга дабдуруустдан иссиқ кўриниб қолдим?

– Тогам билан бирга тушган суратингизни кўрганман,
– деди Шавкат ёлғондан.

Камол бироз ўйланиб қолди. Сўнгра Шавкатга тикилганча гап бошлади.

– Менга энди ҳеч ким ёрдам беролмайди. Итдан тарқаганлар мени сотиши. Лекин сен ростдан ҳам Соҳибининг жияни бўлсанг, сенинг битта ёрдаминг керак,
– деди у сўзларини дона-дона қилиб.

– Қанақа ёрдам?

– Қийнашмасин!

– Тўғрисини айтсам, бу менинг ишим эмас. Лекин эшлишиимча, сизни фақат гиёҳвандликда эмас, қандайдир қотилликда ҳам гумон қилишган?

– Қанақа қотиллик?!

Камол ўрнидан туриб кетди. Унинг юзи бир зумда докадек оқариб кетганди.

– Қобил Тўраев деган одамни танирмидингиз?

– Танимайман.

– Камол ака, ўзингизни қийнашнинг нима кераги бор? – Шавкат унга сурилиброқ ўтириди. – Ўша куни эрталаб Тўраев билан телефонда гаплашганларингиз аллақачон ёзиг олинган. Рад этиб бўлмас бошқа далиллар ҳам бор. Сизга бир дўст сифатида маслаҳатим шуки, ҳаммасини очиқ-ошкора тан олиб, ўзингизга енгил бўладиган йўлни танланг!

Камол ўйланиб қолди. Унинг сукунати мағлубиятидан дарак эди. Шавкат эса вақтни бой бермай навбатдаги усуулга ўтди.

– Сиз ҳозир қайсарлик қилиб фақат ўзингизга жабр қиласиз. Шерикларингиз эса вақтни ғанимат билишиб жуфтакни ростлаб қолишиади. Уларнинг ҳеч бири эртага сизга раҳмат айтмайди. Ёки бир кунгина келиб сизнинг ўрнингизга ўтириб кетмайди. Ҳаммага ўзининг жони ширин.

– Менга майор Соатов керак? – деди Камол ўрнидан туриб.

- Соатовни қаердан танийсиз? – ажабланди Шавкат.
- Тайсонни тоганг ҳам жуда яхши танийди.

Шавкат қаршисидаги жиноятчига узоқ тикилиб қолди. У бошидан совуқ сув қуйиб юборилган одамдек энтикиб нафас оларди. Наҳотки, бўлиши мумкин эмас? Беихтиёр Шавкатнинг ёдига Тўраевнинг ҳожатхонасидан топиб олган ён дафтарчанинг йиртиб олинган саҳифаси тушди. У шошиб ўрнидан турди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб хонадан чиқди.

– Ўртоқ подполковник, шахсан ўзингизга айтадиган гапим бор, – деди Шавкат қабулхонадан эндиғина чиқиб кетаётган жиноят қидирув бўлими бошлиги Зокир Арслоновга. – Икки дақиқа вақтингизни оламан, холос. Бу жуда муҳим.

– Шахсий масала юзасидан ишдан кейин гаплашамиз,
– деди Арслонов. Сўнгра ёрдамчисига қайрилиб нимадир демоқчи бўлди. Бироқ у гапиришга улгурмади.

– Илтимос, бу шахсий масала эмас, айнан ишга тааллуқли, – деди Шавкат овозини пича баландлатиб.

– Нима гап?

– Хонангизда гаплашсак майлими?

Шавкат Арслоновнинг хонасига кирав экан, чўнтағидаги гижимланган қоғозни столнинг устига қўйди.

– Бу нима? – деди подполковник ҳайрон бўлиб.

– Мана шу қоғозни марҳум Тўраевнинг ҳожатхонасидан олган эдим. Бу қоғоз ён дафтарчадан йиртиб олинган. Икки кун бурун худди шундай ён дафтарчани майор Соатовнинг қўлида кўрдим. Қизиги шундаки, бугун қўлга олинган жиноятчи Камол Абдуллаев ҳам Соатовни яхши таниркан. Унинг айтишича...

– Менга қара, Ҳосилов, гапларингни ўйлаб гапирайсанми? – Арслонов узун столни айланиб ўтиб жойига ўтирди. – Сен майор Соатовдан шубҳаланаяпсанми?

– Худди шу майор Соатовингиз бир пайтлар Тайсон лақабли босқинчи бўлган.

– Сен бола жуда катта кетдинг, – деди Арслонов ёнидан сигарет олиб. – Сен қанақа даъво билан чиқаётганингни билаяпсанми? Агар шу гапларингни ўзи эшилса, қандай қилиб яна бир жойда ишлайсанлар? Унинг босқинчи бўлганига қандай асосинг бор?

– Гувоҳ камерада ўтирибди, – деди Шавкат ишонч билан. – Агар бу гувоҳ камлик қилса яна топиб беришим мумкин.

– Ҳосилов, бу жуда ёмон гап... лекин... эҳтиёткорлик билан иш юритишга тўғри келади, – Арслонов Шавкатга тикилиб қаради. – Агар Камол Абдуллаев ҳам уни таниса...

Шавкат собиқ жиноятчи Соҳиб Алижоновдан эшилган гапларини ҳам бирма-бир айтиб берди. Шундан кейингина Зокир Арслоновнинг кўнглида ҳам андак шубҳа пайдо бўлди. Шу пайт секин эшик очилиб Тўйчиевнинг боши кўринди.

– Кечирасизлар, кеча кечқурун майор Соатов уйга бормабдилар. Эрталабдан бери ишда ҳам йўқ. Шунга хавотирланиб...

Арслонов сакраб жойидан турди. Бир зумда ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди. Аммо майор Темур Соатовдан дарак йўқ эди. Ўша куни майор Соатовни қидириув ишлари ярим кечагача давом этди. Нихоят, маълум бўлдики, у кеча тунги рейсда Жанубий Кореяга учуб кетган экан.

– Менга жиноятчи Камол Абдуллаевни олиб келинглар, – деди Арслонов асабийлашиб.

Қўллари кишанланган Абдуллаев Арслоновнинг ҳузурига келтирилди.

– Ҳамтоворинг чет элга қочиб кетибди. Энди ҳаммаси учун ўзинг жавоб беришингга тұғри келади, – деди Арслонов.

– Ким қочиб кетибди?

– Майор Темур Соатов жуфтакни ростлаб қолибди, – деди бир чеккада турған Шавкат. – Боя сизга нима дедим. Ҳаммага ўзининг жони шириң. Сиз билан нима иши бор.

– Мараз! – деди Камол тишеларини гичирлатиб.

– Қачондан бери ҳамкорлик қиласанлар? У ҳақда нималар биласан?

– Уни узоқ йиллардан бери биламан, – деди у деразага тикилиб. – Унинг лақаби Тайсон эди. У университетде сиртдан ўқиши баробарида күча-күйда, бозорларда "тирикчилик" қиласында. Ўқиши туттаптан йили шаҳардаги марказий бозорда бир болани пичоқладаб ўлдириб қўйгач, икки-уч йил Россияяга йўқолиб кетди.

Шавкатнинг вужудига титроқ кирди.

– Бу ўша! – Шавкатнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Зокир ака, ўша ўлдирилган бола менинг акам бўлган.

– Ҳаммасини аниқлаймиз, озгина сабр қилгин, – Арслонов яна жиноятчига бурилди. – Давом эт, кейин нима бўлди?

– Тайсон Россияядан анча-мунча "тажриба" орттириб, энг асосийси, фойдали бир "лойиҳа" билан келди. Шунга яраша унинг қўлида пули ҳам бор эди. У милицияга ишга кирди. Бу албатта ўзимизнинг муҳофазамиз учун эди, – деди Камол Абдуллаев тап тортмай.

– У қанақа "лойиҳа" эди?

– Биз ўёқдаги баъзи тўдаларга қора дори етказиб беришимиз керак эди.

– Қобил Тўраев ким эди?

– Асосий дилер Қобил эди. Мижозларни у топарди.

– Уни нега ўлдиридинглар? – Арслонов унга еб қўйгудай тикилди.

– Бу Тайсоннинг иши. Қобил гирром ўйин қилган.

Шавкат ортиқ чидай олмади. Шитоб билан хонадан чиқиб кетди. Унинг мушт бўлиб тугилган қўллари тинимсиз титрарди. Бир йил давомида акасининг қотили билан ёнма-ён ишлабди-я! Нега уни қўлдан чиқариб юборди? Нега унинг ён дафтарчасини кўрган заҳоти шубҳаланмади? Шавкат нуқул ўзини-ўзи койирди.

Дунёning ҳақиқати шу: қандай келган бўлсанг, шундай кетасан. Ҳали ҳеч кимни оту туяси ёки қимматбаҳо машинаси билан бирга кўмгани йўқ. Дунё ҳалқини пойига тиз чўктирган жаҳонгирилар ҳам алалоқибат эга бўлгани икки қадамгина қаро ердан бошқа нарса эмас. Бироқ инсон бу ҳақиқатни англармикан? Англайди. Аммо ҳар доимгидек кеч, жуда кеч англайди. Гишт қолипдан кўчгач, "ўйин"лар тутаган бир пайтда англайди. Унгача дунёning ортидан тили осилиб юргани-юргурган.

Дунё машҳурларидан бири Габриэль Гарсиа Маркеснинг "Ёлгизликнинг юз йили" деб номланган асарини билсангиз керак. Ана шу дурдона асарнинг моҳиятида бир фалсафа бор. Яъни, ёзувчи айтади: "Дунёда ҳамма нарса доира бўйлаб ҳаракат қиласди". Агар дикқат қиласангиз, одамият тақдирни ҳам ёзувчи айтанидек доира бўйлаб ҳаракатланадигандек. Бунга оталар ва болаларнинг қисмати айнан мисол бўла олади. Бугун ота бўлишни орзу қилаётган кишининг истаги, эртага ўғлига кўчади. Индин эса... доира бўйлаб ҳаракатланаётган инсон орзусининг поёни йўқ.

Автобус деразасидан олис-олисларга тикилиб кетаётган Шавкат дунёning ана шу ўйинлари ҳақида хаёл суриб борарди. Эсида, бир сафар адабиёт ўқитувчиси дарсда қизиқ бир ҳикоят айтиб берганди. Ўшанда бу ҳикоятнинг моҳиятини яхши англамаган экан.

Мана, сўнгги бир ҳафтадирки, ўша ҳикоятни бот-бот эсга оладиган бўлди.

...Эмишки, бир куни улуг Соҳиб икки хизматчисини чақириб, уларнинг ҳар бирига 24 тадан олтин берибди. Сўнгра айтибдики: "Сизлар энди узоқ бир йўлга чиқасизлар. Бошқа бир юртда дехқончилик қиласидиган еримга бориб, у ерда то Мен чақиргунимча меҳнат қиласизлар. Сизлар Мен берган мана бу 24 та олтинни йўл пулингизга ва дехқончилиқдаги эҳтиёжларингизга сарфлайсиз".

Икки хизматкор йўлга тушишибди. Иккаласи ҳам хурсанд! Улардан бири қўлидаги олтинни кўриб бошлари айланиб кетибди. Иккинчиси эса қўлидаги олтинларнинг Биронники эканини ўйлаб, уларни авайлаб сарф этишга қасд қилибди. Ана шу алфозда хизматкорлар йўл юрар экан, уларнинг биринчиси ярим йўлга етмай олтинларининг 23 тасини қиморга ютқазиб қўйибди. Шурлик хизматкорнинг биттагина олтини қолибди.

Дўсти унинг аҳволини кўриб, ачинганидан шундай насиҳат этибди:

— Дўстим, қара, ҳозир мен ҳеч қийналмай самолётга чипта сотиб оламану Соҳиб айттан далага бораман. Сен чи? Сен нафсингни хурсанд қиласман деб олтинларингни бой бердинг. Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Сен энди қўлингда қолган битта олtinga самолёт чиптасини сотиб ол. Акс ҳолда, бутунлай зарар кўрасан. Соҳибимиз буюрган вазифани ўз вақтида бажармаганинг ва ишончини 23 та олtinga қўшиб ютқазиб қўйтганинг учун сени жазолайди. Агар сен қилган хатойингни Ҳожамизга билдиранг, кечирим сўрасанг, у сени албатта кечиради. Қани, кел, қўлингда қолган олtinga қайтиб кетадиган чиптангни ол, қутуласан. Акс ҳолда, ҳалок бўласан!

Бу ибратли ҳикоя шу ерга келганда битади. Ўшанда Шавкат ўқитувчисига савол берди:

— Домла, олтиnlарини ютқазиб қўйган хизматкор дўстининг галига кириб чипта олганми- олмаганми?

Раҳматли Эргашев домла ҳам бало эди. Шавкатнинг саволига боплаб жавоб берганди.

— Билмадим, лекин умид қиласманки, у одам дўстининг галига киргандир. Чунки бу хизматкорларнинг Соҳиби фазли ва карами кенг Аллоҳ эди.

— Аллоҳ уларга 24 та олтин бергандими?

— Уларга берилган 24 та олтин — 24 соатимиздир. Бу ҳикоя бизга шу нарсани англатадики, инсон ганимат умрини беҳуда сарфламаслиги лозим. Умрнинг, вақтнинг қадрига еттан киши энг баҳтли "йўловчи"дир.

Шавкат ғамгин эди. Чунки унинг яраси тирналди. У акаси Шуҳратнинг қотилини топди. Ўн беш йил деганда қотилни топди. Интерполь қидирув хизмати саъӣ-ҳаракатлари билан ушлаб келинган Темур Соатовни Шавкат аэропортдаёқ сўроққа тута бошлади.

— Бундан ўн беш йил бурун бозорда бир болани ўлдиргансан, эсингдами? — деди Шавкат унинг ёқасидан гиппа бўғиб. — Ўша бола менинг акам эди! Менинг жигарим эди! Эшитяпсанми?

— ...

— Қасос учун сени энди мен ўлдираман? Нега жим турибсан?

— Ўлдириш қўлингдан келадими? — деди у кишининг гашини келтирадиган даражада хотиржамлик билан. — Қирқ йилдан ошди, кимдир мени ўлдиришини кутаман. Баҳтсизликни қарангки, ҳеч ким мени ўлдиrmайди.

— Ёмонга ўлим йўқ! Сен ҳам яхши бўлганингда эди, ўзингга ўшаган бирорта мараз аллақачон ўлдириб юборган бўларди.

— Йўқ, мен мараз эмас эдим. Мени ҳаётнинг ўзи мараз қилди.

Бир пайт у деворга пешонасини тираб йиглай

бошлади. Унинг йигидан елкалари силкиниб-силкиниб кетарди. Шавкат ҳам, унинг атрофида турган бошқалар ҳам, Тайсоннинг йиглаёттанини кўриб жимиб қолишиди.

— Мени ҳаётнинг ўзи мараз қилди, — Тайсон сўзларини яна такрорлади.

— Ҳаётта туҳмат қилма, сенда унинг қасди йўқ. Нима қилган бўлсанг, нафсинг учун қилгансан, — деди боядан бери чеккароқда кузатиб турган Зокир Арслонов. — Сен қўйнинг терисини ёпиниб юрган бўри экансан! Бахтга қарши биз буни вақтида билмадик.

— Майли, лекин сизларнинг бирортангиз менинг бир кунимни яшаб кўрганларингизда эди, айни пайтдаги нафрлатлингиздан улардингиз.

— Нима учун?

— Сизлар етимлик нима эканини билмайсизлар. Сизлар ҳеч қачон “бир мартағина отамнинг тиззасига чиқиб эркалансан экан”, деган ушалмас орзу билан яшаб кўрмагансизлар. Бу истак нима эканини тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Мен орзу қилиб ўгри бўлмадим. Айнан орзуларимга эришиш учун ўгри бўлдим. Ўқийман, одам бўламан деб ўгри бўлиб кетдим. Ота-онамнинг кимлигини, қаердалигини билмай, болалар уйида улгайдим.

Тайсон Шавкатга қаради. Унинг кўзларидаги самимият рост гапираёттанини айтиб турарди. Бу ҳолат унча-мунча кўнгли бўш одамни рўмолча олишга мажбур қилса-да, бироқ бунаقا жиноятчиларни кўравериб кўзи пишиб кеттан йигитлар қилт этмасди.

— Эҳтимол ростдан ҳам бозорда ўлган ўша бола сенинг акангдир, аммо мен буни атайин қилмаганман. Бу — кўркув ва тасодифнинг иши эди. Ишонмасликка ҳаққинг бор, лекин ўша воқеадан кейин бир ой ухлай олмаганман. Кечалари йиглаб чиқардим. Чунки мен ҳеч қачон одам ўлдираман деб ўйламаганман. Аммо бахтта қарши шундай бўлиб қолди.

Мен ортиқ бу ерларда қололмаслигимни билдім. Шундан кейин Россияга бош олиб кетдім. Бегона юртда менга кимнинг ҳам күзи учиб турғанда. Мен яна үгирлик қилишга мажбур бұлдым ва бу йұлда сұяги қотган "мужик"ларнинг құлиға тушиб қолдым.

— Елғон гапирайпсан, — деди Арслонов Тайсонга яқинлашиб. — Сенинг ичингда ибليس яшаяпты. Үзингни олижаноб қилиб күрсатма. Қобил Тұраевни нега үлдірдинг?

— Бу буюртма зди, — деди Тайсон. — Агар уни үлдірмаганимда үзим үлишим керак зди. Шунинг учун улар менинг құлимдан ушлаб туриб уни үлдіртириди.

— «Улар»инг ким?

Ұша куни Тайсон бутун кирдикорларини тұкиб солди. Айни жиноятта шерик бұлған олти нафар жиноятчи унинг күрсатмаси билан құлға олинди. Махсус жойларда сақланаёттан етти килограммга яқын гиёхвандлик моддалари құлға киритилиб, жиноий тұда устидан тергов жараёнлари бошлаб юборилди. Энг асосийси, шу пайттача жумбоқлигича қолиб келаёттан яна иккита жиноят сирлари очилди. Бу жиноятлар Темур Соатовнинг «жонбоз»лиги туфайли атайин очилмай келаёттан экан. Уларнинг бирида шахсан үзи иштирок эттани ҳам аниқланды.

Тұгри, бу ютуқдан күпчилік деярли қувона олмади. Чунки Темур Соатовни бир йил аввал ишга қабул қылған полковник Зокир Арслонов лавозимидан бұшатылды. Бу эса жамоа учун катта йұқотиш зди.

Шавкат узоқдан қадрдан қирлари күрина бошлагач, автобусдан тушишга ҳозирлик күра бошлади. Бу таниш манзаралар унинг хаёлидан нохуш үйларни сидириб ташлаган зди.

ҚИСМАТ ЧИГИРИГИ

Үлк-тирик ишни тузаттувчисен,
Тарқоқ коинотни кузаттувчисен.
Ёмон бўлсам ҳамки, Сенинг баңдангман,
Мен нима ҳам қилай? Яраттувчи — Сен.

Умар ХАЙЁМ

Бир замонлар Олақўйлиқ қишлоғига Самарқанди азимдан бир эшон келди. Эшоннинг ташрифи бежизга эмас, қишлоқда унинг муридлари кўп эди. Муридлар Эшон бобонинг кўнглини овладилар. Меҳмондорчиликнинг кети узилмади. Бироқ тинибтингчимас қишлоқ одамлари бу билан таскин топмадилар чеғи, қишлоқнинг энг сулув қизи бўлган Саодатни эшонга олиб бериш тараддудига тушиб қолиши. Боиси, Саодат болалигидаёқ Қамбариiddин эшонга назр қилинган эди. Қаранг-ки, бу воқеа кўпчиликнинг, ҳатто эшоннинг ҳам хотирасидан кўтарилган экан. Начора? Қарилкда. Аммо содик муридлардан бири бу тарихий воқеани ёдидан чиқармаган экан. Хуллас, муридлардан бир гурӯҳи Саодатнинг онаси — Майрам қушночнинг олдига бориши.

Ҳамқишлоқларининг ташрифи қушночни довдиратиб қўйди. Аёл яккаю ёлғиз фарзандини, ўн саккизга тўлган гўзал Саодатни ёши етмишга яқинлашиб қолган чолга беришни истамасди албатта. Лекин ким ҳам эшон бобонинг иродасига қарши чиқа оларди. Ахир ҳамма унинг норозилигига дучор булишдан қўрқади-ку! Бир муддатлик мунозарадан кейин Майрам қушноч тақдирга тан берди. Ҳамқишлоқлари тўй кунини белгилаб бўлгач

чиқиб кетиши. "Ҳаммаси эгамнинг иродаси, ўзича сўзланди қушноч. Аёл бошим билан менинг қўлимдан нима ҳам келарди? Бунинг устига бошида отаси ҳам йўқ?!"

Орадан бир ҳафта ўтиб Саодатни Қамбариiddin эшонга никоҳлаб бердилар. Олақўйлиқлик мулла Нормурод бу хайрли никоҳ зиёфати унинг уйида бўлиб ўтаётганидан оғзи қулогида эди. У елиб-югуриб хизмат қилар, барчага бирдек мулозаматда эди. Мулланинг қилиқларини кузатиб ўтирган бўз йигитлардан бирининг асаби қўзиди: "Мулла буванг ўзи уйланаётгандай хурсанд-а, Жалил?", дея ёнидаги шеригига юзланди.

Жалил ҳозир бўйинсасининг кинояли сўзларига муносиб жавоб қайтарадиган аҳволда эмасди. Ўчоқбошида чой қайнатиб ўтирган бу йигитнинг юзига аллақандай ҳоргинлик чўккан, нигоҳлари оловнинг қизгиш шўъаларига қадалган эди. Унга гап ташлаган Эргаш бир кўрпани тепишиб катта бўлган дўстининг қалбидаги синоатдан хабардор эди.

"Муҳаббат деганлари қалбинга кирмоқ учун сенинг ўзингдан изн сўраб ўтирмас экан. Йўқса Жалил Саодатнинг эшонга назр қилинганини била туриб қизга кўнгил қўярмиди? Ахир, ортиқча изтиробга не ҳожат. Бир кўйлаги иккита бўлмайдиган йигитга муҳаббатни ким қўйибди?" Ўз суюклисининг тўйида ўчоқбошидан жой олган бечора йигит қалбидан ана шундай ўйлар кечаётган эди. У чуқур хўрсиниб Эргаш томонга қаради. Бу сафар дўсти ҳам унинг юрагидаги алам ўтини кучайтиришни истамади чоги, сукут сақлади. Унинг қиёфасида аллақандай ҳамдардлик мужассам эди.

Тез орада ичкаридагилар тараффудланиб қолиши. Демак, никоҳ ўқиладиган фурсат яқинлашди. Бир гуруҳ аёллар қуршовидаги паранжига ўранган Саодат Қамбариiddin эшон ва унинг суюкли муридлари ўтирган

катта уй эшигига яқинлашди. Аёллар эшиқдан ташқарида қолдилар. Ичкарига фақат Саодат ва уни етаклаб олган кампиргина киришди. Никоҳ маросими бошланди.

Тақдирнинг аламли ўйинини қаранг: никоҳ ўқилаёттан уй ўчоқбошининг рўпарасида эди. Уй ичидаги ўнлаб кофурий шамлар бу ғамгин томошани Жалилга ҳам аниқ-тиниқ кўрсатаётган эди. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

Ниҳоят келин-куёвнинг никоҳга розиликлари сўради. Оппоқ кийимдаги Эшон “розиман” деди илк сўровдаёқ. Унинг ёнидаги муридларнинг юзида шодонлик зохир эди. Бироқ Саодатдан жавоб олиш бироз қийин бўлди. Мулла бир неча бор “Жўрабек қизи Саодат, сиз бу никоҳга розимисиз?” деб сўради. Савол бешинчими, олтинчи марта қайтарилганда Саодатнинг ёнидаги кампир ҳеч кимга билдиrmай паранжи остидан қизнинг биқинини ўхшатиб чимчилаб олди. Қиз бир чўчиб тушди. Кампир чимчилаш билан кифояланмади шекилли, чўккалаб ўтирган Саодатнинг қулогига эгилиб, шивирлаганча алланарсаларни уқтириди. Қиз кампирнинг гапларига жавобан секин бош иргиб қўйди, чамаси, у йигларди... Ниҳоят паранжи остидан заифанинг ризоликдан кўра, зорланишни эслатувчи овози эшитилди: “Розиман”. Боядан бери тикан устида ўтиргандек бесаранжом бўлиб қолган муридлар енгил тин олдилар. Ҳарқалай... Келиннинг маҳрига тушган нарсаларни санай бошладилар. Аммо кейинги сўзлар Жалилнинг қулогига кирмади. Йигитнинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмас, кўзлари оловнинг қизғиш шўълаларидан бўлак нарсани кўрмасди. Жалилнинг ёнидаги Эргаш қўлидаги ўтин парчасига маъносиз термулиб ўтирган дўстининг юзига оқиб тушаётган ёшларни аниқ кўрди. Кўрди-ю, юрак-багри эзилди. Дўстининг ғамини сокин кузатиб ўтиргани учун ўзини

ҳам ёмон кўриб кетди. Ахир куёв Қамбариiddин эшон эмас, бошқа бирор бўлганида, керак бўлса, Саодатни Жалил учун ўғирлаб кетарди. Бироқ бошқалар каби Эргаш ҳам Қамбариiddин эшоннинг қарғишини олишдан кўрқади. Катта уй ичидағи никоҳ маросими ва қутловлар тугади чоги, уй эгаси ташқарига чиқди. Ўчақбошига яқинлашиб деди:

— Чойни тезлаштириб юборинглар-ей, йигитлар. Ичкаридагилар чой сўрашяпти. Қайноқ-қайноқ чой ташиб Эшон бободан дуо олинглар. Зора сизларга ҳам яхши жойлардан ато қилса?

Мулла Нормурод ҳазилини тугатолмади — Қамбариiddин эшон тоза ҳавога чиққан эди. Тавозеъ билан унга яқинлашган мезбон қуллуқ қилган алфозда қўлларини кўксига қўйди:

— Қушингиз қуллуқ бўлсин, эшоним...

Оппоқ кийинган, салобатли Қамбариiddин эшон унга жавобин бош иргиди:

— Қуллуқ...

Эшонга нафратомуз термулиб ўтирган Эргаш Жалилнинг тўйхонадан чиқиб кетганини сезмай қолди.

Орадан кўп ўтмай Жалилнинг овозаси Олақўйлиқ томонларга тез-тез эшитилиб турадиган, Зиё қўрбошининг тудасига бориб қўшилгани ҳақида гап-сўзлар тарқади. Одамлар қобилгина йигитдан шундай “ҳунар” чиққани ҳақида куйиниб гапиришарди. Умуман олганда, қашшоқ бир йигитнинг қўрбоши йигитларига қўшилиб гойиб бўлганидан унинг кампир онаси билан дўсти Эргашгина ташвишланаётган эдилар...

Бу орада Қамбариiddин эшоннинг содик муридлари унга қишлоқнинг энг яхши еридан янги бир уй солдириб беришган, у ёшгина хотини ва хизматкорлари билан

шу уйда яшарди. Саодатнинг юкли экани ҳақидаги мишишлар Эргашнинг ҳам қулогига чалинди. У ҳар сафар Саодат билан бөглиқ янгилик эшитганида қарийиб бир йилдан бүён дом-дараксиз кетган Жалилни үйларди.

Саврнинг илиқ кунларидан бирида Саодатнинг кўзи ёриди. У қиз кўрди. Ёши етмишни қаршилаган Қамбариiddин эшон фарзанд кўргани шодиёнасига элга ош тарқатди. Қизига эса эшонлару-саййидлар авлодиданлигини эслатиб турсин учун Саида деб исм қўйди. Бироқ Қамбариiddин эшоннинг Олақўйлиқдаги осуда ҳаёти бир йилга бормади. Тез орада унинг Самарқанддаги хотинлари эшонга киши жўнатдилар. Қамбариiddин эшон хизматкорларию содик муридлари етовида Самарқандга қайтмоқ тадоригини кўрар экан, ёшгина хотини билан Саидани нима қилишни билмасди. Саодатни Самарқандга олиб кетса, воқеадан тамомила бехабар катта хотинларининг ғазаб отига минишлари аниқ. Улардан ҳар нимани кутса бўлади. Бу жоҳил хотинлар Саодатнинг ёшгина жонига қасд қилишдан ҳам тойишмайди. Қамбариiddин эшон ўз ҳаётида илк бор иложсиз қолди. Йўл олдидан энди кичик чиласи чиққан Саидани қўлига олди. Сут ҳиди анқиб турган қизини бағрига босиб дуо қилди: "Униб-ўсгин, қизгинам, улгайгин. Сени Яратганинг паноҳига топширдим".

Кейин эса чақалоқни Саодатнинг қўлига берди ва унга деди:

— Сени ҳамқишлоқларингга омонат қилиб қолдирман. Менинг ишончли муридларим сендан ҳар доим хабардор бўлиб туришади. Қулай фурсат топилди дегунча, Самарқанддан сени олиб кетиш учун одам юбораман.

Шу тариқа Қамбариiddин эшон Самарқандга жўнади. Саодат унинг одам жўнатишини кутиб яшай бошлади. Гарчи мажбурият юзасидан эшонга теккан бўлса ҳам, у

ўз ҳаётига кўнишиб улгурганди. Ҳар не бўлганда ҳам мурғак Сайданинг отаси ёнида бўлишини истарди. Бироқ кўп ўтмай Самарқандга савдо иши билан борган ҳамқишлоқлари Саодатга хунук хабар келтиришди:

— Биз шаҳарга киролмадик. Самарқандда ўлат тарқалибди. Жуда кўп одамлар қирилиб кетаётган экан. Эшишишимизга қараганда, эшонимиз ҳам ўлат туфайли вафот этмишлар. Энди бардам бўласан, Саодат.

Дарҳақиқат, ўлим ҳақ, унга чора йўқ. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор. “Буёгига қандай яшайман” дея фарёд қилган одам ҳам тез орада ўз тақдирига кўникади — сокин яшай бошлайди. Бир йил ичида Саодатнинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетди. Қисқагина фурсат ичида ўн саккиз йиллик орзу-умидларини унутиб эшонга турмушга чиқишига, фарзанд кўришга ва ҳатто бева бўлиб қолишига ҳам улгурди. Вақтни “олий ҳакам” деганлари маъноси шудир балки? Ўн саккиз ёшли жувон ўзининг бевалиги ҳақида ўйлар экан, аччиқ-аччиқ куларди.

Қамбариiddин эшоннинг ўлими ҳақидаги гап-сўзлардан кейин қишлоқнинг бир вақтлар Саодатни кўз остига олиб юрган ёки унинг ҳусндорлигини эшитган йигитлари гимиirlаб қолишиди. Улардан баъзилари жувондан янги никоҳга розилик олиш умидида ўртага одам қўйдилар. Ботирроқлари эса “шариат ишига шарм йўқ” қабилида ошкора совчи жўнатишар эди. Бироқ совчиларнинг ҳаммаси “совути синиб, қалқони тешилиб” қайтарди. Саодат ҳаммага бирдай рад жавоби берарди. Ўз аҳдидан қайтишни истамайдиган йигитлардан баъзилари Саодатни ўтиргаб кетиб бўлса ҳам унга эришишига онт ичганлар ҳақида одамлардан эшитган Майрам қушноч хавотирга тушди. Ими-жимида Саодатни уйига кўчириб келди. Бироқ қушночнинг уйи қишлоқ чеккасида, овлоқроқ жойда бўлгани учун она-

бала бу ерда ҳам хотиржам яшай олмасди. Буни яхши билган қүшноч таниш-билишларини ишга солиб учта баҳайбат ит топди. Тогдаги чўпонлардан сотиб олинган бу итларнинг ҳайбатини кўрган одамни қўркув босарди. Майрам қүшноч уларни кундузлари ҳовлисини ўраб турган девор тагига bogлаб қўяр, тунлари эса итларни бўшатиб қўярди. Майрам қүшночнинг итлари ҳақида эшигтан одамлар бу уйга ёмон ният билан яқинлашмасликларига жуда қаттиқ ишонарди.

Болалиги ўттан уйга, қадрдан ҳовлисига қайтиб келган Саодат қайғуларини бироз унугандай бўлди. У кундузлари ҳовли юмушлари ва чақалоги билан овунар, тунлари эса чироқ ёргуида алламаҳалгача кашта тикиб ўтиради.

Саодатнинг отаси жуда эрта ўлиб кетганди. Бояқиши ўз отасининг юзини ҳам яхши эслай олмайди. Отасининг исминию, уста дурадгорлиги билан чор қишлоқ одамларининг мақтовларига сазовор бўлганини билади, холос.

Онаси, Майрам қүшноч эса ҳеч қачон Саодат билан очилиб гаплашган эмас. Ҳаётнинг қақшатқич зарбалари ва муттасил жудоликлари бу аёлнинг дийдасини тошга айлантириб қўйгандек эди. У меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам осонликча ошкор этмас, мудом бирдек сокин тутарди ўзини. Шунинг учун қизи Саодат ҳам ундан бироз ҳайиқарди.

Саодат сал эсини таниб қолган пайтларда онаси оғир дардга чалинди. У бир кунда сўзу ҳаракатдан қолиб тўшакка михланди. Уйда эркаги бўлмагани туфайли унга ичи ачийдиган қариндош-уруглари имкониятлари етгунча Майрамни табибга қаратишиди. Бироқ фойдаси бўлмади. Охири қариндошларидан бири хилват тог қишлоқларидан бирида кўзи ожиз фолбин кампир борлиги ҳақида гап топиб келди. Не машаққатлар билан

фолбинни Майрамнинг уйига олиб келишди. Сўқир фолбин негадир Майрам ётган уйга кирмади. Остонада турибоқ ром очди:

—Сенинг авлодингда шол бўлиб қолганларни ҳам юргизган, сўқир кўзларни очган катта бир қушноч ўттан. Ўша аёл сенга буви бўлади. Унинг қўли ерда қолибди. Сен унга эгалик қилиб, катта бувингнинг ишларини давом эттиришинг керак. Бу вазифани бўйнингга олсанг, тузалиб кетасан...

Худодан бўлдими ёки фолбиннинг сўзларида ҳам жон бормиди, ҳарқалай орадан бир ҳафта ўтиб Майрам қайтадан оёққа турди. Лекин у олдинги Майрамга ўхшамасди. Унинг кўзларида алланечук қатъият порлаб турарди. Секин-аста одамларни даволай бошлади, ҳамқишлоқларига кинна солишни одат қилди, тогдан келтирилган гулу гиёҳлардан дори тайёрлашнинг ҳадисини олди. Аёл шу тариқа оддий Майрамдан “Майрам қушноч”га айланди. Сўқир фолбиннинг башорати Майрамнинг оёққа туришига сабаб бўлиб қолмасдан, унинг тирикчилигига ҳам оро кирди. Энди Майрам ўзи даволаган одамлар берган хизмат ҳақи эвазига қизи Саодат билан яхшигина рўзгор тебратা бошлади. Тез орада рўзгорини бутлаб, унча-мунча пул ҳам жамғарив қўйди. Уйининг атрофини баланд пахса девор билан ўраттирди. Бироқ анча-мунча одамларни даволаган Майрам қушноч кўнгил дардига малҳам тополмади. Зотан, бу унинг имкониятидан ташқарида эди. Ҳар сафар Саодатга, унинг чақалоқлигига даёқ отасидан айрилган қизига маҳзун термулиб ўтиришига боқар экан, юраги эзилиб кетарди. Бироқ аёл йиглай олмайди. Биладики, у ҳам йигласа, Саодатнинг йифиси ўн чандон кучаяди. Шунинг учун Майрам қушноч ўзини бардам ва бағри тош қилиб кўрсатади. Баъзида юмушлари билан овора бўлиб юргар экан, ўзича сўзланиб қўяди:

Совуқ қиши тунларидан бири Эргаш ётган уйнинг деразасини кимдир тақиллатиб қолди. Аввалига муздай уйда бўйнигача кўрпага кириб ётган йигитнинг юрагига гулгула тушди. У ўрнидан сакраб турди. “Ёмон ниятда келган бўлса-чи?”. Лекин лаҳза ўтмай у хаёлларини ўнглаб олди. “Ахир уйимизда ўгрининг пичогига илинадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку?” Ўз фикридан завқланган ва бироз дадилланган йигит дераза ёнига бориб овоз берди:

– Ким у?

Ташқаридан эркак кишининг пичирлаб айтилган жавоби эшитилади:

– Бу мен, Жалилман. Эргаш, дарчани оч...

Бир ярим йилдан буён бедарак кетган дўстининг овозини эшитган Эргашнинг юраги ҳаприқиб кетди. Ютургилаб бориб ҳовли четидаги дарчанинг занжирини тортди. У қалтироқ қўллари билан болалиқдан бирга ўстан қадрдан дўстини бағрига босар экан, қучогидаги одам чиндан ҳам Жалил эканига ишонгиси келмасди.

Бирга уйга киришгач, Жалил билан бетма-бет ўтирган Эргаш чироқ ёргутида дўстининг юзига разм солди. Жалилнинг соч-соқоли бироз ўсинқираган, ранги ҳам хийла қорайибди. Аммо кўзлари одамга олдингидек мулоим боқмайди, юз ифодаларида эса аввалги бечоралиқдан асар ҳам йўқ. Аксинча нигоҳларида қатъият ва дадиллик зоҳир эди. Сукутни Эргаш бузди:

– Нима ишлар қилиб юрибсан ошна? Кампир энангни куйдириб адо қилдинг-ку. Уйларингта борищдан безиллаб қолганман. Нуқул мени қучоқлаб йиглаганлари-йиглаган.

– Энамни кўриб келаяпман. Менинг тирик эканимни кўргач, юпаниб қолдилар. Жамғарив юрган пулим бор

эди. "Тирикчиликка ишлатасиз" деб берсам, "бировларни талаб олган пулинг менга керак эмас" дедилар. Шундай бўлса ҳам ёстиқларининг тагига қўйиб келдим. Эргаш, мен сен билан энам ҳақида сўзлашиш учунгина келганим йўқ. Менинг бошқа бир ниятим бор. Мен Саодатта уйланиш учун келдим. Қамбариiddin эшоннинг ўлганидан хабарим бор. Энди унинг боши очиқ. Мен унга уйланиб, боласига оталик қилмоқчиман...

Эргашнинг жини қўзиidi:

— Менга қара, сен эсингни еб қўйибсан! Сенга ит тегмаган қизлар қуриб қолганми? Қамбариiddin эшондан қолган хотинга уйланмасанг бўлмайдими? Бу биринчидан. Майрам қушноч сенинг Зиё қўрбоши тўдасига бориб қўшилганингни яхши билади. Бир марта оғзи куйган. Қизини ўлиб қолса ҳам тогма-тог дайди юрган, эрта-индин бир дайди ўққа униши муқаррар бўлган сендай одамга бермайди. Бу – иккинчидан.

Эргаш "Жалил менинг гапларимни эшиттгач тутақиб кетади", деб ўйлаган эди. Лекин Жалил сукути билан ошнасини ҳайратга солаётганди. Ниҳоят ерга қараб ўтирган Жалил бошини кўтарди. Унинг кўзлари ёшга тўлган, бир киприк қоқса кўзларидан томчилар сизиб чиқадигандек эди. Эргаш ҳув ўша, Саодат Қамбариiddin эшонга никоҳланган кундаги, ўчоқбошидаги манзарани хотирлади. Ўшанда ҳам Жалил мана шундай, ёш тўла кўзлари билан қараб турарди. Бу дунёда кўнгилни йигит йигисидан ҳам ёмонроқ эзадиган нарсанинг ўзи бўлмаса керак... Бир зумда Жалилнинг кўзларидағи қатъият гариблик билан ўрин алмашди. У кўзларини бир нуқтага қадаб, ўзича сўзларди:

— Сенинг гапларинг ҳар доимгиdek маънили, ошна. Биласанми, мен аслида Саодатни унугиши учун қишлоқдан бош олиб кетдим. Шу ниятда Зиё тўдасига бориб қўшилдим. Тогма-тог юришлару мудом таҳликали ҳаёт

юрагимдаги аламни, муҳаббатни сұндиради деб үйловдим. Лекин Саодатни унуголмадим. Ҳар кун Саодатдан хаёлан воз кечиб үйқуга кетар, бироқ тонг отганида унинг хаёлисиз менга ҳаёт йўқлиги ҳақида үй билан уйгонардим. Саодат бева бўлиб қолгани ҳақида эшитганимда очиги қувониб кетдим. Қалбимда унга етишмоқ илинжи пайдо бўлди. Бир замонлар энам Лайлию Мажнунлардан ҳикоя қилгувчи эди. Мен ўша Мажнунга ўхшайман, ошна...

Эргаш унинг гапларини эшитаркан, ошнасининг шунчалик таъсири ва чиройли сўзлаёттанидан ҳайратда эди. "Муҳаббат деганлари одамни шоир ҳам қилиб қўяр экан-да" үйлади у. Ҳар не бўлганда ҳам унинг ошнасига юраги ачишди. Гарчи Майрам қушночнинг Саодатни Жалилга беришига кўзи етмаса ҳам дўстининг қистови билан кампир энасини қушночнинг эшигига жўнатди. Бирор соат ўтгач энаси тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди. Кампир супа четига омонатгина ўтирад экан, тўнгиллаб қўйди:

— Аввалига эл қатори қутиб олди. Одимга дастурхон солди. Лекин Жалилдан совчи бўлиб борганимни эшитиб тутақиб кетди. Мени олдига солиб қувди қушноч. "Бир марта куйган қизимни қайта куйдирмайман", деб бақирди. Яхшиям, Саодат уйида йўқ экан.

Шу куни тун ярмида қушночнинг жавобини билиш учун келган Жалил ҳам воқеадан хабар топди. Эргаш ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бераркан, "шу Саодатни қўяқол, ошна" деб қўярди. Жалил "бунинг иложи йўқ" деган маънода бошини қимирлатди:

— Бўлмайди, ошна. Саодатта етмасам, бу дунёдан кўзим очиқ кетади. Қушноч энди ўзидан кўрсинг...

Жалил энди Саодатни олиб қочиб кетиш учун пайт

пойлай бошлади. Тұдадаги икки йигит Майрам қүшночнинг уйи атрофида туну күн изгиб юришарди. Уйга келиб-кеттүвчилар, қүшночнинг ҳовлидан ҳар бир чиқиши уларнинг нигоҳидан четда қолмасди. Ниҳоят интиқ кутилган, қулай фурсат келди. Үша куни асрдан кейин құшни қишлоқлик Нормат чавандоз қүшночнинг дарвозаси олдига илдам яқынлашиб, дарвозани зарб билан тақиллатди. Унинг "хозир" деган овоздан кейин ҳам дарвозани қоқиши жуда шошиб турганидан дарап берарди. Дараҳт панасида турған йигитлар чавандознинг баланд овозда айтган сұзларини аниқ-тиниқ әшитиши:

– Холам оғирлашиб қолдилар, опа. Сизни келсин деяптилар. Бормасанғиз бўлмайди.

Қүшноч бир муддат иккиланиб қолди. Борайин деса, Саодат ёлгиз қолади. Бормайин деса, Нормат чавандознинг холаси унинг болалиқдаги дугонаси. Тақдир измига бўйсунган қүшноч боришга қарор қилди. Бошига паранжисини ташлар экан, дарвозани ёпиб, Саодатга тайинлади:

– Дарвозани ичкаридан тамбалаб қўй, қизим. Мен кечга қолиб кетсам, қоронги тушгач, итларни занжирдан бўшатиб қўйиш ёдингдан чиқмасин...

Майрам қүшноч Нормат чавандоз ортидан құшни қишлоққа йўл солар экан, Жалилнинг тұдадошлари Саодатни олиб қочиш учун бугундан қулайроқ күн тополмасликларини тушуниб етишиди. Тез орада Жалил ҳам вазиятдан хабардор қилинди. Лекин у суюклисини ўғирлашга негадир ботинолмасди. Унинг қиёфасини кўриб, йигитлардан бирининг ори келди:

– Қанча вақтдан бери сен учун Саодатнинг ҳовлисини итдек пойладик. Ниятимиз сени суйганингга етказиш эди. Сен бўлсанг айни қулай вақт келганида мулла минган эшакдай лаллайиб ўтирибсан...

– Хўш, ботирларим, нега масала талашяпсизлар?

Орқадан қўрбошининг салобатли овозини эшитган йигитлар жимиб қолиши. Лекин энди сукунатдан фойда йўқ эди. Зиё қўрбоши ҳаммасини эшитиб бўлди. Воқеани қисқагина баён қилиб беришгач, қўрбоши йигитларга деди:

— Жалил тўдага келиб қўшилгандаёқ, унинг юрагида алам борлигини сезган эдим. Аммо бу аламнинг сабаби муҳаббат экани ҳаёлимга келмаган экан. Мен бу ҳиснинг нима эканини яхши биламан. Сизлар Жалилга ёрдам беришингиз керак. Демак, келинни олиб қочишга Ботир, Шерали, И smoилбек ва Ўрол боришиди.

Қўрбоши санаб ўтганлар тўдадаги энг абжир йигитлардан эди. Майрам қушночнинг ҳовлисини обдон кузаттан Ботир билан Шерали қўрбошига:

— Саодатни олиб қочиш қийин эмас. Фақат бир мушкулот бор. У ҳам бўлса қушночнинг ҳовлисидағи итлар. Ҳозир улар бўшатилган. Бу итлар ҳовлига ўгринча кирган одамни гажиб ташлашдан ҳам тойишмайди, — дейишиди.

Йиллар силсиласида ҳаётдан кўп бор тарсаки еган ва жуда кўп ҳийлаларни ўргангандан Зиё қўрбоши йигитларга итларни қандай даф қилишни тушунтириди.

Кўп ўтмай йигитлар йўлга тушдилар. Ботир деганлари Жалилга ҳазиллашиди:

— Бизни интиқ кут, ошна. Насиб қилса, Саодатнинг олиб қайтурмиз.

Йигитлар отлари томон юришаркан, Жалилнинг “шошманглар” деган овози эшитилди. У чодир эшиги олдида турарди.

Саодатнинг чақалоги ҳам бор. Уни қолдириб келманглар, илтимос...

— Намунча ўйланмасанг, йигит, — Зиё қўрбоши Жалилнинг елкасига қоқиб қўйди. — Севгилингнинг бир тола сочига ҳам шикаст етмайди.

...Тұрт отлиқ Майрам қүшнөч яшайдиган ҳовлиға яқынлашғанларида тун яримлаб қолғанди. Саодат ҳали ҳам ухламасдан онасини кутиб үтирибди шекилли, у ётадиган уй деразасидан чироқнинг хийлагина баландлатиб қўйилгани кўзга ташланарди. Кашта тикиб үтирган жувон тўсатдан чўчиб тушди. Қулоғига итлардан бирининг ғингшиганга ўхшашиб униши эшитилиб кеттандек бўлди. Хаёлан ўзини ёзгирди: "Қўрқянга қўша кўринади", деганлари шу бўлса керак. Зум ўтмай итнинг ғалати овозда ангиллаши қайтарилгандек бўлди. Жувон тикиб үтирган каштасини ерга ташлаб ўрнидан турди. Худди шу пайтда уй эшиги тарақлаб очилди ва остоңада иккита бақувват йигит пайдо бўлди. Жувон шунчалик қўрқиб кетдики, дод солиш ўёқда турсин, овози чиқмай қолди. Йигитлардан бири чаққонлик билан Саодатнинг бошига қоп кийгизди.

Ботир билан Шерали Саодатни шошилганларича отга ўнгараётганларида Исмоилбек ичкаридан қалин жун рўмолга ўралган чақалоқни олиб чиқди. Уччовлон ҳовлидан чиқишиди. Кўчада пойлоқчилик қилиб турган Ўрол тўдадошларига эргашди.

...Нормат полвоннинг холасини кўриш учун кетган Майрам қүшнөч негадир борган жойида хотиржам үтира олмади. Юраги ўз-ўзидан ҳаприқиб кетаверди. Негаки, Саодат уйга қайттандан бери намозшомдан кейин уни бирор марта уйда ёлғиз қолдирмаган зди. Бир хуроз сўйдириб беморни қонлади, гиёҳлардан тайёрланган дорини ичирди. Бирор соатлардан кейин беморнинг иситмаси тушиб кўзини очди. Қүшнөч эса шошилганича уйта қайтишга тараддулланди. Уй эгаларининг назрни ёзларию унинг учун солинган дастурхонга ҳам аҳамият бермай, паранжисини бошига илди. Майрам қүшнөч ўз ҳовлисига етиб келганида вақт алламаҳал бўлганди.

Дарвоза олдига келган аёл ой ёруғида от изларини аниқ күрди. “Бемаңалда мени излаб келган отлиқлар кимлар экан. Ёки...?” У хаёлига келган құрқынчли ўйдан титраб кетди. Дарвозани очар экан, йигламсираган овозда: “Саодат” деб бақирди.

Қушночнинг чорлови жавобсиз қолди. Уйда Саодат ҳам, эндигина етти ойлик бұлған жажжи Саида ҳам йўқ эди. Саодатнинг хонаси бўсағасида шалвираб туриб қолган Майрам қушноч тўсатдан итларини эслади. Бу ер юткурлар қаерда қолди экан? Наҳотки Саодат билан Сайдани олиб қочган отлиқлар итларни ҳам олиб кетишиган бўлишса!?

Қушноч довдираган кўйи ҳовли атрофида айланиб итларини излай бошлади. Овоз бериб итларини чақирди: “Бўйноқ, Зийрак, Олапар, баҳ, баҳ...”

Итлардан бирори эгасининг овозини таниб, гингшиганича жавоб қайтарди. Бу овоз зорланишга ўхшаб кетарди. Овоз эштилган томонга юрган Майрам қушноч ҳовли орқасидаги ариқ четида узала тушиб ётган Бўйноқни күрди. Ит дир-дир қалтирас, оғзини ҳам очолмасдан беўхшов тарзда гингшиб қўярди. Бу балога йўлиққур нега оғзини очолмаяпти? Қушноч итнинг боши узра эгили. Бўйноқнинг тишлари орасида қандайдир оқ нарсалар кўринар, худди оғзига сақич тўлдирилганга ўхшарди. Майрам қушноч бақувватлиқда эркақдан қолишимайдиган қўллари билан итнинг жагини йириб, оғзидағи нарсаларни чиқарип олди. Ит бир нимадан қутулгандек дуч келган томонга югуриб кетди. Қўлидаги нарсага ҳайрат билан тикилиб ўтирган қушноч қўзларига ишонмасди. “Ярамаслар, итларга соч аралаштирилган хамир беришибди. Демак, жаги бир-бирига ёпишиб қолган итлар босқынчиларга тўсқынлик қилиши у ёқда турсин, ҳуролмай ҳам қолишган”.

Бўйноқдан нарироқда ётган Зийрак билан Олапар

ҳам шу аҳволда эдилар. “Мени дөгда қолдириб кетиши! Гафлатда қолдим. Ўша ёқса боришга бежиз оёғим тортмаган экан”. Аламли ўйлардан юраги эзилган қушноч соchlарини юларди. “Саодатни ким ўтирали мумкин?”

Майрам қушноч ўзининг саволига ўзи жавоб излай бошлади. Қизи уйга қайтиб келганидан кейин унга кимлар совчи қўйганини бирма-бир эслади. Лекин бу одамларнинг бирортаси юрак ютиб Саодатни ўтирали журъат қила олмасди. “Хўш, унда ким? Ким унинг уйини куйдирди? Ким уни хонумонидан айирди?”

Шуурига илкис келган фикрдан Майрам қушночнинг миясида яшин чақнагандек бўлди: “Шубҳасиз бу Жалилнинг иши. Ундан бошқа ҳеч ким тунда кимсан Майрам қушноч яшайдиган ҳовлига бостириб кира олмайди”. Ўшанда қушноч Саодатта Жалилдан совчи бўлиб борган Эргашнинг онасини ҳовлидан қувиб солар экан, аёл кета-кета “Жалил яхшиликча рози бўлсинлар деяпти” деб бақирганди. Ўшанда газаб устида турган қушноч бу гапга аҳамият бермаган экан. Мана энди пушаймонлик ўтида қоврилаяпти...

Бироқ энди фойдаси йўқ. Дод-вой қилса, ҳамқишлоқларига Саодатнинг ўтиранганини хабар қилса – шарманда бўлади. Номус – ўлимдан қаттиқ. Ўша Эргаш деганлари ярамас Жалилнинг қай гўрда юрганини яхши билса керак. Кичиклигида ҳам иккови кўзу қошдай бирга юрарди. Вақтни ўтказмасдан Эргашнинг олдига бориш керак.

...Тонг гира-ширасида дарвоза олдида Майрам қушноч турганини кўриб Эргашнинг эсхонаси чиқиб кетди. Жалил ахийри ўз билганидан қолмабди-да, деб ўйлади. Қушноч ҳозир уни юмма таласа керак. Лекин тақдирнинг яна бир кутимаган зарбасидан караҳт бўлиб қолган қушноч ҳеч нарса демасдан, бўшашибгина ҳовлига кирди:

- Нега келганимни биласан-а?, – Қушноч Эргашнинг кўзларига тикилди.
- Билмадим.
- Жалил қизим билан набирамни ўгирилаб кетибди. Мени ошнангнинг олдига олиб борасан?

Бу сафар қушночнинг овози хийлагина баланд чиқди.

Эргаш Зиё қўрбошининг тўдаси яшаб турган манзилни тахминан биларди. Жалил охирги марта келганида “ҳозир Қоплондарадамиз. Қишлоғни ўша ерда ўтказсак керак”, деганди. Эргашнинг ёлғиз қизини, етим набирасини ўгирилатиб каловланиб қолган қушночга раҳми келди. Шундан у ўйлаб ҳам ўтирумай, қари биясини миниб қушночни орқасига мингаштириб олди. Улар Қоплондара томон йўл соддилар.

Қари бия бир-бир босиб юриб бормоқда эди. Улар йўл юрганлари сайин яккам-дуккам ўсган арчалар сийрак дарахтзорларга туташиб борарди. Олисдан, қуюқ туман орасидан қалин ўсган арчалар алланечук сирли ва ваҳимали бўлиб кўринарди. Эргаш телпагини кўтариб, ўша қалин арчазор томонга боқаркан, “чұҳ” дея отига қамчи урди – Қоплондара арчазор ортида эди...

Ниҳоят улар қуюқ арчазорга яқинлашдилар. “Манзилимизга етиб қолдик” деб қўйди Эргаш эгарда жимгина ўтирган қушночга қараб. Шу пайт кутилмаганда баланд шоҳларини яшин урган арча ортидан елкасига миљтиқ осган икки эркак чиқиб келишди ва от олдини тўсишди:

- Қаёқقا?

Майрам қушноч-ку майли, йигит киши бўлатуриб Эргашнинг ҳам капалаги учуб кетди.

– Биз Жалилнинг олдига келяпмиз, – деди Эргаш овози қалтираб.

– Шу ерда тўхта. Бу ёқقا юриш мумкин эмас. Жалилни излаб юрган бўлсанг унинг ўзини чақираман.

Улардан бири шеригини қолдириб ўзи арчазор оралаб кетди. Орадан пича вақт ўтиб, нималарни дир пичирлашганча бирин-кетин **Жалил** билан қайтиб келди.

– Булар менинг одамларим, – деди **Жалил** Эргашдан күзини узмай. – Ўтказиб юборавер.

Милтиқли киши эътиroz билдири:

– Бегона одамнинг манзилимизга бориши мумкин эмас-ку!

– Ўтказиб юборавер деяпман сенга, – деди **Жалил** овозини баландлатиб. – Бекка ўзим жавобини бераман. Хотиржам бўл!

Жалил Эргаш билан паранжи ёпинган Майрам қушночни эргаштириб сойлиқдаги чодирлар томон юрди. Йўл-йўлакай: "Хув анави, катта тош олдига тикилган чодир менга қарашли", – деб қўйди.

Улар чодирга кирганида Саодат ҳозиргина эмизган чақалогини бағрига босиб ўтиради. Майрам қушноч паранжисини бир чеккага ташлаб қизига отилди.

– Саодат...

Она билан қиз бир муддат қучоқлашиб турдилар. Ниҳоят, Майрам қушноч Саодатнинг қўлидан туттанича ерга ўтиреди. Сунгра чодир эшигида қаққайиб турган Эргашга юзланди:

– Сенга бир ўтинч билан келдим, – деди nochор кишининг овозида. – Саодат билан боласини менга қайтариб бер. Ёпиглиқ қозон ёпиглигича қолсин. Эвазига шу пайтгача йиққан бойлигимнинг ҳаммасини ол.

Қушноч қалтираган қўллари билан қора баҳмалдан тикилган нимчаси остидан чоғроққина тугунчани чиқариб, шошиб тугунчани ечди. Шу пайт чодир ичидаги шам шуъласида тилла буюмлар ярақлаб кетди.

– Мана шуларнинг ҳаммасини ол! Буларни бир пайтлар Обикандалик заргар ёлгиз набирасини тузатиб берганим учун берган эди. Мен эса қизимни

қайтаришинг учун уларни сенга бераман.

Эргаш олтинларни кўриб шошиб қолди. "Қушночнинг ҳовлисида учталаб ит асраши бежиз эмас экан-да", деб ўлади. Кейин савол назари билан Жалилга қаради. Жалил олтинларга маъносиз тикилиб турар, чамаси унга бу бойликнинг кераги йўқ эди. Ниҳоят, йигит тилга кирди:

- Мен Саодатни бундай арzonга сотолмайман.
- Менга қара, ўглим, – деди қушноч ялинчоқ овозда.
- Менинг шу қизимдан бўлак зурриёдим йўқлигини биласан. Унинг ҳаётдан бир марта оғзи куйган. Сен ҳам уни баҳтли қиломайсан. Ўзинг ўйлаб кўр: ёш болали аёл тогма-тоғ юришларингга қандай чидайди?
- Саодатта уйланолмасам бу дунёдан армонда кетаман, эна, – деди Жалил. – Қизингизга бармоғимни ҳам теккизганим йўқ. Ана, ўзидан сўранг. Мен уни никоҳлаб, жуфти ҳалол қилиб олмоқчиман. Саидага оталик қилмоқчиман.

Саодат серкиприк кўзларини катта-катта очиб Жалилга қаради. У ўсмир кезларидаёқ бу йигитнинг уни ёқтиришини сезарди. Лекин Жалилнинг қалбида бу қадар покиза муҳаббат борлигидан хабарсиз эди. У бир дақиқа олдин онасига қўшилиб Жалилга ёлворишга тайёр эди. Бироқ йигитнинг сўзларини эшигтгач, иккиланиб қолди. Негадир уни ташлаб кетгиси келмаётган эди.

– Энди мен ҳам пешонамдан кўрдим, эна, – деди Саодат тўсатдан милтираб турган шамга тикилиб. – Ахир мени қачонгача эшигингизда сақлай оласиз? Икковимиз ҳам муштипар бўлсак.

Саодат гапини тутатмасдан чодирга Зиё қўрбоши кириб келди. Бу савдота Зиё қурбошининг аралashiши масаланинг ҳал бўлганидан дарак эди. Худди шундай бўлди. Ўша пайтнинг ўзида Саодат билан Жалилнинг

никоҳини Зиё қўрбошининг ўзи ўқиди. Майрам қушноч бир чеккада жимгина турар экан, кўзларидан энди унга ҳамма нарса барибир экани сезилиб турарди. Қўрбоши никоҳ шарафига қўй сўйдириб, зиёфат улоштириди.

Эртаси куни Майрам қушноч Эргаш билан бирга қишлоққа қайтди. Йўл олдидан энди Саодатга ҳам тегишли бўлган чодирга бирров кириб ўтди.

— Буёги энди Худодан. Сендан ёлгиз ўтинчим бор: Саидани эҳтиёт қил. Сут боласи бўлмаганида уни ўзим билан олиб кетардим. Афсуски иложим йўқ, — деди қушноч чуқур хўрсиниб.

* * *

Жалилнинг саодатли кунлари узоққа чўзилмади. Зиё қўрбоши тўдасининг манзилини билиб олган қизил аскарлар бир куни тўсатдан ҳужум қилиб қолишиди. Жалил Саодат билан қизалогини аранг қуршовдан олиб чиқди. Уларни бир амаллаб отига мингаштиридию, қишлоққа йўл олди. Минг мاشаққат билан қушночнинг уйига етиб келдилар. Бемаҳалда тақиллаган дарвозасининг зулфини туширган қушноч совуқдан юзлари оқариб кетган Саодат ва дарбадар куёвини кўрди. Жалил ўраб чирмалган Саидани кўтариб олганди.

— Дарвозани тезроқ ёпинг, — деди у илтимос оҳангиди.

Улар уйга киришди. Майрам қушноч туртиниб чироқ ёқмоққа ҳозирланди.

— Чироқни ёқманг, эна. Ортимиздан қувиб келаёттан бўлишлари мумкин. Ярим тунда ёқилган чироқ уларни шубҳага солади.

Жалил қалин матога ўралган Саидани кўрпачага ётқизди. Қизалоқ таъқиблардан бехабар бир тинчгина ухлаб ётарди. Деразадан тушаёттан ой ёғдусида Майрам қушноч Саодатта разм солди. Саодат анча тўлишибди.

— Ўзинг қалайсан, Саодат? — деди қушноч қизига

тикилиб. — Сенинг пешонангга ҳам бошқалардек тинч, осуда ҳаёт битилса бўлмасмиди, қизим?

Саодат бошини қуий солди. Чамаси унинг жавоб қайтармоққа-да ҳоли йўқ эди.

— Майли, бугунча дам олинглар. Эртага эрталаб гаплашиб оламиз.

Ярим тунда кириб келган меҳмонларга ўрин солиб берган қушноч ўз хонасига чиқиб кетди.

Саодат онасининг юрагини эзишни истамаган экан шекилли, қушноч чиқиб кетиши билан йиглай бошлади. Жалил бу гўзал, айни пайтда баҳтиқаро жувонни юпатишга уринарди. У хотинини бағрига босиб, узун, қоп-қора соchlарини силарди:

— Йиглама, Саодат. Биласан-ку, мен сенинг кўз ёшингта тоқат қилолмайман.

— Қачонгача яшириниб яшаймиз, — дерди Саодат йиги аралаш. — Қизиллар сизни ҳам тутиб олишади деган хавотир билан яшагандан кўра ўлганим яхши.

— Ўзингни бос. Сайдани, қолаверса, туғилажак фарзандимизни ҳам ўйла. Умидсизланма, бизгаям аталган ёргу кунлар бордир.

Хозир Саодатни таскин билан юпатиб бўлмаслигини тушуниб етган Жалил жим бўлиб қолди. Яна бир оз муддат йиглаб ётган жувон чарчади шекилли, ухлаб қолди. Бироқ неча кундан бери мижжа қоқмаган Жалилнинг кўзларига уйқу келмасди. У ёқ-бу ёққа ағдариларкан, қушноч солиб берган қалин кўрпача ҳам баданига тикан бўлиб ботаётганга ўхшарди. Ухлай олмаслигига кўзи еттач, тўшак устида ўтириб, уйқудаги Саодатнинг осуда чехрасига термулди. Саодатнинг қоп-қора, узун соchlари ёстиқ устига ёилиб кетганди. Уйқудаги жувон аҳён-аҳёнда хўрсиниб қўярди. “Қоплондарада қанчалик баҳтили эди-я”, деб ўйлади Жалил кўпга чўзилмаган баҳтиёр дамларини эслаб. Кечқурунлар чироқ ёргида жажжи

Сайдани ўйнатиб, у чиқарган янги қилиқлардан завқланиб ўтиришарди. Саодатнинг одобу андишаси, ҳаёси Зиё қўрбошига ҳам маъқул бўлганидан уни ўз қизидай яхши кўриб қолганди. Шу боис Жалил сафарга отланган кезларида ҳам ёшгина рафиқаси ва жажжи қизалогидан хавотир олмасди. Баъзида суюклисининг висолига етишгани Жалилга туш булиб туюларди. Орадан кўп вақт ўтмай Саодат тогда кўп учрайдиган қорагат меваларига ўч бўлиб қолди. Саодатнинг "боши қоронғу" эди. Ана шунда Жалилнинг баҳтиёрликдан кўзлари тиниб кетди. Демак, у яқинда ота бўлади. Муҳаббатининг, баҳтли кунларининг меваси дунёга келади. Энди эса Саодатнинг кўзи ёрийдиган вақтда унинг ёнида бўла оладими, йўқми – бунисини билмайди. "Саодатга эришишим мушкул бўлганди, айрилишим эса осон бўладиганга ўхшайди. Яратган Эгам, уни Ўз паноҳингда асра..." Юрагини безовталик чанглаб турган Жалилнинг хаёлидан шундай ўй кечди. Йигит ўз ўйидан кўрқиб кетди. Йўқ, у ўлимдан қўрқмасди. У айрилиқдан кўрқарди, суюклисининг кўз ёшларига сабабчи бўлишдан кўрқарди...

Тонгга яқин Жалил уйқуга кетди. Уйғонганида Майрам қушноч ҳовли юзида куймаланиб юрарди. У қувгин куёви ётган уйга дастурхон келтирди. Саодат қўлида Сайдани кўтариб унинг ортидан кирди. Қизалоқ йиглаб, Жалилнинг уйқусига халал бермасин учун, Саида уйгониши билан уни онаси ётган хонага олиб чиқсан эди.

Улар жимгина нонушта қилдилар. Бу жимликни фақат баъзи-баъзида жажжи Сайданинг гўдакларга хос қийқиришигина бузиб турарди.

Шом қоронгусида Жалил йўлга отланди.

– Саодат билан Саида сизга омонат, эна, – деди у қушночнинг юзига тик қаролмай.

Майрам қүшноч йигитнинг қиёфаси-ю сўзларидағи чорасизликдан эзилди. Саодатни олиб қочиб кеттани учун уни кўргани кўзи йўқ эди. Ҳозир биринчи марта куёвига раҳми келди.

— Улардан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Қишлоқдагилар мени ҳурмат қилишади. Саодат сенинг хотининг эканини айтиб қўймасликларига ишонаман.

Жалил жажжи Сайдани бағрига босиб, ҳали сут ҳиди анқиб турган юзларидан упди. Қүшноч эр-хотин хайрлашиб олсин дедими, ичкарига кириб кетди. Йигит хотинини изтироб билан қучди:

— Ўзингни эҳтиёт қил, Саодат.

— Сиз ҳам...

Хайрлашув онларидан юраги тилка-пора бўлган йигит отига қамчи босди...

* * *

Тез орада қизил аскарлар жуда қутуриб кетишиди. Қишлоқларда кун сайин хунук хабарлар тарқалар эди. Ана шундай қунларнинг бирида қизил аскарлар мулла Нормурод билан унинг икки ўғлини отиб ташладилар.

Жалил эса икки ойлардан бери дом-дараксиз эди.

Ўша, Саодат билан Сайдани Майрам қүшноч қўлига топширганидан бери фақат бир марта келиб кетди. Ўшанда унинг қиёфаси жуда ташвишли эди, қўзлари алланечук хавотир билан боқарди.

— Қизил аскарлар жуда ваҳшийлашиб кетишиди, — деди у қайнонасига қараб. — Эшонман, мулламан деган борки, барини отиб ташлашяпти. Ўтган ҳафта Бешқозоқлик Ҳасанхон домлани ўғиллари билан бирга чавақлаб ташлашибди. Келинларию қизларини эса халойиқнинг кўзи олдида беномус қилишибди. Бу иснодларга қўл силтаб кетиб бўлмайди.

Жуфти ҳалолининг сўзларини эшитиб, Саодатнинг

кўз олдига қўрқинчли бир манзара келди. Ҳомиласи беш ойлик бўлиб қолган жувоннинг юраги шувиллаб кетди: “Худонинг ўзи сақласин”.

Кўп ўтмай шунга ўхшаш хунрезликларнинг овозаси яқин қишлоқлардан ҳам эшитила бошлади. Қизил аскарларнинг қилмишлари Зиё қўрбоши тўдасининг газабини қайнатди. Бир куни улар аллақандай байрамни нишонлаб ичкиликбозлик қилаёттан қизиллар отрядини қиличдан ўtkазиши. Қонга-қон, жонга-жон фурсати етиб келган эди. Мана шу воқеадан кейин қизиллар Зиё қўрбоши тўдасининг қаерда эканини айтиб берган одамга катта мукофот ваъда қилдилар. Аммо ҳеч ким сотқинлик қилишни, қўли пок одамлар қонига беланганд қизил аскарлардан мукофот олишни истамасди.

Ҳамма таҳликада яшаб юрган кезлар эди. Жалилнинг онаси оғир қасал бўлиб ётганини эшитган Саодат кечқурунлаб қайнонасини кўргани борди. У кампирдан ошкора хабар олгани қўрқарди. Негаки, қизил аскарлар Жалил мана шу кампирнинг ўғли эканини яхши билишарди. Қайнонасининг заъфарондай саргайиб кеттан юзини кўриб Саодатнинг юраги эзилди. Бир оз унинг ёнида ўтирди. Кампир умрининг охирги кунларини яшаёттан эди.

– Жалилни кўриб қолсанг, тайинлаб айт, мени кўргани келиб юрмасин, – деди у бор кучини жамлаб. – Қулга тушиб қолиши мумкин. Мен ундан розиман. Бир кунлик ўлигим кўчада қолмас, бир амаллаб кўмишар.

Саодат қайтиш учун қўзгаларкан, кампир надомат билан пичирлади:

– Неварамни кўролмай кетадиган бўлдим.

Аммо Саодат эрини огоҳлантира олмади. Шу воқеанинг эртасига онасининг куни битиб қолганидан хабар топган Жалил тун ярмида қишлоқقا келди. Жалилнинг Зиё қўрбоши тўдасидан эканини яхши

билган қизил аскарлар уни тутиб олишди...

Эртасига тонг пайти қизил аскарлар уйма-уй юриб одамларни ҳайдаб чиқишиди. Қишлоқ ахолиси масжид олдидаги каттагина майдонга жамланди. Бироз вақт ўттач, иккита аскар масжиդ таҳоратхонасиға кириб кетди. Улар құллари орқасига тангиб бояланған Жалилни олиб чиқишиди. Бутун вужуди дәғ-дәғ титраётган Саодат умр йүлдошиға боқди. Жалил ориқлаб кетганди. Унинг юзлари моматалоқ бұлиб кеттан, қонталаш күзларидан, ёрилған яноқларидан қизил аскарлар уни роса қийнагани күриниб турарди.

Қизил аскарлар командири ўртага чиқди.

— Мана бу ифлос ўз тұдасининг қаерда эканини айтмаяпти, — деди у құли билан Жалилнинг елкасига нұқиб құяркан. — Лекин улар албатта құлга тушишади ва итдек ўлим топишади. Ҳозир эса сизлар ҳамқишлоқларингизнинг ўлимига шоҳид бұласизлар. Бу сизларға ибрат бұлсин.

Командир ёнида саф тортиб турған аскарлар томонға ишора қылған эди, улардан бири юргурилаб келиб, бошлиғининг құлиға алланимани узатди. Одамлар орасида қандайдир аёлнинг “вой шұрлик” деган овози эшигилди. Қисматнинг бу қадар аччиқ совғасидан Саодат караҳт бұлиб қолған эди. У командирнинг құлидаги каттагина пичоқни ҳаммадан кейин күрди. Қизиллар командири қүй сүйишиға ҳозирлик күраётган қассоб сингари енгларини шимарди. Икки аскар Жалилнинг елкасидан босиб тиз чўктиришди. Шу пайт Саодат, тишилари гижирлаб, муштлари туғилаёттан эркакларни, дод солиб юбормаслик учун оғзини кафти билан беркитган аёлларни турта-турта олдинга ўтди. У Жалилнинг рўпарасида туриб қолди. Командир Жалилнинг бўйнидан ушлаб, илкис тортганида, йигит қаршисида турған ўз Саодатини кўриб қолди. Унинг

лабларида ним табассум кўринди. Ўлим олдидаги йигитнинг табассум қилишга куч топа олгани командирнинг газабини қўзгатди.

Қизиллар командири Жалилнинг бўйнига бор кучи билан пичоқ тортиб юборди. Қип -қизил фавворадек отилиб чиқсан қон ҳамма ёқقا сачраб кетди. Аёллар, болалар уввос солищди.

Қизил аскарлар Жалилнинг жасадини масжид ҳовлисидағи устунга boglab қўйиши. Жасад бир ҳафтагача шу алфозда турди. Уни олиб дафн қилишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Масжид майдонидан Саодат эмас, унинг ҳозирча юриб турган мурдаси қайтиб келгандек эди. У Жалилнинг сўйилишини кўриб фарёд чекмади, соchlарини юлмади. Жувон тирик мурдага айланиб қолган, кўзлари маъносиз боқарди. Шу қадар бефарқ эдики, унга "ҳозир сен ўласан" дейишса ҳам, сесканмайдигандек туюларди.

Эри масжид майдонида бўгизланган куни ҳали ойкуни тўлмаган Саодат етти ойлик ўғил тутди.

Майрам қушноч мушукболадай кичкина, нимжон чақалоқни йўргаклар экан, ҳаётида илк бор муштипар эканидан ўкинди. Бу кунги кўргуликларидан кейин тўшақда жонсиз тана каби чўзилиб ётган Саодатга қаради. Қизининг юzlари докадек оқариб кеттан, кўзлари бир нуқтада қотиб турарди. Майрам қушноч кўз ёшлари ҳозир унга халал беришини тушунди. Йигисини аранг ичига ютиб чақалоқни хона тўрига тўшалган кўрпачага ётқизиб қўйди.

Орадан уч кун ўтди. Жалилнинг жасади ҳамон масжид ҳовлисида устунга бойланган ҳолда турарди. Саодат эса ҳамон ердек ётар, на овқатланар, на сўзлар ва на ухларди. Майрам қушноч дам-бадам нимжон чақалоқни она кўксига қўярди. Бироқ Саодат овқатланмагани учун

кўкрагида сут йўқ эди. Қанчалик жон-жаҳди билан эмса ҳам, бир томчи сут чиқмаёттани учун чақалоқ баттар жазавага тушиб йигларди. Норасида гўдакнинг йигиси атак-чечак қилиб юриб қолган Саидани ҳам қўрқитиб юборди. У ҳам ерга ўтириб олиб укасига жўр бўлди. Кушноч ортиқ тоқат қилолмади. Саодатнинг елкаларидан тутиб силкилади:

– Мен ҳам сенга, ҳам иkkита болангга қаролмайман. Сен оёққа туришинг керак. Жалилдан қолган ягона тирноқни эмизиб боқиш учун овқат ейишишинг шарт.

Онасининг гапларини эшлитиб туриб, Саодатнинг нурсиз кўзларидан икки томчи ёш юзига сизиб тушди. Бу бахтиқаро жувоннинг сўнгти исёни эди. Алланечук итоаткор бўлиб қолган Саодат косадаги аталани олиб, қалтираб турган қўллари билан ича бошлиди.

Чала туғилган чақалоқ бир ҳафталик бўлгач, сал ўнгланиб қолди. “Энди ўлмаса керак, анча ўнгарилиб қолди”, уйлади Майрам қушноч. Она-бона чақалоққа Ёдгор деб исм қўйдилар. Ўша куни Саодатнинг бироз ўзига келиб қолганидан хотиржам тортган қушноч Жалилнинг дўсти Эргашни қидириб борди.

Эргаш Майрам қушночни кўриши билан гап нимадалигини англаган эди. Шу боис ўзи гап бошлиди:

– Шўрлик Жалилнинг мурдаси хор бўлиб ётибди. Қизиллар унинг жасадини кўмишни таъқиқлашган. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

– Қўрқма, бугун уларнинг тог томонга шошилинч от чоптириб кетаёттандарини ўзим кўрдим, – деди Майрам қушноч. – Мен ҳам мана шу масалада келдим. Жасадни кўмишимиз керак. Бунинг учун бугундан ўнгайроқ кунни тополмаймиз.

Кушночнинг гаплари Эргашни ҳам дадиллантириди. Тун қоронгусидан фойдаланиб икковлари масжидга боришиди. Эргаш ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш

учун атрофни текшириб чиқди. Қизил аскарлар масжид ичкарисини ҳам отхонага айлантиришган шекилли, ҳамма ёқдан пичан ва от гүнгининг ҳиди келарди.

Ҳаммасини бир зумда бажардилар. Эргаш қўлидаги пичноқ билан Жалилнинг жасади боғланган арқонларни кесиб ташлади. Улар бечора Жалилни қопга солдилар. Эргаш дўстининг мурдасини орқалади.

– Қаёқقا кўмамиз?

– Мозорга кўмсак, янги қабр сезилиб қолади. Чеккароқقا олиб чиқиш керак.

Улар жасадни қишлоқ чеккасидаги тепаликка олиб бордилар. Юмшоқроқ жойни топиб, апил-тапил қабр қазишиди. Кейин Жалилни қабрга туширишди. Эргаш болалик дўстининг юзини қибла томонга қаратаркан, унсиз йигларди. Тепада турган қушноч Эргашга рўмолини узатди:

– Мановини ол, икки буклаб юзини ёпиб қўй. Шўрликнинг кўзига тупроқ тушмасин...

Жалилнинг ўлимидан кейин Саодат бироз савдоириқ бўлиб қолди. Баъзида ундан бир кунда бир оғиз сўз эшлиши ҳам амримаҳол эди. Майрам қушноч қизининг ҳаракатларини изтироб билан кузатар экан, алам билан пичирлаб қўярди:

– Кун кўрмаганга кун йўқ. Болаларига қараёттанининг ўзиям катта гал.

Ёдгор олти ойлик бўлганида Саодат тўсатдан қон қуса бошлади. Беш ойча касал ёттанидан кейин узилди. Унинг бошига тушган ғам-аламлар жувоннинг руҳинигина эмас, вужудини ҳам емириб бўлганди. Майрам қушноч тирик етим бўлиб қолган икки норасидани бағрига босганича чирқиллаб қолаверди. Замон алғов-далғов эди. Бирор бирордан ҳол сўролмасди. Қушноч Саида билан Ёдгорни

оёққа турғизиш учун бисотидаги нарсаларни секин-секин пуллай бошлади. Саида ўн ёшга тұлғанида Майрам қүшноч огриб қолди. Иложсиз қолиб, Бешқозоқда яшайдиган үттай укасига одам жұнатди. Укаси хотинини олиб, истар-истамас Олақүйлиққа келди. Майрам қүшноч паймонаси тұлиб бораётганини сезиб турарди. Бошқа қариндошлари бұлмагани учун у Саодатнинг етимларини укаси билан келиніга топширди. Болаларни боқиши қариндошларига малол келаётганини билиб:

— Манави тутунни олинглар. Бунинг ичидағи буюмлар Саида билан Ёдгорни катта қилишингизга етса керак, — деди оғир хұрсиниб.

Үгай ука билан хотини қызиқиши билан бир зумда тутунни ечишди. Бу ўша, бир вақтлар Саодатни үгирлаб кетган Жалилга таклиф қилингандык бойлик зди. Олтингарни күрган ука ҳаяжонини босолмас, келин ҳам уларга ҳарислик билан термуларди. Ўша куни қүшночнинг укаси хотинини беморга қараб туриш учун қолдириб, ўзи қишлоғига қайтди.

Келин бир-икки ҳафта касал зғачиси билан унинг набираларига қаради. Унинг қалбіда ўша тутунчадаги бойлика тезроқ зға бўлиш истаги исён қиласарди.

“Бу кампир ҳали қачон үлади”, үйларди у ранги заъфарон тусга кириб бораёттан Майрам қүшночнинг тепасида утиаркан. “Ким билсин, ҳали бир-икки йил яшар ҳам?”

Ногаҳон юрагини очкұз бир истак згаллаган келиннинг хаёлига бир фикр келди: “Қүшночнинг ўлишига қарашиб юбора қолсам-чи? Ким билиб үтирибди? Неваралари ҳали кичкина бўлса... Қолаверса ҳозир ит згасини танимайдиган пайт. Касал ётган кампирнинг ўлимидан ҳеч ким ҳайрон бўлмайди”. Шайтон измидаги келин аллақаёқдан маргимуш топиб келди. Тушликка атала пиширди. Ниятини амалга

ошириш учун қулай пайтни кута бошлади. Аңчагина эсайиб қолган Саида құшни хонада укасини ухлатаёттан зди. Келин шошиб қозон бошига борди. Косага тұлдириб атала солди. Кейин аталага маргимушни құшиб обдон аралаштируди. Овқатни күтариб секингина Майрам қүшноч ёттан уйға кирди.

– Манави аталани ичиб олинг, эгачи, – деди қүшночни овқатта уңдаб. – Сизга қувват бұлади.

Келиннинг күнглидаги муджиш үйлардан бехабар қүшноч ёстиққа сұяниб үтириб, мадорсиз құллари билан косани құлиға олди. Келини меҳрибонлик қилаётганга үхшаб аталани үзи ичира бошлади. Күп үтмай коса бұшаб қолди.

Орадан күп вақт үтмай, Майрам қүшноч оғирлашиб қолди. У түшакда тұлғанар, үзини у ёқ-бу ёққа ташлар, ҳаво етишмаёттан одамдек икки құллаб күйлаги ёқасидан тортар зди. Майрам қүшночнинг күзлари косасидан чиқиб кетгүдек бақрайиб қолғанди.

Қүшночнинг ақволини күриб қотила келиннинг үзи ҳам құрқиб кетди. Шу пайт хонага Саида кириб келди. Қызча жон ҳолатда тұлғанаёттан бувисига ташланди.

– Энажон, сизга нима бұлди?

Қүшноч бор кучини тұплаб, пичирлади:

– Сув, сув бер, Саида... Ичим ёниб кетялти.

Саида югуриб косада сув келтирди. Майрам қүшноч сувни ютоқиб ичдию, үзини ёстиққа ташлади. Унинг нафас олиши оғирлашиб борарди. Боядан бери үзи яратган сақнада томошабин бўлиб турган келин шошилиб беморнинг ёнига келди ва унинг бошига эгилиб сўради:

– Сизга нима бұлди, эгачи?

Қүшноч жавоб беролмади. Аммо келинига шунчалик нафрат билан боқдики, аёлнинг баданида совуқ титроқ турди. Дунёнинг жуда күп макларини, қаттолликларини

күрган Майрам қүшноч ўзига нима бўлганини ҳам билиб турарди. Шундай бўлсада у келинига ҳеч нарса демади – невараларининг тақдиди мана шу аёлнинг қўлида эди. Фақат андуҳ учун туғилган Майрам қүшноч қўзларини уй тўридаги тахмонга тикиб жон берди.

Ўгай ука қүшночнинг еттисини амал-тақал қилиб ўтказгач, Саида билан Ёдгорни олиб уйига қайтди...

* * *

Етимнинг боши тошдан ҳам қаттиқ бўлар экан – Саида билан Ёдгор кун сайин улгайиб боришарди. Саида марҳума онасидек ҳусндор эди. Гўзал чеҳрасида сайдидлар авлодига хос нур бор эди. Саодат сингари унинг ҳам ошиқлари кўп эди. Оқибат қишлоқ йигитлари хонадон эгаларининг қизлари бир томонда қолиб, ўн олти ёшга тўлган Саидага совчи қўя бошладилар. Бундан янганинг газаби қўзиди. Унинг юрагида бир вақтлар “маргимуш билан иттифоқ тузган” ҳасад бош кўтарди. Фазабнок аёл эрига билдиrmай қишлоқнинг энг сара йигитларидан келган совчиларга рад жавоби бериб юборарди. Алам ўтида қовжираф юрган кунларининг бирида шўрчилик аммаси меҳмонга келиб қолди.

Саида меҳмонлар олдига дастурхон солди.

– Асранди қизларингнинг ошиғи кўп эканми?, – сўз ташлади амма Саида чой келтириш учун ташқарига чиққанида.

– Шундай..., – жияни қовоғидан қор ёғиб жавоб қайтарди. – Бу етимчанинг дастидан ҳали-бери қизларимнинг бахти очилмайдиганга ӯхшайди. Қишлоқнинг манаман деган йигитлари совчи қўйишини айтмайсизми бу ер юткурга?!

Амма жиянининг юкини енгиллаштиromoқчи бўлиб бироз ўйланди. Кутиммаганда хаёлига зўр фикр келгандек қийқириб юборди:

— Менга қара, — деди күзларини қувларча сузиб. — Биз томонда яқында хотини ўлган бир йигит бор. Поччанг билан ораси анча қалин бўлиб қолган. Танишибилишлари унга мос хотин излаб юришибди. Саидангни шунга берсак-чи?

— Ёши нечада?

— Эллик ёшларда. Биринчи хотини ўлгач, икки боласи билан бир бева хотинга уйланган эди. Яқында уям ўлиб қолди. Иккинчи хотинидан ҳам битта ўғли бор дейишади. Утами боласи бўлса керак-ов.

— Ёши элликларда бўлса, қиз ўлгур унга рози бўлармикан, амма?

— Буёгини менга қўйиб бер, — амма унинг елкасига қўлини қўйди. — Амманг бунақа ишларни тиндиради.

Воқеадан уч-тўрт кун ўтиб, амма бир-иккита аёлни етаклаганича жиянининг уйига қадам ранжида қилди. У ўзи айтганидек ишни тиндирган, аёллар ўша эркакнинг, Эшбўрининг қариндошлари бўлиб, улар Саидага совчиликка келишган эди. Ҳеч нарсадан хабарсиз Саида ҳовли супуриб юрар, хонадон эгасининг қизлари эсадам-бадам унга иш буюришарди. Хуллас, аёллар ишни пиширишди. Янга деразадан бошини чиқариб, Саидани чақирди:

— Саида, ҳув Саида!

— Лаббай...

— Бу ёққа қара, қизим!

Саида тортинибгина эшиқдан кирди. Янгасининг олдида ўтирган амма унга ўз ёнидан, кўрпачадан жой кўрсатди.

— Мана бу ерга ўтиргин-чи.

Амманинг ҳамроҳлари Саидани бошдан-оёқ кузатиб чиқишиди. Саида рўпарасидаги икки жуфт кўздан унгайсизланар, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Янгаси гап бошлади:

– Бу аёллар сенга совчи бўлиб келишибди, Саида.
Ўзи тагли-тугли хонадон экан, йигитни мақташяпти.

Ердан кўзини ололмай ўтирган Саида ботиниб-
ботинмай жавоб берди:

– Билмасам, янга, йигитни кўрмаган бўлсам, нимаям
дердим...

Амма жиянига айёrona кўз қисиб қўйди, Сайданинг
елкасига қоқди:

– Сени қара-ю, қизим. Куёвни сенга албатта
кўрсатамиз. Ахир қандай қилиб бир мартаям кўрмаган
одамингга эрга тегасан?

Ўгай тогаси билан янгасининг қарамогида бўлган
Саида нима ҳам дея оларди. “Балки эрга тегсам яхшироқ
бўлар, – ўйлади у. – Ёдгорга ҳам озроқ ёрдамим
тегармиди?”...

Амма сўзининг устидан чиқиб, индинига яна келди.
Икки-уч кун аввалги “совчилар” саҳнаси ёдига тушди
шекилли, ошхона эшиги олдида куймаланаётган Саида
аёлни кўриб сал қизаринди. Амма узоқдан Саидага қувлик
билан кўз қисиб қўйди. Кейин семиз гавдасини беўхшов
лапанглатиб Сайданинг ёнига югуриб келди ва қизнинг
қулогига шивирлади:

– Ҳозир меҳмонхона деразасидан кўчага қарасанг,
сенга совчи қўйган йигитни ўз кўзинг билан кўрасан.

Амманинг сўзларини эшитган Саида алланечук
тараддуланиб қолди. Лекин ҳаяжонланиб тургани учун
кўнглига ҳеч қандай шубҳа ораламади. “Мени ҳеч қачон
яқинига йўлатмаган бу аёл нега бунчалик меҳрибон
бўлиб қолди?”, деб ўйламади. Амма жияни ўтирган хонага
кириб кеттагач, бироз ўйланиб турдию, кейин меҳмонхона
эшиги томон юрди. Деразага яқинлашаркан Сайданинг
юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб уради.

Киз алланечук орзиқиши билан күча юзига разм солди. Күчанинг чеккасида, меҳмонхона деразаси қаршисидаги теракзор соясида мўйловлари эндиғина сабза урган бир йигит турарди. Саида узун киприкларини пирпиратиб йигиттага яхшироқ тикилди. "Ҳали йигирмага ҳам тўлмаган бўлса керак" ўйлади қиз. Шу пайт теракзор соясидаги йигит кимдир уни яширинча кузатаётганини сезгандек дераза томонга қаради. Саида ўзини панага олди. Дарҳақиқат, йигит келишган, ташки қўринишида ҳеч қандай нуқсон йўқ эди...

"Буёгини энди пешонамдан кўраман", ўйланди Саида.
"Зора юраги ҳам юзиdek тоза бўлса?"

(Эҳ, бечорагина Саида! Тақдир сени синамоқ учун қандай ўйинлар ҳозирлаётганини қаёқдан ҳам билардинг? !)

...Киз меҳмонхона эшиги олдида туриб калишини оёғига иларкан, нариги хонадан янгаси билан амма чиқиб қолишиди. Анчадан бери қовоги очилмай юрган янгаси бугун хушчақчақ қўринарди. У ҳатто Саидага меҳрибонлик кўрсатаёттанга ўхшарди.

— Йигитни сен ҳам кўрдингми, қизим, — қизнинг елкасига қўлини қўйиб сўради у.

Саида уялганича ерга қаради:

— Ҳим, кўрдим.

— Менимча ёмон йигитта ўхшамайди...

Амма ўзининг ўқтам овози билан жиянинг сўзларини қувватлаган бўлди:

— Мен сизларни ёмон одамларга рўпара қиласмиш?

Айни лаҳзаларда тақдири ҳал бўлаётган Саида жим турарди.

— Сукут-аломати ризо,— ҳукм чиқарди янгаси. Бугун кечқурун тоганг келганида, унга ҳаммасини айтамиш. Энди юмушингга борақол, қизим...

Саида ошхонада чала қолган ишларини тутатиб қўйиш

учун кетди. Амма эса супа юзида жияни билан яна бироз вақт шивирлашиб турди.

...Дарвозадан шахдам чиқиб келган аёл теракзорда үтирган йигитни чақириди:

— Ҳей йигит, буёққа қара!

Йигит уёқ-буёққа күз ташлаб олиб, аёл томонга юрди. Улар юзма-юз келгандарында аёл йигитта алланарсаны узатди:

— Ишимиз битди, йигит. Ўз улушингни ол. Йигит ҳовуцидаги пулни кўриб шошиб қолди. Унинг чехраси ёришиди:

— Шунаقا хизматлар бўлса, чақириб туриңг, хола,— дедиую, кўча ёқалаб шитоб билан юриб кетди.

Ишни хамирдан қил суғургандек осон битирган амма йигитнинг ортидан бироз қараб турди-да, ўз уйи томон жўнади.

...Ниҳоят тўй куни ҳам етиб келди. Сайдани Шўрчига олиб кетиш учун куёв томондан бир тўда одамлар келишди.

Саида таомилга кўра ўз тенгқурлари даврасида үтиради. У келинлик либосида гул-гул очилиб кетган эди. Шундоқ ҳам пиликдай бўлган қошлирига билинрабилинмас ўсма қўйган, узун, қуюқ киприклар ишончли қўриқчилар каби посбонлик қилаётган қора кўзларига сурма тортганди. Қизнинг юрагидаги ҳаяжон ёноқларига қалқиб чиқиби — юzlари андак қизарган. Ажабки, озгина пардоз ҳам чехрасида саййидлар авлодига хос улугворлик балқиб турган бу чеҳрани мислсиз гўзаллик даражасига олиб чиққан эди.

Қизлардан бири доира чертар, яна бири қўшиқ айтмоқда эди. Бошқалар эса қўшиқ оҳангига монанд бош тебратиб үтиришарди. Табиатан шаддод бўлган Сарви

чида б туролмади. Бошидаги дуррасини ечиб олиб белига боғладиу, ўйинга тушиб кетди. Қизлар беихтиёр қарсак чалиб юбордилар. "Лазги"ни қойил қылган Сарви юзлари бўгриқиб, Сайданинг қаршиисига чўқди:

— Аттанг, йигит бўлмаганман-да! Сенга ўзим уйланиб олардим!

Сарвининг гапидан уй ичидаги гулдурос кулгу жаранглади. Энг яқин дугонасининг ҳазилидан Саида ҳам жилмайди. Ҳамма бирдек хурсанд эди. Ҳатто тоғасиниг қизлари Холида билан Ҳурсандой ҳам қаҳқаҳ отиб кулишар, онаси уларни "Сайдадан қутулсан, баҳтингиз очилиб кетади", деган башоратига қаттиқ ишонтириб қўйган эди.

Куй-қўшиқ айни авжига етганида куёв томондан келган аёллар эшик олдида кўриниш беришди.

— Энди келинни бизга топшира қолинглар, қизлар.
— Йўқ, ҳали эрта, яна бироз ўйин-кулги қиласиз, — қизлар таомилга кўра тихирлик қилишарди.

Шу пайт хотинлардан бири ёнидан пул чиқарди ва қизларнинг бошлари узра сочиб юборди. Дугоналарчувиљлашиб, пул териш билан овора бўлиб қолганларида аёллар келинни етаклаб, уйдан олиб чиқишли.

Паранжи ёпинган Сайдани аравага чиқаришли. Куёвнавкарлар карвони шовқин-сурон билан кетмоққа ҳозирланди. Шу пайт опасининг тўйида ўчоқбошига ўтин ташиб юрган Ёдгор келин ўтирган арава олдига югуриб келди. Паранжига ўранган опасини қучоқлаб олди:

— Мени ташлаб кетманг, опа...

Бошқа пайт бўлганида Саида укасини юз-кўзларидан ўпиб овуттарди. Бироқ ҳозир у ҳамманинг нигоҳунга қадалиб турган пайтда чорасиз эди. Келин паранжи остидан қўлини чиқариб Ёдгорнинг бошини силади. Кейин фақат укаси эшита оладиган қилиб пичирлади: "Сени албатта олиб кетаман".

Ёдгор күёвнавкарларни йўлдан қолдираётган эди. Шу боис янгаси унга ғазаб билан тикилди. Одамлар қуршовида бўлган аёл зўрга ўзини босди ва истаристамас йигитчанинг бошини силади:

– Сен уйда қолмасанг бўлмайди, болам. Уйда юмуш кўплигини биласан-ку...

Янгасининг сўзларидан кейин Ёдгор аравадан туҳди. Келин ўтирган арава қўзгалди. Хотинлар ёр-ёр бошладилар:

*Тогда тойчоқ кишнайди от бўлдим деб ёр-ёр,
Уйда келин йиглайди ёт бўлдим деб ёр-ёр.
Йиглама қиз, йиглама тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.*

Дарвоза олдида беҳол туриб қолган Ёдгор ўзини ёлғиз сезарди. Саида унга ҳам опа, ҳам она ўрнида эди. Ота-она меҳрини кўрмаган бу ўспирин ҳали ҳам ўзини боладек ҳис қилас, тенгдошларидан фарқли бир тарзда одамовироқ эди. Ёр-ёр садолари ва арава гилдиракларининг тақур-туқур овози тобора олислаб борарди...

Келинни келтираёттан карвон күёв уйига яқинлашди. Дарвозадан ёш-яланглар югуриб чиқишиди. Хизматдаги йигитлардан бири бир қучоқ ўтин келтириб олов ёқишига ҳозирлик кўра бошлади. Урф-одат бўйича күёв келинни кўтариб гулхан атрофини айлантириши лозим эди...

...Ниҳоят бир жуфт қўл паранжили келинни даст кўтариб олди. Олов атрофида айланган Саида бўғриқиб кетди. Күёв келинни чимилдиқقا олиб кирди. Уни уй ичида қолдириб, ўзи шошилинч уйдан чиқиб кетди. Саида билан бирга келган Сарви бўғриқиб кеттан келиннинг бошидан паранжисини олар экан, хавотир аралаш сўради:

– Саида, тўйдан олдин күёвни кўрсатишганми? –
– Кўрсатишувди, – деди Саида. – Нега сўрайпсан?

“Бошида ота-онаси бўлмагани учун иложсиз рози бўлган шекилли” ўйланди Сарви ҳозиргина чиқиб кеттан куёвни кўз олдига келтириб. Негаки куёвнинг ёши қирқдан ошиб қолган айиқсифат бир киши эди. “Бечора Саида энди шу одам билан бир тўшакда ётадими?” ўйлади у.

Тонг отди. Аёллар “юз очди”га ҳозирлик кўра бошладилар. Саидани ясантиришди, пешонасига тиллақош қўндиришди, қулоқларига ярим ой шаклидаги сиргаларни тақиб қўйиши. Бўйнига зебигардон осиши. Безаклари ҳуснини янада орттирган Саидага хотин-халаж ҳавас билан тикиларди. Қўшни кампирлар у билан кўришган бўлди. Келиннинг юзидан ўпиди хитоб қилди:

– Қурмагур куёв, турнанинг нақ кўзидан урибди-я!

Шу пайт аёллар бир овоздан уни маъқуллашди. Юзини зардан кашталар тикилган рўмолча билан хиёл беркитиб турган Саида ёнида турган Сарвининг алам билан пичирлаганини эшилди:

– Узумнинг яххисини ит ейди...

Бироқ унга қараб, “нимага ундан деяпсан” деб сўрай олмади. Ҳайрон бўлганича қолаверди. “Юзочди” тутаганидан кейин, келин олиб келганлар шошилганча қайтишга тайёрлана бошлишди. Олдида янгаси билан амма борлиги учун Саида Сарвидан “боя нега унақа дединг” деб сўролмади. Хотинлар Саиданинг ёнида янгасига узоқроқ қариндош бўлган бир аёлни қолдириб қайтиб кетиши.

Саида бегона уйда, бегоналар орасида қолди. Юрагини қандайдир ҳадик, хавотир эгаллади. Унинг ёнидаги аёл келинни зериктирмаслик учун ёшлик кезларида бўлиб ўтган қизиқ-қизиқ воқеалардан гапирав, бироқ унинг сўзлари паришон Саиданинг қулогига кирмасди. Ниҳоят оқшом чўкиб, куёвнинг чимиудиқقا кирап вақти етди. Аёл Саиданинг қулогига алланарсаларни пичирлаб чиқиб

кетди. У чиқиши билан эшик очилди. Куёв кириб келди ва чимилдиқнинг бир чеккасида турган Саидага яқинлашди. Құлларини ушлаган бегона бир құлдан сесканиб кетган қызы, ўша тераклар соясидаги чеҳрани яқиндан күрмоқ учун ўтирилди. Ўгирилдиу, даҳшатдан қичқириб юбораёзди. Унинг қаршиисида бутунлай бошқа одам турарди. Саида чимилдиқдан қочиб чиқди. Бироқ унинг овозини эшитиб югуриб келган аёл уйдан чиқишига қўймади:

– Қаёққа қочяпсан, болам. Ахир шарманда бўламиз-ку!

У Саиданинг елкасидан ушлаб мажбурият остида уйга қайтариб кирди ва кўрпачага ўтқазди. Келин юм-юм йигларди:

– Менга бошқа биронни кўрсатишувди. Алдашганмиди?

Аёл Саидани юпатарди:

– Йиглама, болам. Ҳали бинойидай яшаб кетасан. Мана мен ҳам тўйгача куёвни кўрмаганман. Эркакнинг қариси бўладими? Қайтанга аёл киши тез қарииди. Ҳар туққанингда юзингга ажин тушаверади. Ҳусн ҳам вақтингчалиқ, болам...

Аёл гарчи ҳозир бу гаплар Саиданинг қулоғига кирмаслигини билса ҳам тинмай жаврарди. Ниҳоят, жавраб-жавраб чарчадими ёки келинга гап уқтиrolmasliginи англаидими – ҳар қалай куёвни ҳам олиб чиқиб кетди.

Саида келинлик лиbosлари ва буюмларига тўла уйда изтироблари билан ёлгиз қолди. “Шунинг учун янгам билан амма менга шундай меҳрибон бўлиб қолишган экан-да”, алам билан ўйлади у.

Марҳума энаси, Майрам қушноч баъзида ўзича сўзланиб қўярди: “Кун кўрмаганга кун йўқ”. Ушанда Саида бола ақли билан бу сўзларнинг магзини чақолмаган

экан. Мана ҳозир ўша кўхна сўзларнинг маъносини тушунди:

— Онам сингари менинг ҳам толеъим қора шекилли.

Ўша кеча Саида ухломади. Чимилдиқнинг бир четида тиззаларини қучиб ўтириб тонг оттирди. Орадан уч кун ўтди. Саида ҳамон куёвни ўзига яқинлаштирас, у уйга кириб келиши билан қочиб чиқишга тайёр турарди. Ниҳоят келин ёнида қолган аёлнинг ҳам, куёвнинг онаси бўлмиш қари, баджаҳл кампирнинг ҳам тоқати тоқ бўлди. Аёл амманинг уйига бориб уни бошлаб келди.

Амма келин уйига ёлгиз кириб келди.

— Менга қара, Саида, — гап бошлади у дадил овозда. — Нега уканг билан сен боқиб катта қилган тогангни шарманда қиляпсан?

Сайданинг овози зўрга чиқа бошлади:

— Ахир, ўзингиз менга бошқа одамни... — дея гап бошлаган эди, амма жаҳл билан унинг сўзини кесди.

— Мени орага қўшма. Менинг айбим —шу етимча ҳам одам сонига қўшилсин деб сенга эр топгандим. Бизни шарманда қилишингни билганимда бу ишга бош қўшиб ўтирамсдим.

Саида унга бас келомаслигини тушунди.

— Агар эринг билан яшашга кўнмасанг, эртага тогангникуга қайтасан, — узил-кесил ҳукм чиқарди амма.

— Сенинг ноз-фироқларинг қачон тугайди деб туролмаймиз.

Амма Сайдани, йўқ, Сайдани эмас, балки унинг тирик мурдасини уй ичидаги қолдириб ташқарига чиқди. Келинлик лиbosлари, кашталару бежирим уй безаклари билан ясатилган хонада ўтиракан, Саида бечора онасини эслади. Энаси Майрам қушноч у билан Ёдгорни амаллаб катта қиларкан, Саидага тез-тез, “толеъинг онангга тортмаса бўлгани, болам” деб қўярди. Эвоҳки, қиз бечоранинг фақат ҳусни эмас, тақдири ҳам онасига

ўхшаш бўлди.

Саида мунгайганича келинлик либосларига термулди. Бу кийимлар айни кезда унга кафан каби совуқ туюларди. Ўзининг ниҳоятда чорасиз эканлиги бу совуқликни янада кучайтирас эди.

“Тоғамнинг уйига қайтиб бордим ҳам дейлик, улар мени қабул қилишадими?”, ўйлади у. “Уч кунда қайтиб борган келинни ҳеч ким оқдамаслиги аниқ. Нима қилсан экан?”

Саида маломатлардангина эмас, укаси Ёдгорнинг ҳам изтироб чекишидан, боши эгилишидан қўрқарди. Баҳтсиз келин узоқ ўйлади. Қархисида бирорта ҳам йўл йўқлигини англағач, ўзини тақдир измига топширишга қарор қилди.

Кечқурун чимилдиқча кирган куёв эрталабгача шу ерда қолди...

Эрталаб хабарлашгани келган амма Сайданинг қайнонаси билан ҳовли этагида бир нималарни пиҷирлашиб турди. Кейин маъноли томоқ қириб қўйиб дарвоза томон юрди. Унинг бу ҳаракатидан “етимчанинг кўнишдан бошқа қандай чораси бор?” деган саволни ўқиш мумкин эди.

Сайданинг бадқовоқ қайнонаси унга янги оиланинг икир-чикирларини тушунтира бошлади. Маълум бўлишича, эрининг аввалги икки хотинидан учта боласи бор экан. Ошхонада идиш-товоқ юваётган Нуқра Сайдани кўрган пайтда лоладек қизариб кетди. Ўн тўрт ёшли қизнинг фақат уятдан шу ҳолга тушмагани аниқ эди. У кўзларидаги газаб ўтини яшириш учун нигоҳларини пастга – юваётган идишларига тикиди.

– Нуқра, Саида энди сенга она бўлади, – деди қайнона.
– Аҳил бўлинглар.

Аммо ўн тўрт яшар қиз билан унинг ўн олти ёшли ўтая онаси қандай қилиб она-бола бўлиши мумкин? Бу

мүмкінми үзи?

Уч кун ичида Саида покиза орзуларидан, мунглиғ қалбига умид багишлиб турган хаёлларидан айрилишга улгурди. Үзиге, үзлигига ёт бўлди. Уч кунлик келиннинг қулоги остида тўйи куни дугоналари айтган “ёр-ёр” жаранглётгандек эди:

– Уйда келин йиглайди “ёт бўлдим деб”, ёр-ёр.

Одам боласи қисматига тез кўниқади – айниқса у чорасиз бўлса. Шунга ўхшащ Саида ҳам тез орада эрига, янги оиласига ўрганиб қолди. Фақатгина болаларнинг ундан ётсирашлари, нафрат билан қарашлари уни қийнарди. Болалар ўз оталарини Саидадан қизганишарди. Тез орада бу ҳолат ошкора тус олди.

Бир куни Саида ҳозиргина ювиб-чайган кирларини дорга ёйди-ю, уйга кириб кетди. Бир маҳал чиқиб қараса, ҳалигина ювган кирларини кимдир ҳовли юзига сочиб ташлабди. Кийимлар эзғиланган, топталган... Саида йиглаб юборадиган алфозда сўради:

– Буни ким қилди?

Ошхона бўсағасига ўтириб олиб ёғочдан нимадир ясаёттан Малик тап-тортмасдан жавоб берди:

– Мен қилдим. Нима дейсиз?

Саида шаҳд билан Маликнинг олдига борди. Болани икки елкасидан ушлаб силкилади. Аммо зум ўтмай унинг қалбидаги газаб ўти сўнди. Негаки Маликнинг кўзлари тўла ёш эди. Саида беихтиёр болани қўйиб юборди. Кейин бироз каловланиб турди-да, бўшашганича ҳовли юзига сочилган кирларни йигиштиришга тушди.

Анча-мунча нарсага ақли етиб қолган Нуқра Саидани энаси ёки отаси билан чаплаштириб қўйишга интиларди. У гоҳида овқат устида жанжал чиқариш учун қозонга қалампир ташлаб қўяр, гоҳ ўтгай онаси дашном эшитсин деб отасининг кўчалик кийимларини ҳеч ким тополмайдиган жойга бекитиб қўярди. Хуллас, болалар

Саидага ўзларининг норози эканликларини билдириш учун кийимларни сочишар, тахмондаги кўрпатўшакларни агдариб ташлашарди. Ўн ёшли Суҳроб бир куни жаҳл устида ҳали осиглиқ турган чимилидикни ҳам узиб ташлади. Буларнинг бари ўзига хос исён эди.

Кўп ўтмай Саида тез-тез боши айланадиган, кўнгли айнийдиган одат чиқарди. Негадир анор егиси келарди. Ҳар доим қилиб юрадиган ишлари энди уни тезда чарчатиб қўярди.

Бир куни қўрқа-писа аҳволини қайнонасига ҳам билдириди. Кампир “бу ҳалиям бола экан-ку” дегандек галати қараш қилди.

— Бошинг қоронги бўлибди. Ўзинг сезмаяпсанми? — деди қайнона.

— **Бошқоронги?**

Кампир сал энсасини қотирди. “Буни нега эрга беришди экан-а?” Лекин сир бой бермади:

— Яқинда фарзандлик бўласан.

Бу янгилик Саидани довдиратиб қўйди. Қайнонаси кечки овқатдан кейин буни ўғлига ҳам айтди. Хушхабарни эштиб эрининг мудом тунд юзи сал ёришгандай бўлди. Ўша кундан бошлаб ёш хотинига меҳрибончилик кўрсатадиган, кечқурун юмушларини битириб уйга қайтганида Саидага тансиқ нарсалар келтирадиган бўлиб қолди.

Бу орада тоғаси ҳам хотини билан келиб Саидани кўриб кетди. Янгаси унинг икки юзидан упиб кўришаркан, Саида алланечук ижирганарди. Янгаси куёвнинг уй-рўзгорини, дов-дасттоҳини кўздан кечириб чиқди. Кейин Саидага қараб:

— Саида, кенг уйнинг келинчаги бўлиб ўтирибсанми? — деди.

Саида жавоб ўрнига секин бош иргаб қўйди. Қайнонаси тога билан янгани қуюқ меҳмон қилди.

Сарполар кийгизди. Кетаётганларида эса янганинг құлига кattагина тутқазди:

– Егуликларга Ёдгорнинг ҳам оғзи тегсин.

Тутунни құриб янаам очилиб кетган янга илжайди:

– Кейинги сафар Ёдгоржониям олиб келамиз.

Узун қиши кечаларидан бирида Саида үғил күрди. Чақалоқ онасига үхшаб жуда истарали зди. Боласининг туғилиши унинг ғамгин ҳаётига файз олиб кирди. "Ойнинг үн беши қоронғу бұлса, үн беши ёрут келади", деганлари рост экан. Жувон үглини бағрига босганида барча күргуликларини, аламларини эсдан чиқараарди.

Чақалоқ туғилиши билан болаларнинг Саидага бўлган муносабатлари-да ўзгарди. Бу жажжи вужуднинг туғилиши улар билан Саида ўртасида иссиқ бир риштани пайдо қилган каби зди.

Бўйга етиб бораётган Нуқра чақалоқни маҳкам қучоқлар, митти юзларидан ўпарди. Кўп ўтмай укаси унинг эрмагига айланди. Нуқра уни ўзи бешикка солар, ўзи тебратиб ухлатарди. Болани фақат қорни очгандагина онасига берарди.

Орадан икки йил ўтиб Саиданинг иккинчи үгли дунёга келди. Унга Мадамин деб исм қўйдилар. Яна икки йил ўтар-ўтмас Санобар туғилди.

Бу орада укаси Ёдгор ҳам йигит бўлиб қолди. У жуда келишган йигит зди. Опаси турмушга чиққач, улар жуда кам учрашишарди. Янгаси одамови бу йигитни ўз таъсирига тушириб олган шекилли, Ёдгор опасидан ўзини олиб қочарди. Санобар туғилган йили тоғаси қизларидан бирини Ёдгорга бериб, уни ўзига ичкуёв қилиб олди.

Санобар энди тетапоя бўлганида уруш бошланиб қолди. Эркакларни аскарликка ола бошладилар. Ҳамма қатори Саиданинг эриға ҳам чақирав қозози келди.

Мавлон почтачи ҳозиргина бериб кетган чақирав қозозини қўлида тутиб турган Саиданинг бўғзига бир

нарса тиқилғандек бұлды. Шу пайттача у эри ҳақида, унинг ўз ҳаётидаги үрни ҳақида үйлаб күрмаган экан. Үнга бошқа бирорни күрсатиб, анча ёш катта бұлган шу одамға зерге беришди. Саида ундан учта фарзанд күрди. Саида барча оқила аёллар каби хотинлик вазифаларини түкис аді этар, эри ундан бирор марта бұлсын камчилик тополмаган зди. Эри унинг ўзига нисбатан күнгилсиз эканини биларди, бу нарса Саиданинг ҳаракатларию гап-сұzlаридан ҳам аён зди. Бироқ нима бұлғанда ҳам...

Айни пайтда қалтираёттан құллари билан чақи्रув қоғозини зұрга тутиб турған Саида ана шулар ҳақида үйлади. Үйладиу, қалбіда аллақандай надомат – пушаймонлик ҳисси пайдо бұлды. Шу тобда у ўзини зрининг бағрига отишни, ўксиб-ўксиб йиглашни истарди...

Орадан бир ҳафта үттак, у зрини фронтта жұнатди. Эри Саида билан хайрлашиш учун уйга кирганды, жувон илк бор зрининг бүйнита осилди. Ўксиб-ўксиб йиглади. Ҳар не бұлғанда ҳам, шу зеркак унинг күз очиб күргани зди. "Мендан рози бўлинг", деди Саида күзидан дув-дув ёш түкиб.

Эри "нега зерта кунда аза очяпсан" деб таъна қилмади. Балки ўз ёшидаги одамларга хос вазминлик билан Саиданинг ёйилиб кетган соchlарини тұгрилаган бұлды:

– Болаларни зұтиёт қыл, Саида. Уларни сенга, сени Худога топширдим...

Эри урушга кетгач Саида олти бола билан жуда қийналиб қолди. Уларнинг кунлари зл қатори фақат аталага қолғанды. Нуқра икковлари ўтириб олиб, кашта, дүппи тикишарди. Аммо арпа-бугдой тиллога тенг бұлған замонда бу безакларни бирор бошига урамиди?!

Сұхроб билан Малик ҳам Саидага ёрдамлашишга

ҳаракат қилишар, эркаклари урунда бўлган оиласарнинг юмушларига қарашиб, эвазига олган бир-икки ҳовуч унларини кечқурун ноёб бир бойлик каби уйга олиб боришарди.

Қариб, ишга ярамай қолган кампир Санобарнинг бешигини тебратиб ўтиради.

Урушнинг биринчи йили тугаб қолган кезларда Сайданинг эридан қорахат келди. Жувон қора кийиб аза очди. У дод-фарёд солмади – кўргуликлар унинг дийдасини қотириб юборганди. У эрталабдан кечгача болаларини ёнига олиб бугдойдан бўшаган далада бошоқ терар, сўнгра туни билан терган бошоқларини ёргичоқда тортиб чиқарди.

Атала ичиш болаларнинг жонига тегиб қолган эди. Сайданинг ҳали жуда ёш бўлган ўғиллари – Содиқ билан Мадамин “атала ичмаймиз” деб хархаша қилишарди. Уларга берадиган бошқа егулик бўлмагани учун аёл баъзида болаларнинг оғзига мажбурлаб атала қуярди. Шундай кезларда Сайданинг кўзларига ёш қалқиб чиқарди. Аммо жувон йиглашни истамасди. У кўз ёшлирини жаҳл билан артиб ташлардию кундалик юмушларига шўнгигб кетарди.

Тақдирнинг Сайдага атаб қўйган ситамлари ҳали тутамаган экан. Ўша куни у лавлагидан бўшаган далада тишга босишига ярайдиган егулик топиш учун кезиб ютарди. Қулида каттагина таёқ билан кесаклар орасини титкилар, каттароқ бўлакни топса олиб ёнидаги тўрvasига соларди.

Сайданинг халтаси яримлаб қолганди. Узоқдан бироннинг қораси қўринди. Бу Сайданинг қайнонаси эди. Кампир жон-жаҳди билан югуришга ҳаракат қилар, ора-сира “Саида, ҳой Саида” деб чақиради. Сайданинг юраги орқага тортиб кетди. Қулидаги таёқни бир чеккага ташлаб қайнонаси томон югурди. Пайкал ўртасида улар

юзма-юз келишди. Ҳаллослаб қолган қампир ажин босган юзини келинининг елкасига босиб йиглаб юборди:

– Уйимиз күйди, Саида. Уйгинамиз куйиб қолди.

Саида изиллаб йиглаётган қайнонасининг елкасидан ушлаб силкилаганини билмай қолди:

– Нима бўлди ахир? Гапирсангиз-чи!

– Содик билан Мадамин кунжара еб қўйибди.

Қайнонасининг сўzlари Саидани караҳт қилиб қўйди. Қулидаги тўрваси ерга тушиб кетди. Кампир соchlарини юлиб тинимсиз ўзини қаргарди:

– Менгина ўлай, Санобарнинг бешигини тебратиб ўтириб кўрмай қолибман. Менгина ўлай...

Саида қайнонасига ҳам қарамай, уйига чопди. Қисмат палахмони аёвсиз тошлаётган жувоннинг бошидан рўмоли тушиб, майдалаб ўрилган соchlари ёйилиб кетган, лекин у ҳозир бундай майда-чуйда нарсаларга эътибор берадиган алфозда эмасди.

...Ланг очиқ дарвозадан қандай кириб борганини билмайди. Болалар қайнонасининг уйида эди. Саида остонаядан кириб борганида Нуқра юзи докадек оқариб кетган Мадаминни бағрига босиб ўтирас, Содик эса қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб ётарди. Мадамин онасини кўриб йиглаб юборди. Саида ўзига талпиниб турган ўглини қўлига олди. Йиглаб турган бола ўқчиidi. Нуқра шошилиб тогорани тутди, лекин Мадамин қусолмади. Ўқчий-ўқчий ҳолдан тойди. Саида сал каттароқ бўлган Содикни бошидан ушлаб ўтиргизди. Бармоғини боланинг оғзига тикиб, қустирмоқчи бўлди. Аммо бола бола-да. Содик онасининг бармоғини жон-жаҳди билан тишлар, бошини сарак-сарак қилиб норозилик билдиради...

Ўша куни кечқурун болаларнинг қорни шиша бошлади. Саида болаларига қандай ёрдам беришни билмас, чорасиз алфозда ўғилларининг бошида ўтиради.

Бу кутилмаган воқеа аёлни тамом карахт қилиб қўйган, кўзларидан бирор бир маънони ўқиб олиш мушкул эди.

Кампир ҳам, Нуқра ҳам паришон ўтиришарди. Дўхтир деганлари анқонинг уруғидек бир гап эди. Бу чорасизлик уларин ҳолдан тойдирди.

Уша кунлари рўзгорнинг бор масъулиятини бўйнига олган Нуқра атала пишириб ўғилларининг бошида ўтирган Саидага, Санобарнинг бешигини тебратиб ўтирган энасига овқат тутарди. Кампир овқатдан озгина totинган бўлар, болалари кунжарарадан шишиб бораётган Саида эса косага қайрилиб ҳам қарамасди.

Қоринлари шишиб кетган болалар мажолсиз инграшар, сув сўраб йиглашарди. Саида қалтираган қўллари билан сув келтирас, болаларининг сув ичишга ҳам ҳоли етмагани учун пахта билан уларнинг оғзиларига сув томизарди.

Орадан бир ҳафта ўтиб Мадамин узилди. Суҳроб билан Малик укаларининг жажжигина жасадини бўзга ўраб қабристонга олиб кетишиди. Мингларча одамнинг мангуллик маконига айланган жойда яна бир мўъжаз тепалик пайдо бўлди.

Саида бор умидини Содикқа боғлади. Унинг кўзларида "шуниси ўлмай қолса бўлди" деган маъно зоҳир эди. Аммо тақдир аллақачонлар ўзининг шафқатсиз ҳукмини ўқиб бўлган эди. Содик укасидан кейин яна бир кунгина яшади. Сўнг уни ҳам тупроқса қўйдилар. Хонадонга мозористон сукунатига ўхшаш сукунат чўкиб қолди. Саида уззукун тиззаларини қучоқлаб бир бурчакда ўтиради.

Бешик тебратиб ўтирган кампир келинига нима деб тасалли беришни билмасди. Санобарнинг йигиси авжига чиққанида кампир уни ечиб олиб паришон келинининг қўлига тутқазар ва ялинганнамо:

– Қизингни эмизиб бер, Саида, – деб қўярди.

Болаларини тупроққа топширганидан кейин икки ойлар үтгач, аёл ўзини бироз ўнглаб оди. Бу тириклик курашида уни умидлантириб турган яна бир чироқ бор эди. Саида қизи учун яшашы лозим эди!

У иложи борича ўзини құлға олишга тиришар, иш билан овнарды. Аммо бугдойдан бұшаган далаларда бошоқ териб юрар экан, ўғиларини эслаб йигларди.

Вақтни бежизга "энг олий ҳакам" деб аташмаган. Ровийларнинг бу ҳикматида маъно кўплигини Саида тушуниб етди. Унинг назарида яшаш – сабр дегани эди.

Ўша йили тут пишигида Суҳроб билан Малик ҳам урушга кетишиди. Хонадонда фақат бир-бирига суянган муштипарлар қолишиди.

Йигитлар урушга кеттанидан кейин орадан уч ойлар чамаси вақт үтди. Құшни қишлоқлик Наби тегирмончининг урушдан чұлоқ бұлиб қайтган ўғли Нуқрага совчи қўйди. Саида совчиларга нима деб жавоб беришни билмай тараффудланди. Кейин қайнонаасининг уйига чиқди. Нуқра ҳам ўша ерда эди. Қиз гап нимадалигини жуда яхши фахмлаб турарди:

– Нима дейсан, қизим? – ботинмай сўради, Саида.

У Нуқра чұлоқ йигитдан совчи келганини билса ўқинади деб ўйлаган эди. Лекин Нуқра онасини ҳайрон қолдирди:

– Чұлоқ бұлса нима бўпти, – деди у ақлли кўзларини Саидага тикиб. – Ахир онасидан шундай тугилмаган-ку. Урушда чұлоқ бўлган. Қолаверса ёшим ҳам анча катта бўлиб қолди. Ноз қиласиган пайларим ўтиб бўлган. Совчиларга розилик бериб юбораверинг...

Аслида эса Нуқра ўзини эмас, онасини, қари бувисини, айниқса митти Санобарни ўйлаб розилик бераётган эди. Мен турмушга чиқсам, рўзгорга анча енгиллик бўлади, деб ўйлаёттанди...

Номигагина тўй қилиб, Нуқра билан урушдан

ногирон бўлиб қайтган Райимни никоҳлаб қўйиши. Саида Нуқранинг ўксишини истамасди. Бисотидаги тузукроқ қўйлаклари, рўмолларини Нуқрага берди. Никоҳ ўқиладиган куни энаси Майрам қушночдан ёдгорлик бўлиб қолган зиракни қулогидан ечиб ўтай қизига тақиб қўйди.

Куёв анча инсофли чиқиб қолди. У ҳафта оралатиб Нуқрадан нон пиширишга яроқли серкепак ун юбориб турарди.

Урушнинг охирги йилида бирин-кетин Сухроб билан Малиқдан қорахат келди. Илинибгина юрган кампир набираларининг ўлимини кўтаролмай ётиб қолди. Нуқра эрга теккач шу қари кампирга буткул суюниб қолган Саида тўшакка михланган қайнонасининг олдида ўтиради. Дам-бадам ундан "нима егингиз келяпти, энажон? Озгина утра оши қилиб берайми?" деб сўради. Кампир мажолсиз бош чайқар, чамаси, ўлими яқинлашиб қолганини сезгани учун тирикларнинг насибасига шерик бўлишни истамасди.

Кампир оламдан ўттач, Саида ҳали гўдак қизи билан ҳайҳотдек ҳовлида ёлгиз қолди. У кундузини бир амаллаб ўтказардию, шом қоронгуси туша бошлагандага юрагини ваҳима чулгарди. Баъзида Санобарни ухлатиб қўйиб ўзи чироқ ёргутида тонгта қадар каштами, жияқми тикиб ўтиради.

* * *

Қишлоқларга "яқинда уруш тугар эмиш" деган умидбахш хабар оралади. Мана шу хушхабар билан измаиз қизамиқ деган оғат ҳам етиб келди. Қорни нонга тўймаган, нимжон, касалманд гўдакларни ўз домига торта бошлиди.

Бир куни эрталаб Санобар нима учундир ҳолсизланиб уйгонди. Ҳар куни эрта тонгданоқ ҳовли юзида ўйнаб юрадиган қизалоқнинг ҳеч нарсага ҳуши йўқ эди. Саида

ташвишланиб қизини бағрига босди ва пешонасидан үпди. Боланинг иссиги баланд эди. Саида даҳшатта тушди. Қизини ётқизиб баданини текшира бошлади. Санобарнинг баданида қип-қизил тошмалар пайдо бўлганди.

Саида ирим учун қизининг белига қизил ип боғлаб қўйди, гултоҷихўroz дамлаб ичирди. Ҳазориспанд тутатди. Қўшнисининг дадилроқ ўғлини Нуқрани айтиб келишга жўнатди.

Лекин Саиданинг саъй-ҳаракатларидан нафчиқмайдиганга ўхшарди.

Синглиси касал бўлиб қолганини эшитган Нуқра шошилинч етиб келганида, онаизор бемор боласининг тўшаги ёнида мажолсиз ўтиради. Нуқра Саиданинг ёнига чўқди:

– Иссиги баландми, онажон?

– Болам бечора алантайи оташ бўлиб ёнаяпти – деди Саида. Унинг гуссага тўла кўзларидан ёш томчилар эди.

– Энди нима қиласиз?

– Куюнманг, она. Мен куёвингизни қўшни қишлоқдаги дўхтирга жўнатдим. Ҳадемай келиб қолиша ажаб эмас.

...Тушдан кейин Райим кексайиб қолган дўхтири етаклаб кириб келиб қолди. Дўхтир қўлларини чайиб олдию, зудлик билан Санобарни текширишга киришди. Қизалоқнинг юрак уришига қулоқ бера туриб, сўради:

– Касаллиги қачондан бошланди?

– Кечаям ўйнаб юрганди, – зорланган бир оҳангда жавоб қайтарди Саида. – Бугун тонг пайтидан шунаقا бўлиб қолди.

Уч жуфт кўз дўхтири чолга термулиб туришарди.

Саида чолнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирас, шу тобда дўхтири унга Хизр бўлиб кўринаётгандек эди.

Нуқра ҳамдард нигоҳларини бир Саидага, бир дўхтири

чолга тикар, уларни жон қулоқлари билан эшитиб турарди.

Дўхтири қидиравериб ҳолдан тойган Райим ногирон оёғини силаган куйи қайнонасига зимдан қараб қўяр, унинг кўзларида “бечоранинг кўргулиги кўп экан” деган маъно акс этиб турарди.

Чол қизалоқни обдон текшириб кўргач, афсус маъносида бош чайқади. Чуқур хўрсинди:

– Бечора гўдакнинг танаси жуда заиф. Қизамиқ шундай бир касалликки, уни беморнинг ўзи енгиши керак. Қизингиз касалликка бардош бера олармикан?

Дўхтирининг сўзларини эшитиб, бутун вужудига чидаб бўлмас совуқлик юргурган Саида чолнинг оёқларига йиқилгудек бўлиб ялина бошлади:

– Дўхтири бова, илойим юзга киринг. Бутун умидимиз сиздан. Мен кўп яқинларимдан бевақт айрилдим. Агар мана шу қизимгаям бир нима бўлса чидолмаслигим аниқ...

Дўхтири чол бечора аёлга шафқат билан термулди. Саиданинг елкасига оталарча қоқиб тасалли берди:

– Чиқмаган жондан умид, болам. Қўлимдан келганча болангизни сақлаб қолиш учун ҳаракат қиласман. Аммо нажот фақат Худодан...

Чол Санобарга укол қилди. Аммо кеч кириб борарди ҳамки, боланинг аҳволи ўнгланмаётган эди. Саида дамбадам қизининг пешонасига кафтини босиб кўрар, ҳўл сочиқ қўярди.

Орадан уч кун ўтди. Санобар ҳамон тўшакдан қимирламай ётарди. Қизчанинг иссиги ҳали ҳам жуда баланд эди. Дўхтири чолнинг дори-дармонларидан ҳам бирор наф чиқмади. Чамаси, шафқатсиз тақдир Саиданинг устидан аччиқ-аччиқ кулаётган эди.

Шўрлик она алангайи оташ бўлиб ёнаётган фарзандини бағрига босар, уни ажалга топширишни

истамаган каби гўдакнинг юзларидан ўпарди.

Унга ёрдам беришга ожиз бўлган Нуқра билан эри тўшак четида жим ўтиришар, келинчак унсиз йигларди.

Шу куни кечга бориб Санобарнинг жони узиҳди. Унинг лабларида нимтабассум қотиб қолганди. Гуё бир лаҳзадан кейин ўрнидан туриб югуриб кетадиганга ўхшарди.

Саида тонгга қадар қизининг совиб бораётган жасадини қучоқлаб ўтиреди. Нуқра билан куёви Санобарнинг мурдасини ундан ажратиб олишга уринишар, лекин аёл бор кучи билан қаршилик қиласади:

– Болажонимни ҳеч кимга бермайман, – дерди у кўзларини катта-катта очиб. – Санобар ухлаб қолди. Бир пасдан кейин уйгонади.

Нуқра Саидага ялинарди:

– Санобар ўлди, онажон. Нимага ундан қилаяпсиз? Мени қўрқитманг...

Эрталаб Санобарнинг кичкинагина жасадини ювиб бериш учун чиққан қўшни кампир Саиданинг аҳволини кўриб йиглаб юборди:

– Ҳаҳ, кун кўрмаган болам-а, деди бадбахт аёлнинг бошини силаб. – Пешонангда бор экан-да, нимаям қиласдинг. Одамнинг боши Оллонинг тоши. Тақдирингта бўйсунишдан бошқа чоранг йўқ, болам...

Саида кампирга маъносиз қўзлари билан қараб, уни итоаткорона тинглаб ўтиради. Кампир амал-тақал қилиб жонсиз Санобарни унинг бағридан ажратиб олди. Ювди, кафандади, кейин эса жасадни каттароқ ёстиққа ётқизиб, ташқарида кутиб ўтирган Райимни чақирди...

Содиқ билан Мадаминнинг мўъжаз қабрлари ёнида яна бир кичкина қабр дўппайди.

Санобар ўлганидан кейин Саида уч кунгача ўтирган жойидан қимирамади. У қуруқ суратга айланиб қолганди.

Учинчи куни Нуқра уни йўқотиб қўйди. Онаси бунақа

алфозда ўтиргани учун күнгил сўраш учун чиққан қўшни аёлларни марҳума энасининг хонасига киргизиб, ўзи Саиддан хабар олишга чиққан жувон ҳайрон қолди: боягина онаси ўтирган жой бўм-бўш эди. Кўнглига хавотир оралаб, ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқди. Саида ҳовлида йўқ эди.

Нуқра кечгача келган-кеттани кузатиб Саидани кутиб ўтириди. Аммо ундан дарак йўқ эди. Ниҳоят шом қоронгулиги ёйилиб бўлгач, эри билан бирга уни қидиришга тушди.

Нуқра билан эри шўрлик Саидани ярим тунда қабристондан топдилар. Саида ёнма-ён қўйилган уч мўъжаз қабр тепасида ўтирас, ўзича алланималарни сўзлаёттан эди.

Мозористон манзарасидан андак чўчиган Нуқра Саиданинг ёнига борди, унинг елкаларидан ҳамдардлик билан қучди:

– Юринг, уйга кетамиз. Бу ерда ўтирганингиздан фойда йўқ.

Кўзлари олазарак Саида жувонга ҳайрон бўлиб қаради:

– Сен кимсан?, – деди бироз орқага тисарилиб. Менинг болаларим шу ерда ётибди. Мен уларнинг ёнида бўлишим керак...

Кейин “ҳеч ким эшитмасин” дегандек Нуқранинг қулогига секин пичирлади:

– Мен кетиб қолсам, улар қўрқиб йиглашади.

Саида секингина алла айта бошлади...

У ақлдан озганди!

Гап нимадалигини англаган Нуқра чора сўраган каби эрига тикилиб туарди. Эр хотин бир амаллаб бечора аёлни уйга қайтариб келишди.

Саида кундузини бир амаллаб ўтказардию, шом кириши билан уйдан қочиб кетиб қоларди. Тунни

қабристонда, болаларининг қабрлари бошида ўтказарди.

Нуқра иложсиз қолиб, Саиданинг укаси – Ёдгорга одам юборди. Опасидан неча йиллардан бери хабар олмайдиган ука, ҳарқалай бу сафар келди. Келдию опасининг аҳволидан ҳайрон қолди. Саида жуда ўзгариб кетган эди...

Ёдгор азайимхон топиб келди. Азайимхон ҳаммага галати-галати қараб, бўлар-бўлмасга кулаётган Саидани олдига ўтиргизиб узоқ ўқиди. Кейин пулни олдию, Худодан шифо тилаб жўнаб қолди.

“Кўлимдан келгани шу” дегандек Ёдгор ҳам уйига жўнади.

Кимдандир “чилёсин қилдир” деган маслаҳатни олган Нуқра бор бисотини пуллаб Саидани чилёсин қилдирди. Аммо буларнинг бари бефойда эди. Қисматнинг аёвсиз ўйинларини кўравериб эси огиб қолган аёл ўзига келмади. Ниҳоят бари фойдасиз эканини тушуниб уни ўз ҳолига қўйишиди...

...Орадан йиллар ўтди. Қишлоқ одамлари қабристонда ётиб юрадиган аёлга ўрганиб ҳам қолдилар. Унинг соchlарига оқ оралаб, бир пайтлар қанчадан-қанча юракларни ўртаган юзларига ажин тушганди. Уни таниган кишининг шу афтодаҳол, телба кампир ўша Саида эканига ишонгиси келмасди. Кампир эрталаб қабристондан чиқиб қишлоқقا энардию, тўғри бир пайтлар ўзи келин бўлиб тушган ҳовлига йўл оларди.

Кимсасиз қолиб кетган ота уйига кўчиб келиб, оиласи билан шу ерда яшаётган Нуқра унинг олдига овқат қўярди. Кампир овқатни еб бўлиб, яна ортига қайтарди... Унга синчиклаб қараган одам бу телба кампирнинг алланарсаларни пи chirлаёттанини илгаб олиши мумкин эди. Яхшилаб қулоқ соглан одамгина кекса Саиданинг қуруқшаган лабларидан чиқсан сўзлар маъносини англай оларди:

– Кун кўрмаганга кун йўқ...

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

(туркум)

КҮЗГУ ОЛДИДАГИ ҮЙЛАР

Мен бу табассумни ҳар доим ҳам кўра олмайман. Бошқалар, тўгрироги, менинг атрофимдагилар учун бу табассум янгилик бўлмаслиги мумкин. Лекин мен учун бу табассумнинг бирозгина ноёблиги бор. Чунки мен уни фақат бир жойда – кўзгу олдидағина кўра оламан. Бунинг устига эркакман – кўзгуга кўпам қарайвермайман.

Мана, ҳозир ҳам ўша табассумга тикилиб ўгирибман. Қизиқ-а? Киши фақат бир ерда – кўзгу олдидағина ўзига табассум қила олади. Инчунун, қандай йиғлашингизни ҳам фақат кўзгу олдида кузатишингиз мумкин. Бамисоли ҳаёт дегани улкан саҳна, биз эса

актёрлармиз. Тириклик аталмиш шафқатсиз ва қаттиқчўл режиссёр эса “мана, ўз ҳолингни кўр” дегандек қўлимизга кўзгу тутқазади...

Кўзгудаги аксимга тикилиб ўйга толаман... Йиллар ҳамма нарсани, ҳатто инсоннинг табассумини ҳам узгартириб юбораркан. Бир пайтлар бу табассум анчайин магрур ва кибрли эди. Бугун эса бирмунча мулоим тортиб қолган.

Мен унинг ўтмишдаги магрурлигини бугун ўғлимнинг чеҳрасидан топаман.

ОДАМ БИЛАН ДАРАХТ

Ўшанда у жажжигина бола эди. Отаси кичкинагина қайрагоч ниҳолини келтириб, унга хитоб қилди:

– Ҳозир бу ниҳолни биргалашиб экамиз, ўғлим.

Отаси ниҳолни ўтқазаётганда у катта одамларга хос жиддийлик билан кўчатни ушлаб турган эди. Отаси баландлиги ўглининг бўйи билан баробар бўлган жажжи қайрагочга сув қуяркан, шундай деган эди:

– Бу сенинг дарахтинг бўлади, ўғлим...

Орадан йиллар ўтди. Ўша жажжи ниҳол заминга илдиз отиб улкан дарахтта айланди. Ҳовли юзига соя берди. Одамларни саратоннинг қайноқ тафтидан асрари.

Болакай ҳам вояга етди. Энди у ҳам ота Фарзандларининг бир пайтлар ўзи ўтқазган қайрагочга ҳалинчак солишларини юраги орзиқиб кузатади.

Орадан яна кўп йиллар ўтади. Қайрагочнинг бир маҳаллар қалин бўлган шохлари қуриб, сийраклашиб қолди. Япроқлари салгина шамолда ҳам тўкилгандан тўкилади. Ҳар куни ҳовли супургувчи келинчакка малол келади: "Бу дарахтнинг турган-биттани даҳмаза. Сояси йўту, ҳазонини супурганим ортиқча".

Одам ҳам кексайиб қолди. Унинг ҳам қайрагоч каби бурунги шашти йўқ. Бир маҳаллар қайрагочга ҳалинчак солган фарзандлари эса ҳар томонга "илдиз отиб" кетишиди. Қуриб бораётган дарахт каби у ҳам энди ҳаммага ортиқча юк бўлиб кўринади. Энди одам ҳар тонг ҳовлига чиққанида қадрдон дарахтига қараб маъюс тикилганча ўйга толади: "Бир-биримизга қанчалар ўхшаймиз-а..."

Кечаси қаттиқ шамол турди...

Эрта билан ҳовлига чиққан одам азиз дарахтининг қулаб ётганини кўрди. Одам титраб кетди. Аста келиб қайрагочнинг кекса танасини силади. Кун сайин хиralашиб бораётган кўзларига икки томчи ёш қалқиб чиқди. Шу пайт ошхона томонга ўтаётган келин унга эшигтириб тўнгиллади:

– Неварасининг бешигини тебратиб ўтиришга ҳам ярамайди.

Одам құлаб ётган қайрагочга алам билан шивирлади:
— Нақадар үхшашмиз-а...

МЕХР

У беланчакда ётаркан, боши устида меҳрнинг жонсарап чеҳрасини күрди. Меҳр онасининг қиёфасига кириб олган зди. Бу ёқимли сиймо гүё унга азалдан танишдек шириң жилмайиб қўйди.

Она тимсолидаги меҳр уни вояга етказди... Шу меҳр унга алла айтди. Ки унинг оҳангига умр ибтидосининг қанчалар бегубор экани мужассам зди.

Улгайди. Назарида у энди меҳрга муҳтож эмасдек зди. Баъзида волидасининг ундан ташвишланаверишидан койиниб, унга жаҳл қиласарди:

—Нима, энди мен ёш боламанми?

Йигитликнинг орзуларга тўлиқ кўчаларида у меҳрни яна бир бор учратди. Энди меҳр гўзал бир қизнинг суратига кириб олган зди. Меҳр унинг ҳайратта тўлиқ нигоҳларини ҳис қилган каби беихтиёр унга қаради. Ана шунда у англаб етдики, ҳали меҳрга муҳтож, жудаям муҳтож экан...

Кўп ўтмай ўша меҳр баҳт суратида унинг ҳаётига кириб келди.

...Унинг қўлига оппоқ йўргакка ўраб-чирмалган миттигина вужудни топширдилар. Юраги ҳаприқиб кетди. Қуллари гүё чақалоқни эмас, абадиятнинг бир бўлагини тутиб тургандек ҳаяжондан титрарди. Чексиз ҳаяжон ичида ҳам у меҳрнинг бу нозик тимсолини қандай асраш

ҳақида ўйларди.

Кунлар ўтгани сайин бу жажжи меҳр унга қараб талпинадиган, шириң жилмаядиган бўлиб қолди. У меҳрни қўлига кўтариб олиб бағрига босар, жажжи

қизалоқ сиймосидаги меҳр эса нозик бармоқчаларини унинг юзига теккизиб кўради. Шундай лаҳзаларда унинг юрагини дунёга, одамларга, борингки, тирикликтинг ҳар бир заррасига нисбатан шафқат туйғуси ишгол этарди.

Йиллар ўтди. Унинг кўз ўнгида, йўқ, кўз ўнгида эмас, юрагида улғайган меҳрни олиб кетиши.

“Ёр-ёр”нинг шодлик билан алам қоришиқ садолари остида юрагининг бир парчасидан яралган меҳрни кузатиб бўлгач, дарвозага беҳол суюниб, иқрор бўлди: “Меҳрга қанчалар мұхтож эканман-а, меҳрсиз қанчалар ожиз эканман-а”.

БИРИНЧИ КАШФИЁТ

Улар икки киши эдилар. Кечани кеча, кундузни кундуз демасдан адоги йўқдек туюлаётган ўрмон ичидан кетиб борарадилар. Йўловчилардан бири доно эди. Қай манзилга ва не мақсадда кетиб бораётганини яхши англарди. Иккинчиси нодон эди. Унинг ягона мақсади: шу ўрмондан тезроқ ўтиб олиш. Бироқ йўл тутагач, қайси томонга қараб юришини ҳам билмасди. Ўрмон унга адоқсиз тўсиқ бўлиб кўринарди.

Бир куни йўловчилар қаттиқ чарчашибди. Катта бир дараҳт тагида ўтириб ҳордиқ олмоқчи бўлдилар. Ҳаво совуқ эди. Шунда шеригининг совуқдан акашак бўлиб қолган қўлларини кўриб айтди:

—Қўлларингга “куҳ-куҳ”ласанг, қўлларинг исийди.

Нодон қўлларига “куҳ-куҳ”лаган эди, бармоқларига илиқлик югорди.

Улар яна узоқ йўл юрдилар. Ниҳоят қоринлари очди. Гулхан ёқиб овқат ҳозирладилар. Шошқалоқ нодон қайноқ овқатни ичиб оғзини куйдириб қўйди.

Уни кузатиб ўтирган доно яна ўтит берди:

—Овқатга “куҳ-куҳ”десанг, овқатинг совийди.

Шундоқ ҳам фифони фалакка чиқиб турган нодон дононинг юзига шапалоқ тортиб юборди ва алам билан бақириди:

— Сен кимнинг устидан куляпсан? Боя "куҳ-куҳ" ласант исийсан, дегандинг. Энди бўлса "куҳ-куҳ" ласанг совыйди, деяпсан. Сенинг қайси галингга ишонишим керак?

Нодон йўловчининг доно ҳамроҳи унинг шапалогига на сўз ва на ҳаракат билан жавоб қайтарди. Чунки у ҳаёт ўрмонида бу янглиғ жавобларга ҳали кўп бор дуч келишини жуда яхши англаб турарди.

Ахир тирикликнинг сирлилиги ва мазмундорлиги ҳам ҳам шунда-да!

ОШИҚ ҚИСМАТИ

Баланд чўққи устида лола униб чиқди. Вақти келиб гунчалади, кейин очилди. Унинг атрофида кўкламнинг турфа ранг ва турли қиёфадаги гуллари барқ уриб ётарди. Бироқ мағрур лола уларнинг бирортасини ҳам ўзига муносиб кўрмади. Баҳорнинг ювилган шиша каби тиниқ осмонига боқаркан, у оппоқ булатни кўриб қолди. Булат шунчалар оқ эдики, бамисоли лоланинг бошида улкан оққуш қанотлари билан соя солиб турганга ўхшарди. Лола ана шу оппоқ булатта шайдо бўлиб қолди!

Кеч кириши билан қоронгулик оқ булат юзини тўсиб қўярди. Ошиқ лола эса тезроқ тонг отишини, яна оқ булатга термулиб ўтиришни истарди.

Шу тарзда орадан бир неча кун ўтди. Бир куни оқ булатнинг ёнига унинг ога-инилари ҳам сузиб келишиди. Зум ўтмай момоқалдироқнинг гумбурлаган овозидан чўққи ларзага келди. Лоланинг нозик вужуди қўрқувдан титради. Кўп ўтмай дўл ёға бошлиди.

Дўлнинг йирик-йирик доналари лолани аёвсиз қамчилар эди! Тонгга яқин у жуда ҳолдан тойди ва ўзини

заминга ташлади. Чўққи ортидан бош кўтарган қуёш эрка лоланинг ерпарчин бўлиб ёттанини кўрди...

Начора? Ошиқлар қисмати ҳамма замон ва ҳамма маконларда оғир кечган. Қолаверса, муҳаббатта ҳамма вақт ҳам кутилганидек жавоб қайтмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай эмасми?

УМРИМ ФАСЛЛАРИ

Фасллар менинг умримни беаёв талашадилар. Болалигимнинг шўх-шодон йиллари баҳорга насиб этди. Негаки баҳор билан болалик бир-бирига ниҳоятда ўжаш эди. Баҳорнинг шарқираб оққувчи дарёларида, овози қўнгироқдай жарангдор ирмоқларида болаликка хос ўйинқароқлик мужассам эди.

Болаликнинг қалби баҳор осмонидек тоза ва губорсиз эди. Баҳорнинг ям-яшил қирлари ҳам, даҳлсиз бир гўзаллик касб эттан манзаралари ҳам болаликка монанд эди. У болаликнинг ўз бағрида қолишини, чечакларга бурканган далаларида узоқ кезиб, шўх-шодон ирмоқларига хаёлчан қулоқ беришини жуда-жуда истарди.

Ёшлигимнинг ўт-олов йилларини ёзнинг оташ қучогига топширдим. Негаки бу фаслда менинг йигитлик чоғимдаги юксак орзулар тафти жассам эди. Ёз тафти бир пайтлар қалбимни узоқ куйдирган ўтли нигоҳларни ёдимга соларди.

Ёшлик йилларимнинг кулгулари, хаёллари ва ҳаттоки армонларида ҳам ёз отashi акс этарди. Баъзида бу оташ юрагимни шунчалик куйдирардики, мен беихтиёр бу ўтлиг фаслнинг тезроқ поёнига етишини истаб қолардим...

Энди эса куз ҳам менинг ҳаётимдан ўз улушкини талаб қилаёттир... Буни талаб дейиш ҳам мушкул. Негаки куз

жуда сокин ва маҳзун.

Бу фасл мени ҳам сокинликка ўргатди. Бир неча йилдан бери у умрим дараҳтидан мевалар узиб менга тақдим қилаётир. Бу мевалар бирда ширин, бирда жуда таҳир. Бинобарин ҳар иккисида ҳам менинг ҳиссам бор. Куз мени ҳаёт ҳақида жим мушоҳада қилишга ўргатди. Шу боис мен кузни файласуфга менгзайман.

Қишигача эса... ҳали фурсат бор. Шундай бўлса ҳам негадир мен у ҳақда сўзлашдан ҳали бироз чўчийман. Бу табиий ҳолмиқан?

ТАСАВВУР

Баъзан кичкинагина ўзгариш ҳам катта бир ҳақиқатта замин ҳозирлаши мумкин. Масалан, Лев Толстой қандайдир тасодиф туфайли синиб ётган қариқиз бутасидан илҳомланиб "Хожимурод"ни яратган.

Машҳур ёзувчилардан бири эса ўзининг бепоён денгиз саргузаштлари ҳақидаги асарларини уйи олдидағи кўлмак сувга термулган кўйи қоғозга туширган экан.

Инсон тасаввурининг чегараси йўқ. Масалан, мен ҳозир кўзларимни юмиб, қадимий Миср маликаси Клеопатра сиймосини тасуввур қилишим мумкин.

Инсоннинг болалиги бамисоли тасаввур мактабига ўхшайди. Мисол учун, мен болалигимда ниманинг отини эшитсан, ўша нарсанинг шакл-шамойилини кўз олдимга келтириб кўрадим. Тўгри, унда ҳали менинг тасаввурларим жуда содда эди. Менинг болаларча наздимда одамлар икки турли: яхши ва ёмондан, дунёнинг ранглари эса оқ ва қорадангина иборат эди.

Инсон билимларининг ибтидоси – тасаввур. Тасаввур инсонни мушоҳадага бошлади. Мушоҳада эса ўз навбатида ҳақиқатга доялик қилди...

Кези келганда тасаввур гоятда шахсий ҳамдир.

Ўзимдан қиёс олай: "Она" сўзини эшитганимда тасаввуримда нима учундир дунёдаги бошқа оналар эмас, ўз волидамнинг сиймоси пайдо бўлади. "Уй" деганда эса ота маконимни кўз олдимга келтираман.

Яна шуни ҳам англадимки, инсоннинг ўз Яратгувчиси қудратини англай билиши ҳам тасаввур туфайли содир бўлган. Зотан, яралмишлар ичида энг мукаммали бўлган инсон ўз ижодкорининг Қудратини тасаввур қилиб кўрмоги лозим эди. У шундай қилди. Бу буюк тасаввур унинг тасаввурларига сигмади. Зотан, Яратгувчи қудратининг бепоёнлиги олдида инсон тасаввурининг кенглиги денгиздан бир томчи эди, холос.

Мен эса... ўша денгиздан бир томчи тасаввурим билан тахайюл денгизига шўнгийман.

Кўз олдимда Клеопатранинг қўрқинч гўзаллиги пайдо бўлади. Ана шунда Цезарнинг ўрнида бўлмаганим учун шукур қиласман.

АТИРГУЛ

У боғнинг қоқ ўртасида ўстган эди. Атрофида яна турли гуллар очилиб ётар,райхону жамбилнинг димоқча хуш ёқувчи ҳиди унинг мўъжаз оламини тўлдириб турарди. Чор томон гулларга тўла бўлса-да, бу атиргулнинг фавқулодда туси кўзга жуда яқин эди.

Бир куни боғда айлениб юрган йигит билан қиз атиргулнинг ёнгинасидан ўтиб қолишибди. Атиргулнинг ҳали-замон очиласман, деб турган гунчаси уларга қизиқсиниб қаради. Шу пайтда қизнинг чиройли кўзлари атиргул гунчасининг ноёб рангини пайқаб қолди:

— Вой, манави гулнинг гўзаллигига бир қаранг.

Йигит севгилиси кўрсатган томонга қаради:

— Гўзал, аммо сизчалик эмас...

Қиз ошиғига эркалик қилди:

— Шу гунчани менга узиб беринг.

Йигит гунчага қараб тараффудланди:

— Қаранг, ҳали яхши очилмабди. Кейинги сафар богни сайр қилишга келганимизда шу гунча гулга айланган бўлади. Ўшанда уни сиз учун узиб бераман.

Қиз чорасиз кўнди ва улар жўнаб кетишиди. Орадан бир неча кун ўтди. Йигит суюклисига ваъда берганидек гунча гулга айланди. Аммо бу сафар боқقا йигитнинг ёлғиз ўзи келди. Атиргулнинг ёнгинасида турган йигит қиздан хавотир олаётганди. Унинг пичирлаб айтган сўзлари гулнинг қулогига аниқ эшлитилди:

—Нега учрашувга келмади экан-а?

Йигит бирпас ўйланиб тургач, атиргулни узиб олиб қизга тухфа қилиш учун йўлга тушди. Манзилига етиб борган чогида эса... Унинг суюклиси илк висол онларига гувоҳ бўлган ўша қадрдон тераклар остида бошқа бироннинг кўзларига тикилиб турарди. Кутимаган хиёнат йигитни музлатиб қўйгандек эди. Зум ўтмай газаб уни ҳушига келтирди. Аммо у аламини қиздан эмас, атиргулдан олди. Теракзор оралаб ортига қайтаётиб, гулни йўл чеккасида турган ахлат челакка отиб юборди...

Энди ноёб рангли атиргул бир уюм тупроқ ва аллақандай қофоз парчалари орасида мунгайиб ётаркан, гуноҳи нимада эканини сираям тушунолмас эди. Наҳот, гўзаллик қисмати шунчалар аянчли бўлса?

ҲАҚИҚАТ

У осмонга етишни орзу қиласиди. Унинг хаёллари фақат осмон ҳақида эди. Баъзан юрагидаги истак шу қадар кучайиб кетардики, у беихтиёр бақувват илдизларини заминдан сугуриб олишга ҳаракат қилиб қоларди.

Бироқ бу иложсиз орзу эди. Ахир дунё яралганидан

буён ҳали бирорта дарахт ўз илдизларини ердан сугуриб ололмаган. Ҳаракатлари зое кеттан дарахт хомуш тортиб қолар, гүё “афсус” дегандай япроқларини маъюс шитирлатиб қўярди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Дарахт ерга бирор марта ҳам қиё боқмади. У ҳамон кўкка қараб талпинарди. Самога орзуманд дарахт ўзи ўсиб турган қирғоқни сув ювиб кетаёттанини кўрмади. Ҳолбуки, вақт ўтгани сайин дарахтнинг илдизлари билан замин ўртасидаги иттифоқчилик тутаб бораётган эди.

Ниҳоят фурсат етиб, сон-саноқсиз илдизлар заминдан ажralиб чиқа бошлади. Дарахт тебраниб кетди. Шу дамда у гўёки ўзининг азалий орзусига – Осмонга етадигандек эди. Бироқ кутганидек бўлмади. Дарахт бир лаҳза ер билан осмон ўртасида мўллақ турдию, сўнгра ерга қулай бошлади. У чор томонга ваҳима сочиб заминга йиқилди. Шоҳ-шаббалари синган, пажмурда ҳолида англадики, илдизларинг заминда бўлатуриб, осмон ҳақида орзу қилишинг бориб турган нодонлик экан.

Замин дарахтнинг бу хиёнатини кечирмади. Уни ўз пойида тиз чўкишга мажбур этди.

Инсоннинг аҳволи ҳам мана шу дарахтга ўхшайди. У мудом орзулар уммонида сузишни яхши кўради. Баъзан хаёл билан ҳақиқатни алмаштириб қўяди. Ваҳоланки, инсон тақдир битигидан ўзгасини ололмас.

“ПУЛ БЎЛСА ЧАНГАЛДА ШЎРВА”...МИ?

Ёхуд бозор фалсафаси

Кўпни кўрган Донишманд Замон деди:

— Бу оламнинг зеб-зийнатлари бевафодир. Дунёни пойига тиз чўқтирмоқчи бўлган Искандардек шоҳнинг ҳам қўллари очиқ кетди.

Бу насиҳатни эшитган Бозор Иктисадиёти луқма ташлади:

— Шоҳ Искандарнинг қўллари очиқ кетган бўлса кетгандир, лекин қорни оч кетмаган ахир!

Пул қанчалик кўпайса инсон шунчалик парвоз қилаверади. Лекин бир нарса ҳам аниқки, парвоз қанчалар юксак бўлса, қулаш ҳам шунчалик даҳшатлидир.

Дунё машҳурларидан бири лутф этади: “Клеопатранинг бурни сал қийшиқ бўлганида, эҳтимол, тарих бошқа йўлдан юриши мумкин эди”.

Дунё машҳурларининг бошқа бири эса: “Тарих пешонасига “оқпадар” деб ёзган касларнинг қўлига пичоқ тутқазган истак ҳам молу дунёнинг муҳаббати эди”, дейди.

Демак, бойлик ва аёл... инсон қисматидаги энг хатарли нуқталар...

Инсоннинг нодоғлиги шундаки, баъзан кичкинагина ошқозонига бутун бошли оламни жойламоқчи бўлади.

Пул баҳт ва баҳтсизлик манбаидир.

Ҳазрати Сулаймон айтади: “Мен довюраклиқдан кўра

денишмандлик афзал деган ўйда здим. Аммо камбагалнинг денишмандлигидан нафратланишар ва унинг сўзларини тингламас эканлар".

Демак, Ҳазрати Сулаймон ҳам бизнинг замонамиз билан ҳамфикр: "Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсинг!"

Пул – жозибадор аёлга ўхшайди. Шунинг учун унинг "муқом"ларига ҳадеб маҳлиё бўлавермаслик керак. Чунки у ёлгон бўлиши мумкин.

Бир ҳукмдор файласуф Эзопдан сўрабди:

– Нима учун денишмандлар бойларнинг ҳузурига келадилар-у, бойлар денишмандларнинг ҳузурига бормайдилар?

Эзоп жавоб берибди:

– Чунки денишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Бойлар эса билмайдилар. Агар улар ҳам билишганида эди, мол-дунё гамида яшамасдан, денишмандлик пайида бўлардилар.

Бир қария ўрмонда ўтин кесиб, уни уйи томон судрай бошлади. Йўл жуда олис эди. Қария ҳолдан тойиб, ўтинни ташлади-да, Яраттандан ўзига ўлим тилааб ёлворди. Шунда ажал ҳозир бўлди ва қариядан нима учун йўқлаганини сўради. Қария Ажалга жавоб берди: "Ўтинимни кўтаришиб юборишинг учун сени чорлагандим".

Пулга ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин. Ҳатто баҳтсизликни ҳам.

Инсондаги энг кучли туйгулардан бири бойликка бўлган муҳаббатdir. Унинг баҳти ҳам, фожеаси ҳам шундан бошланиб шундан тугайди.

Одамлар ортингдан эргашишини истасанг, уларнинг
ортидан юр.

Бир замонлар бир ҳукмдор ўзининг беҳисоб мол-
давлати билан оламга машҳур экан. Шу билан бирга, у
ўзи суюнган ягона инсон – устозини доимо ҳурмат қиласар
эканлар. Кунларнинг бирида у устозига савол берибди:

– Устоз, сиз бу дунёниг ишларига бепарво одамсиз.
На бойлик тўпладингиз, на давлат. Бир куни бу нарсалар
сизга асқотиб қолишини ўйлаб кўрмадингизми?

Устози унинг саволи ҳақида ўйлаб туриб, ҳукмдорнинг
саволига савол билан жавоб берибди:

– Мабодо, сен кимсасиз саҳрога тушиб қолсангу, жон
сақлаш учун бир пиёла сув эвазига ярим давлатингни
бериб юборармидинг?

Ҳукмдор ҳеч ўйлаб ўтирасдан жавоб берибди:

– Агар тирик қолиш учун бўлса, албатта бериб
юборардим.

– Орадан бироз муддат ўтгач, сени яна ташналик
қийнай бошласа, ўлмаслик учун яна бир пиёла сувга
қолган ярим давлатингни ҳам бериб юборармидинг?

– Албатта берардим, устоз. Ахир инсоннинг ҳаёти
бебаҳо-ку! – дебди ҳукмдор.

Шунда муҳтарам устоз айтибдики:

– Кўрдингми, сенинг подшоҳ бўлиб йиққан шунча
молу давлатинг бор-йўғи икки пиёла сувга арзиркан.
Демак, мен унинг ташвишини қилмасам ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, инсон мана шу "икки пиёла сув" учун
елиб-югурди. Вақти келганда шу арзимас "икки пиёла
сув"ни деб ҳар икки дунёсининг саодатини сотиб
юборади. Нақадар аянчли савдо!

Пул – ҳаловатни ўтирайди. Ҳаётини бой бермаслик

тағиши билан яшаган одам эса ҳеч қачон ҳаёт завқини билмайди.

На ўтмиш ва на келажак мавжуд. Чунки ўтмиш эндиликда йўқ, келажак эса ҳали етиб келмаган. Демак, инсон бугун билан яшами керак. Акс ҳолда киши орзулар ва армонларнинг қурбонига айланади.

Қадимдами, ҳозирдами, келажақдами, хуллас, бир бой яшаган экан. Унинг беҳисоб бойликлари бўлиб, ўзи тилло қасрда яшар эканлар. Бойнинг уйига келганларнинг ҳашаматдан тили танглайига ёпишиб қоларкан-у, лекин ҳар сафар бир нарсага тушунишмас экан.

Гап шундаки, бой тилло қасрининг эшигига эски бир чопонни осиб қўйган бўлиб, у уйга киришда ҳам, чиқишда ҳам кишининг бошига тегиб турар экан. Бир куни меҳмонлардан бири юрак ютиб бойдан бу тадбирининг боисини сўрабди. Шунда бой жавоб беридики: “Бу чопон бошимга ҳар текканида ўтмишимни эслатиб туради”.

Демак, холоса бундай: “Эски чопонини унуттан бойдан асрасин!”

Инсон фитратан шошқалоқdir. Шунинг учун у доим баҳт ва бойлик ортидан тили осилиб юргани-юрган. Инсондаги бу ҳолатни кузаттан аҳли донишлар дейдилар: “Агар сиз баҳт орқасидан қувиб қачондир унга етсангиз, кўзойнагини ахтарган кампир сингари баҳт доим шундоққина бурнингиз остида турганини сезиб қоласиз”.

Пул гўёки енгилтак аёлга ўхшайди. Бу аёлнинг муҳаббати ўткинчи бўлгани каби пул туфайли топилган ҳаловатинг ҳам муваққат бўлиши мумкин.

Везувий вулқони туфайли абадулабад вайрон бўлган Помпей шаҳри харобаларини қазиб олаётганларида шундоққина кўчада, олтин тангалар тўла қутичасини бағрига босганча қотиб қолган жасадни топишган экан. Беихтиёр ўйга толасан киши. Наҳотки одамзод жони омонат турган лаҳзаларда ҳам тилло тангаларни ўйлай олса? Бу қадар очкўзлик нечун?

Бозорнинг фалсафаси шу: “бер”! Бу маънони аҳли донишлар изоҳлар экан, шундай лутф этадилар: “100 нафар одам бир қуённи қувар экан, жониворни юз бўлакка ажратиб, бўлашиб олиш учун эмас, балки ҳали ҳеч ким бу қуёнга эга бўлмагани боис бу ишни бажарадилар”.

Ҳазрати Саъдий айтадилар: “Басра шаҳрида бир арабнинг қизиқ бир ҳикоясини эшитдим. У айтдики: “Бир куни саҳрода йўлимни йўқотиб қўйдим. Ёнимда на ейдиган, на ичадиган бир қултум сув бор эди. Ўлишимга ишониб қолдим. Айни шу пайт қўзим ерда ётган бир тўрвага тушиб қолди. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни ҳеч унуголмайман. Тўрвага ўзимни отдим. Қарасам, унинг ичи тўла олтин экан. Буни кўриб, шунчалар хафа бўлдимки, ҳеч қачон бундай изтиробга тушмаган эдим”.

Демак, «нажот бойлиқда» деган фалсафа нақадар ёлғон!

“Кемалар учун ҳаракатни бошқарувчи одам, арава учун аравакаш, қўшин учун саркарда қандай ўрин тутса, тижорат учун ҳалоллик ҳам шундай ўрин тутади.

Инсондаги бойлик ва вақт соғлиққа ўхшайди. Агар улар бор бўлса пайқамаймиз. Йўқ бўлса... дийдиё бошланади!

Пул ва севги! Ҳар иккиси ҳам инсоннинг энг нозик туйгулари билан уйгунашган. Шунинг учун ҳам аҳли билгичлар лутф этадилар: “Энг ақллilar ҳам севган пайтида аҳмоққа айланади”.

Инсоннинг баҳт ҳақидаги тасаввурлари ҳам негадир бойликка бориб тақалаверади. Баъзан биз ўзимизни ҳашаматли бир уйда яшаётгандек тасаввур қиласиз, тасаввуримизни ҳақиқатга айлантириш учун ўлибтириласиз. Минг бир заҳматлар эвазига орзуимиздаги ҳашаматта эришгач эса, надомат билан тан оламизки, асл БАХТ биз ҳеч бир изтиробсиз ташлаб кетган лойсувоқ уйда қолиб кетган экан...

Машҳур “Титаник” фильмидаги сўнгги кадрни эслайсизми? Йилларнинг шафқатсиз қўлларида соchlari оқариб, юzlari саноқсиз ажинлар билан безалган кампир кема палубаси панжарасига бир амаллаб чиқиб олади-ю, қўлидаги қимматбаҳо жавоҳирни уммонга отиб юборади. Зотан, кампирнинг ҳаётидаги барча баҳтсизликлар-у кўргуликлар ана шу бойлик билан боғлиқ эди. У гўёки изтиробли хотираларини ҳеч бўлмаса ўлими олдидан “Титаник” сингари уммонга гарқ қилмоқчи бўлгандек туюлади. Бу ҳолат ҳаётда бойлик ва баҳтсизликнинг баъзан ёнма-ён юришига биргина мисол холос.

Топган одам Йўқотишни ҳам билиши керак.

Инсон бойликка эмас, бойлик инсонга қул бўлгандагина баҳт келтиради. Ҳазрат Жомий таъбири билан айтганда:

Оч итга ўз луқма нонини бериб,

МУНДАРИЖА

Номус тутқуни	3
Илон ишқи	48
Армонли дунё	71
Икки қиёфали одам	84
Қисмат чигириги	118
Мен англаган ҳақиқатлар	173
«Пул бұлса чангала шұрва»ми?	183

Бобоев С.

Армонли дунё: Қиссалар, ҳикоялар.
—Т.: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллый кутубхонаси нашриёти, 2007—192 б.

САИДВАФО БОБОЕВ

АРМОНЛИ ДУНЁ

Муҳаррир *Л. Бўриев*
Тех. муҳаррир *P. Исакулов*
Мусақжих Г. Мўминова
Саҳифаловчи М. Хамроев

Теришга берилди 25.11.2006 й. Босишга руҳсат этилди 22.01.2007 й.

Бичими 60x84 1/16. Балтика гарнитураси. Кегли 12.
Шартли босма тобоги 12,0. Нашр босма тобоги 13,0.
Адади 1000 дона. Буюртма № 4.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллый кутубхонаси нашриёти
Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33.